

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Сарвиноз НОРБОЕВА**

**ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ  
(методик қўлланма)**

Термиз давлат университети НММ нашриёти.  
ТЕРМИЗ – 2021

## **Аннотация**

Мазкур қўлланмада маънавий компетентликни талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш тизимида тутган ўрни, талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришнинг ёш ва педагогик-психологик хусусиятлари, умуммаданий компетенциялар асосида маънавий компетентликни ривожлантиришнинг тузилмали модели, педагогик-психологик фанларнинг талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришга доир аксиологик имкониятлари, мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини фаоллаштиришга доир вазиятларни яратиш йўллари ёритиб берилган.

Методик қўлланмадан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, гуруҳ мураббийлари, олий таълим муассасаларининг психолог-тарбиячилари фойдаланишлари мумкин.

**Масъул муҳаррир: п.ф.д., профессор Бегзод Ходжаев**

**Такризчилар: п.ф.н., доцент Муслима Бозорова,  
п.ф.н., доцент Назар Ашуров**

Мазкур методик қўлланма Термиз давлат университети ўқув-услубий кенгашнинг 2021 йил 23 апрелдаги 8-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

## СЎЗБОШИ

Жаҳонда халқаро таълим стандарти таснифи (ХТСТ) талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда таълим жараёнида бўлажак мутахассисларнинг маънавий компетенциясини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, олий таълим муасссаларида тарбия тизимининг янги шакллари жорий этиш, талабаларнинг фуқаролик ва ватанпарварлик компетенциясини ривожлантириш, виртуал ҳамжамиятлар асосида таълим олувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим долзарблик касб этмоқда. Жумладан, 16 та фазилатни ўзида мужассам этган “Идеал япон йигит-қизининг фазилатлари”, 60 та фазилатни ўз ичига қамраб олган “Америка–2000: таълимни ривожлантириш стратегияси” дастури, ҳар бир инсонда индивидуал йўналган шахслик сифатлари ёритиб берилган Буюк Британия тарбиявий доктринасини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сон Қарори<sup>1</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори<sup>2</sup>да “Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш” муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмаслиги, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилиб, “тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4307-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2019 й., 07/19/4307/3079-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори 1-илоvasи. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон.

этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш”<sup>3</sup> муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Турли соҳа вакилларининг маънавий компетентлигини ривожлантириш масаласи уларни глобаллашув жараёнига нисбатан рақобатбардош мутахассис сифатида тайёрлаш вазифасини назарда тутди. Ҳолбуки, шахс манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган замонавий таълим парадигмасида ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини намоён қилишдек долзарб жиҳатга катта эътибор қаратилади<sup>4</sup>. Негаки, таълим мазмуни – тарбиявий асослар билан мувофиқлаштирилган ижтимоий-маданий тажрибанинг сараланган қисми бўлиб, билим бериш жараёни орқали эгалланадиган хулқ, муомала, ҳиссиёт, фикрлаш ва амалий фаолият маданиятини ўзида мужассам этади<sup>5</sup>. Табиийки, бўлғуси мутахассисларнинг касбий сифатлари мазмун-моҳиятини ахлоқий-эстетик, маънавий компетенция нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи юзага келади.

Миллий педагогикамизда “маънавият”, “маънавий маданият”, “маънавий-ахлоқий тарбия”, “маънавий кадриятлар” билан боғлиқ катта илмий-педагогик тажриба тўпланган. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мавжуд соҳага оид илмий-педагогик адабиётларда “маънавий компетентлик” атамаси алоҳида қайд этиб ўтилмага ҳамда уни ривожлантиришнинг ўзига хосликлари ёритиб берилмаган. Мазкур қўлланма ана шундай заруриятдан келиб чиққан ҳолда яратилган бўлиб, унда талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилган. Энг асосийси, қўлланмани ўқиб-ўрганиш орқали педагогик-психологик фанларни ўрганишнинг зарурлиги, мазкур фанларнинг аксиологик имкониятлари нақадар кенг эканлигига амин бўласиз!

Ҳурмат билан, муаллиф.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 27 март, № 62 (7842).

<sup>4</sup> Клыкова Л.А. Развитие художественно-эстетической компетенции студентов хореографических специальностей: дисс. ... канд. пед. наук. – Челябинск, 2009. – 212 с.

<sup>5</sup> Бим-Бад Б.М. Педагогическая антропология: Учеб. Пособие./Авт.-сост. Б. М. Бим-Бад. М.: Изд-во УРАО. 1998. – 575 с.

# **I БОБ. ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1-§. Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантириш долзарб педагогик муаммо сифатида**

Олий таълим муассасаси тарбиявий жараёни – бу ОТМнинг аудитория ва аудиториядан ташқари фаолиятида умуммаданий ва касбий компетенцияларни шакллантириш учун таълим ташкилотининг махсус тарбиявий имкониятини мақсадга йўналтирилган ҳолда рўёбга чиқарилишидир. Мазкур жараённинг субъектлари таълим олувчилар ва ўқитувчилар бўлиб, мазмуни эса уларнинг касбий йўналтирилган фаолиятнинг умумий турларидаги (ўқув, аудиториядан ташқари, назарий, илмий-тадқиқот, ижтимоий ва бошқалар) ҳамкорлигидир.

Таълим модернизацияси замонавий назария ва амалиёт асосида тарбиянинг янги моделларини яратиш жараёнидир. Замонавий таълим кадрият жиҳатидан яхлит воқелик бўлиб, бу инсон шахсига самарали таъсир кўрсатиш натижаларида акс этади. У маданиятларнинг узатувчиси бўлиб қолмай, уни шакллантириш механизмига айлана боради.

Кадриятлар бу умумий мақсадлар ва уларга эришиш воситалари бўлиб, билимлар интеграциясини таъминловчи фундаментал меъёрлар вазифасини бажаради, бу эса, индивидга ҳаётда муҳим аҳамият касб этадиган ҳолатларда ўзини тутишнинг мақбул шаклини танлашга ёрдам беради. Кадриятлар – таълим олувчи ички салоҳиятининг индивидуал ривожланиши ҳамда янги сифатлар ва қобилиятларнинг шаклланиши кўрсаткичидир (инсон фаолиятининг маълум бир соҳасида, хусусан – касбий фаолиятда).

Сўнгги йилларда таълим тизими, шу жумладан, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги, таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши, таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний кадриятларнинг сингдирилганлиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти<sup>6</sup> кабилар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “Талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, уларнинг касбий компетентлиги билан инсоний фазилатларини

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. (23.09.2020). // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.

уйғунлаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг тарбиявий масъулиятини ошириш, таълим ва тарбия уйғунлигини амалда таъминлаш учун фанларнинг ҳар бир мавзусидаги тарбиявий мақсаддан унумли фойдаланилишини таъминлаш”<sup>7</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда олий таълим муассасаларининг иштироки ҳамда ташаббускорлигини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш; давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмуни ва моҳияти олий таълим муассасалари томонидан телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кенг аҳоли эътиборига етказилишини таъминлаш<sup>8</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ қатор муҳим йўналишлар белгилаб берилди:

-давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, юртпарвар, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, инсоний фазилатларга эга ёшларни профессионал касб эгаси сифатида тайёрлаш, бу борада янгича ёндашувларни талаб этадиган таълим-тарбия усулларида фойдаланиш;

-ёшларнинг қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан хабардорлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш каби умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий қадриятларни камол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллик, мустақкам фуқаролик позициясини шакллантириш;

-талаба-ёшларни турли ахборот хуружлари, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши, улар томонидан ижтимоий хавfli қилмишлар содир этилиши ҳолатларининг олдини олиш, Ватанимиз истиқболи йўлида бирлаштириш мақсадида таълим-тарбиянинг таъсирчан усуллари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда уларнинг қизиқишини эътиборга олиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3775-сон Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.06.2018 й., 07/18/3775/1313-сон.

“Мақтаб – маънавий ва маърифат ўчоғи” концепцияси доирасида олий таълим муассасаларининг умумтаълим мактаблари билан ўқувчи-ёшларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, касбга йўналтириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш каби масалаларда менторлик модели асосида ҳамкорлигини ривожлантириш<sup>9</sup> ва ҳ.к

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “Педагог ходимларнинг кадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш”<sup>10</sup> [6], бугунги ислохотларнинг моҳиятини ёритишга қаратилган тизимли ишларни ташкил этиш масалалари алоҳида эътироф этилганлигида кўрамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4307-сон Қарори<sup>11</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори<sup>12</sup>да “Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавий соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш” муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмаслиги, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилиб, “тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.08.2018 й., 07/18/3907/1706-сон; 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4307-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2019 й., 07/19/4307/3079-сон.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори 1-илоvasи. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон.

этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш”<sup>13</sup> муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Тадқиқот муаммосига доир меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни муайян даражада ҳал этиш ҳамда масаланинг долзарблигини асослаш учун мавзу билан боғлиқ “маънавият”, “компетенциявий ёндашув”, “компетенция”, “компетентлик”, “маънавий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳиятига аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Маънавият инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи муҳим омил ҳисобланади. Инсон табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Фақатгина моддий жиҳатдан кифояланиш онгсиз ва руҳсиз махлуқотларга хос бўлган хусусиятдир. “Инсон уни инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади”<sup>14</sup>. Шу боис, инсоннинг эркинликка, адолатга, камолотга интилиши, ижод қилиши маънавий эҳтиёжлари туфайлидир. Инсон ўз табиатига нолойиқ ҳолда эмас, балки унга муносиб равишда яшамоғи лозим. Шу маънода маънавият ўз-ўзини яратиш фаолиятининг мазмунидир. Маънавият ижтимоий ҳодиса сифатида биргина шахс онгига боғлиқ бўлмасдан, унинг тараққиёти, ривожини умуммиллий тажриба орқали амалга ошади. Маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул. Маънавият одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир. У инсоннинг ботиний томонига қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Маънавият тушунчаси моҳият ва мазмун жиҳатидан мураккаб ҳамда серқиррадир. Маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу илоҳий нур ҳеч бир жонзотда йўқ. Маънавият шундай бир сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга башар қудрати етмайди. Шу боис, ушбу илмий ишда берилган таъриф мукамаллик ва тугалликни даъво қилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Маънавият” тушунчаси мазмуни фақат “маъни”, “маъно” деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган: “Нега деганда, инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутаяди.

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 27 март, № 62 (7842).

<sup>14</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.81.



Шу фикрни мантиқий давом эттириб, маънавият – инсонни рухан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз”<sup>15</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.”Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, – деди Шавкат Мирзиёев йиғилишда. – Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият”<sup>16</sup>.

Мазкур тушунча тавсифига доир хилма-хил талқинлар мавжуд бўлиб, бирида маънавият – тарихий онг дея таърифланса, иккинчисида уни кишиларнинг руҳий фаолияти сифатида қараш мавжуд, учинчисида маънавият ахлоқ, нафосат ва назарий кадриятлар мажмуи деса, тўртинчиси уни ҳақиқат, ҳикмат ва гўзалликлар қиёми деб қарашни таклиф этилади. “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати”да мазкур тушунчага қуйидагича умумлашган таъриф берилган: “Маънавият (араб. маъно, маънолар мажмуаси) – моддий ҳаёт билан доимо ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган ижтимоий ҳодиса”<sup>17</sup> Э.Юсупов “Маънавият – инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқарashi, мафкуравий қарашларнинг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимидир”<sup>18</sup>, деб таърифлайди.

А.Жалолов “Мустақиллик масъулияти” номли асарида “Маънавият инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг махсули”<sup>19</sup>, деб таърифласа, “Ҳаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти” мақоласида бу таърифни янада кенгайтириб, мукамалроқ тарзда қуйидагича таърифлайди: “Маънавият – инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамиятни, табиатни уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёт хусусиятларини ўрганадилар, қонунларини кашф этадилар ва уларга таяниб, ўз турмуш шароитлари, амалий фаолияти муаммоларини ҳал этадилар”<sup>20</sup>. Муаллиф ўз

<sup>15</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.19-20.

<sup>16</sup> Янги Ўзбекистон: кучли иқтисодиёт ва кучли маънавият. / “Янги Ўзбекистон” газетаси. № 24 (280), 2021 йил 3 февраль,

<sup>17</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – Б.333.

<sup>18</sup> Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. – Б.34.

<sup>19</sup> Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.29.

<sup>20</sup> Жалолов А. Ҳаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти. // ж. Мулоқот. – №1997. – 5-сон. – Б.15.

фикрини давом эттириб, маънавиятсиз ҳаётни қоронғи бир хонага ўхшатади. Н. Иброҳимов эса “Ватан туйғуси” китобида “Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча”<sup>21</sup>, деб таърифлайди. С. Отамуротов ва С. Хусановлар ўз тадқиқотларида “Маънавият – инсоннинг ички руҳиятини, унинг ўзини-ўзи англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш йўлида онгли фаолият кўрсатиш ва интилиш салоҳиятидир”<sup>22</sup>, деб таърифлашади. Булардан ташқари бир қатор олимларимизнинг мақолаларида, анжуманларда қилган маърузаларида маънавият – инсондаги ахлоқ, одоб, билим, илм, иймон, ихлос ва инсоният камолоти учун ижобий таъсир қилувчи тизим ёки маънавият – инсоннинг ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий қарашлари йиғиндиси сифатида баҳоланмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари ҳам мазкур воқеликнинг турлича талқинларини тақлиф этишган. Жумладан, В. А. Беляеванинг қайд этишича, бирламчи асосий йўналиш сифатида маънавият хулқ-атвор меъёрлари, ҳаётий фаолиятни ташкил этиш, шахслараро муносабат, билиш усулларини ўзида акс эттиради. “Маънавият жамият ва инсон интиладиган идеал, ғоя, кадриятларни ўзида ифода этади. Маданиятни маънавиятга тенглаштириш ёки уни фақат маданиятнинг инъикоси сифатида тасаввур этиш мутлақо адолатсизликдир. Маънавият жамият ва инсон маданияти асосидир”<sup>23</sup>.

Замонавий педагогик фикрлар шахс маънавиятини инсонпарварлик ва ахлоқий кадриятлар, инсон ва атроф-муҳитга эстетик, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа нуқтаи назарлар йиғиндиси сифатида тушуниладиган маънавий фаолиятга инсонни жалб этиш боғлиқликда талқин этади. Жумладан, В. И. Слободчиков ва Е. И. Исаевлар “Инсон маънавияти унинг олам, ўз-ўзини, дунёдаги ўз ўрнини англаш эҳтиёжи ва қобилияти, одам табиати қонунларини англаш билан боғлиқликда ижтимоий ҳаётнинг янги шакллари яратишга интилишда намоён бўлади”<sup>24</sup>, деган хулосага келишган.

Сиэтл университетининг таълим бўйича директори, маънавият кафедраси доценти Валери Леснякнинг таъкидлашича: “Маънавият ҳақиқатни англаш, кўпмаданиятли истиқболлар ва мустаҳкам эътиқод каби жараёнлар билан боғлиқ ҳодисадир”<sup>25</sup>.

<sup>21</sup> Иброҳимов А. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.111.

<sup>22</sup> Отамуротов С. Отамуротов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – Б.178.

<sup>23</sup> Беляева В.А. Теория и практика духовно-нравственного становления и развития учителя в советской и православной педагогической культуре: Автореф. дис... д-ра пед. наук. – М., 1999. – С.15.

<sup>24</sup> Слободчиков, В.И., Исаев, Е.И. Психология человека: Введение в психологию субъективности. – М.: Школа-пресс, 1995. – 383 с.

<sup>25</sup> Valerie Lesniak. An Integrative Model of Spiritual Formation: A Work Always in Process. // Reflective Practice: Formation and Supervision in Ministry ISSN 2325-2855 © Copyright 2013 Reflective Practice: Formation and Supervision in Ministry All rights reserved.

Шунингдек, хорижлик олимлардан К.Р.Андерсон, Р.Д.Риз<sup>26</sup>, М.Ж.Энтони<sup>27</sup>, Н.Олт<sup>28</sup>, П.Ховард<sup>29</sup> кабилар томонидан маънавий менторлик, болаларнинг маънавий шаклланиши истиқболлари, бутун ҳаёт давомида маънавий юксалиш, маънавий шаклланишнинг психологик модели билан боғлиқликда “маънавият” тушунчасига изоҳ бериб ўтилган. Хорижий адабиётлар таҳлили мазкур тушунчага муаллифларнинг кўпроқ дин билан боғлиқликда ёндашганлигини кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам, маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлардан биринчиси инсоннинг руҳан покланиши ва қалбан улғайишидир. Бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар билан бирга, бундай олижаноб фазилатлардан бутунлай узоқ бўлиб яшайдиган, ўзини дунёнинг ҳақиқий эгасидек ҳис қиладиган “нафснинг қули ва ўткинчи ҳою ҳавас эгалари”нинг борлиги табиий бир ҳолдир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу икки тоифдаги одамларни қуйидагича таърифлайди:

“Биринчиси – ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонлар.

Иккинчиси – бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндашув, яъни ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою-ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамлар”<sup>30</sup>.

Албатта, юқорида келтирилган таърифларнинг ҳаммасида ҳам маънавиятнинг кўпгина қирралари ўз ифодасини топган. Улар муаллифлар ўзларининг нуқтаи-назарларини билдиришган бўлса-да, бу таърифлар янада сайқалга муҳтождир. Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, уларни тўлдирган ҳолда маънавиятга қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Маънавият – инсоннинг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақл-заковатининг маҳсули, унинг ижтимоий, руҳий фаолиятининг ўзига хос дастури бўлиб, у она Ватанга ҳурмат, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида шаклланади. Бу жараёнлар миллатнинг ўз озодлиги учун курашида, ўз манфаатларини химоя этишида, тараққиётга интилишларида намоён бўлади”. Натижада, маънавиятнинг қуйидаги компонентлари аниқлаштирилди:

-инсоннинг маънавий моҳияти ҳақидаги билимларни ўзида акс эттирувчи когнитив компонент;

<sup>26</sup> Anderson K.R. and R.D.Reese (1999). *Spiritual Mentoring: A Guide for Seeking and Giving Direction*. Downers Grove, IL, InterVarsity Press.

<sup>27</sup> Anthony M. J., Ed. (2006). *Perspectives on Children's Spiritual Formation*. Nashville, TN, B&H Academic.

<sup>28</sup> Ault N. (2005). *Envisioning a System-based Spirituality for Lifelong and Sustainable Christian Education Colloquium: The Australian and New Zealand Theological Review* 37(1): 45-67.

<sup>29</sup> Howard, P. (2006). *A Psychospiritual Model of Spiritual Formation: A Review of David Benner's Contribution*. *Christian Education Journal Series* 3, 3(2): 230-239.

<sup>30</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.22-23.

-исталган ҳаётӣй вазиятларда маънавий-ахлоқӣй меъёрларга раҳбарлик қилиш истагида намоён бўладиган хулқ-атвор компоненти;

-ўзи ва бошқа кишиларга эмоционал-қадриятли муносабат билан боғлиқ эмоционал-қадриятли компонент.

Маънавият ҳақида фикр юритганда, “ахлоқ”, “маънавий-ахлоқӣй тарбия” тушунчаларига ҳам изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ахлоқ ва маънавият чуқур ички ўзаро алоқадорликка эга. Зеро, маънавият индивид мансуб бўлган гуруҳлар ахлоқи таъсирида юзага келади, ахлоқ эса, ўз навбатида, гуруҳ аъзолари бўлган индивидлар маънавиятининг ўзаро туташ оммавий муносабатларида намоён бўлади.

Ахлоқ маънавиятнинг таркибий қисми сифатида шахс камолотининг юқори босқичи саналади. Зеро, ахлоқ, ахлоқӣй меъёрларсиз шахснинг руҳӣй ва жисмонан етуклигининг мезони бўлган маънавий камолотга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам маънавий-ахлоқӣй тарбияда узвийлик, алоқадорлик диалектик характерга эга бўлиб, шахснинг маънавий-ахлоқӣй шаклланишида муҳим саналади.

Маънавият ва ахлоқ ўз навбатида тарбия жараёнини самарали ташкил этишни тақозо этади. Маълумки, тарбия ёш авлодни жамиятда яшашга мақсадли тайёрлаш жараёни бўлиб, махсус ташкил этилган давлат ва жамоат институтлари орқали амалга оширилади, жамият томонидан назорат қилинади ва тузатишлар киритиб борилади.

Бизгача амалга оширилган тадқиқотларга асосланган ҳолда тарбияни: умумий фалсафӣй маънода – инсоннинг ҳаёт шароитларига мослашиши; ижтимоий маънода – катта авлоднинг ҳаётӣй ва хулқ-атвор тажрибаларини ёш авлодга узатиши сифатида; кенг педагогик маънода – инсонга мажмуавий таъсир кўрсатиш жараёни ва натижаси сифатида; тор педагогик маънода – тарбиячилар жамоаси томонидан таълим-тарбия муассасаларида тарбияланувчилар онги, хулқ-атвори ва иродасига таъсир кўрсатишнинг тизимли тарзда амалга ошириладиган, махсус ташкил қилинган, бошқариладиган таъсири сифатида; амалий маънода – (тарбиячилар, мураббийлар, етакчилар, гуруҳ раҳбарларининг) аниқ тарбиявий масалаларни ҳал қилишга қаратилган тарбиявий фаолияти жараёни ва натижаси сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда тарбияга ижтимоий ҳодиса сифатида қарашдан шу нарса англанадики, тарбия жамият манфаатларини кўзлаб ва унинг ривожланганлик даражасига мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим. Тарбия ўз моҳиятига кўра ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш, болалар, ёшлар ва катталарни мавжуд шарт-шароитларга мослаштиришдир<sup>31</sup>. Яна шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, тарбиянинг жамоатчилик (ижтимоий) тавсифи бир томондан, тарбиянинг ўзи тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш сифатида амалга оширилиши; иккинчи томондан, жамият томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни маълум йўналишда тарбиялашга кўмаклашадиган тизим сифатида ташкил этилишида ўз ифодасини топади.

<sup>31</sup> Селиванов В.С. Основы общей педагогики: теория и методика. – М.: Академия, 2002. – С.107.

Шундай қилиб, тарбия фақат тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабат сифатида тушунилмаслиги лозим. У нафақат кенг ижтимоий доирада амалга оширилади, балки табиатига кўра амалда барча ижтимоий-иқтисодий тузилмаларни ўзида қамраб олинадиган ижтимоий ҳодиса саналади: тарбия ҳаёт ва унинг давомийлигини таъминлаш учун ташкил этилади.

Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарбия жараёнини ижтимоий омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин: жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий шароитлари; тарбиянинг ижтимоий шарт-шароитлар билан алоқадорлиги; тарбия ижтимоий воқеликни бошқариш, назорат қилиш ва ижтимоийлаштириш омили эканлиги; тарбия ижтимоий аҳамиятли хулқ-атвор намуналарига одатлантириш сифатида; кичик (микро муҳит), ўрта (мезо муҳит) ва катта (макро муҳит) гуруҳ ва ҳамжамиятлар орқали тарбиялаш ва ҳ.к.

Мазкур омиллардан кўринадики, тарбиянинг ижтимоий моҳияти унинг турларидан бири бўлган маънавий-ахлоқий тарбияга ҳам тааллуқлидир. “Маънавий-ахлоқий тарбия” тушунчаси ҳам “тарбия” тушунчаси каби турлича талқин қилинади. Масалан, педагогик луғатларда маънавий-ахлоқий тарбия жамиятда ахлоқни қайта яратиш, тадқиқ қилиш шаклларида бири сифатида таърифланади<sup>32</sup>.

Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича фундаментал тадқиқотларни амалга оширган Ш.Ш.Олимов мазкур тушунчани қуйидагича тавсифлаган: “Маънавий-ахлоқий тарбия жамиятда абадий давом этадиган жараён бўлиб, ўз таркибий тузилишида аниқ мақсад, моддий база, тамойил, қонуниятлар ва методлар, шакл ва воситалар, субъект ва объект, бошқариш ва натижага эришиш кабиларни яхлит, бир бутун ҳолатда ўзида мужассам этади. Шу жиҳатдан ҳам маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил қилишда маълум қонуниятларга риоя қилиш педагогика фанининг асосий вазифаларидан ҳисобланади”<sup>33</sup>.

“Маънавий-ахлоқий тарбия”га доир худди шунга яқин таърифлар З.Т.Салиева<sup>34</sup>, Н.Э.Азимова<sup>35</sup>, Ш.Н.Тайлакова<sup>36</sup>, У.Қ.Утанов<sup>37</sup>лар томонидан ҳам тақлиф этилган.

Адабиётлар таҳлили асосида маънавий-ахлоқий тарбия қуйидаги вазифаларга ечим топишга хизмат қилади, деган хулосага келинди:

-тарбияланувчиларни маънавий-ахлоқий қадриятларга ошно этиш: ишонч, муҳаббат, эркинлик, виждон, миннатдорлик, бурч, олийжаноблик;

<sup>32</sup> Педагогический энциклопедический словарь. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2003. – Б.171.

<sup>33</sup> Олимов Ш.Ш. Касб-хунар коллежи ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш назарияси ва амалиёти: пед.фан.док. ... дисс. Автореф. – Т., 2012. – Б.13.

<sup>34</sup> Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: педагогика фанлари бўйича фан доктори. ...дисс. – Т., 2017. – 243 б.

<sup>35</sup> Азимова Н.Э. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси: пед.фан.ном. ... дис. Автореф. – Т., 2012. – 23 б.

<sup>36</sup> Тайлакова Ш.Н. Ўқувчи – ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида): педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори. ...дисс. Автореф. – Т., 2018. – 51 б.

<sup>37</sup> Утанов У.Қ. Аудиторидан ташқари машғулотлар жараёнида талабалар маънавиятини ривожлантириш технологияси. – Т., 2018. – 44 б.

-ахлоқий ҳис-туйғуларни уйғотиш ва ривожлантириш – уят, ҳаё, қайғуриш, жавобгарлик;

-ахлоқий иродани ривожлантириш – эзгуликка хизмат қилиш ва ёмонликка қарши туриш, ҳаётий синовларни енгишга тайёрлик ва ваҳимага берилмаслик, маънавий такомиллашувга интилиш;

-ахлоқий хулқ-атвор мотивацияси – тинглаш, эмпатия, яқинлари, оиласи ва Ватанига хизмат қилиш.

Компетенциявий ёндашув олий таълим тизимида тарбия мазмунини ва мутахассис тайёргарлигининг сифатини аниқлаш учун қўлланилади, таълимнинг натижавийлиги ва шахснинг ўзаро узвий алоқадор фазилатлари сифатида битирувчи тайёрлиги сифатининг интеграциялашган тавсифини очиб беради.

Айниқса, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида “Мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш”<sup>38</sup> вазифасининг белгилаб берилганлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

Бизнинг нуқтаи назаримизга кўра, умумкасбий, касбий, умуммаданий компетенцияларни таркиб топтириш нуқтаи назаридан компетенциявий ёндашув талабалар ва педагогларнинг касбий компетентлиги касбий ва шахсий ўсишининг асоси сифатида талқин қилиниши; умумкасбий компетенцияларни уларнинг махсус ташкил этилган тарбия жараёнида муваффақиятли шакллантирилаётган компетенцияларнинг бошқа гуруҳлари билан ўзаро алоқаси, бир-бирига боғлиқлиги, бир-бирини тўлдириши ва бойитиши орқали аниқланишидир. Талабаларда умумкасбий компетенцияларнинг шаклланиши асосини уларнинг аудиториядан ташқари фаолиятининг ташкил этилиши, шунингдек, олий педагогик таълим дидактик тизимининг тарбиявий салоҳиятини ошириш орқали кўриб чиқиш лозим, деган хулосага келинди. Компетенциявий ёндашувнинг моҳияти олий педагогик таълим тизимида тарбия жараёнини инновацион бошқаришда намоён бўлиб, унинг замирида компетенцияларнинг – касб соҳиби бўлмиш шахснинг хусусиятлари ва фазилатларини шакллантириш ётади.

“Компетенция” ва “компетентлик” тушунчалари бир-бирига турлича нисбатда биз кўриб чиқаётган компетенциявий ёндашувнинг ўзига хос маънога эга категориялари сифатида намоён бўлади. Педагогик адабиётларда ушбу тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича турли қарашлар мавжуд бўлиб, хилма-хил далилларга эга кўплаб таърифлари таклиф қилинган. “Компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларини потенциал – долзарб, когнитив – шахсий тавсиф асосида ажратиб кўрсатган

---

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 06/20/6108/1483-сон

И.А.Зимняя фикрига кўра, компетентлик деганда биз “инсоннинг билимга асосланган, интеллектуал ва шахснинг ижтимоий-касбий тавсифи сифатида долзарб, шаклланаётган шахсий сифат”<sup>39</sup> эканлигини тушунамиз. Агар биз компетентликни Н.Хомский таклиф қилганидек, қоидалар тўплами сифатида, структурани билиш тарзида<sup>40</sup> тушунсак (гап тил ҳақида кетмоқда), унда бундай изоҳ билан кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаганидек, компетентликка асосланган ёндашув билим, кўникма ва малака талқинидан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

Компетенциялар таълимни модернизациялашнинг асосий ғоясидир. Бу ғоя таълимнинг мақсадини мавжуд анъанавий тасаввурлар доирасидан, яъни билим, кўникма ва малакалар шакллантириладиган тизим сифатида қараш билан чекланиб қолмайди. Шу билан бирга мазкур тушунча назария ва амалиётда яққол ўз таърифига эга эмас. Унинг қуйидагича асосий тавсифий жиҳатлари кўзга ташланади: “билимлар тизими”, фаолият тажрибаси ва мотивация, муаммоларга ечим топиш қобилияти (“сифатлар, хусусиятлар бирлиги”(Э.Ф.Зеер<sup>41</sup>, А.В.Хуторский<sup>42</sup>), шахсий ва касбий фаолиятга амалий тайёрликнинг юқори даражаси (О.Мусурмонова)<sup>43</sup>).

Компетенцияларнинг таълим жараёнидаги ўрни таълим-тарбиянинг мақсади таълимнинг фаолиятга оид таркибий қисми, таълимий фаолиятнинг сифат кўрсаткичи, касб соҳибининг шахсий-индивидуал кадриятлари сифатида белгиланади.

Компетенциялар инсонга ҳаётий ва касбий муаммоларни ҳал қилиш, шахсий ва ўз-ўзини касбий жиҳатдан рўёбга чиқариш имкониятини берадиган хусусиятлар тўпламидир. Шунга кўра, компетенциялар бўйича “билим” қанчалик мос ва тўлиқ бўлса, одамлар турли соҳалардаги муаммо ва вазифаларни, яъни умуман сермахсул ҳаётий фаолиятни ҳал қилишга шунчалик тайёр бўладилар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, замонавий илм-фан даражасида “компетенция” тушунчаси нафақат инсоннинг фаолиятга тайёрлигининг операцион компонентини қамраб олади (ва шунинг учун билим, кўникма ва малакалар йиғиндисига кирмайди), балки унинг ижтимоий контекстдаги ишлари ва хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворининг кадриятли-мотивацион асосларини очиб берадиган кадриятли компонентни ҳам ўз ичига қамраб олади. Шундай қилиб, TUNING Европа илмий лойиҳаси компетенцияларнинг қуйидаги универсал структурасини таклиф этади: 1) билим компоненти (академик соҳадаги назарий билимлар, билиш ва тушуниш қобилияти); 2) амалий компонент (билимларни муайян вазиятларга

<sup>39</sup> Зимняя И.А. Ключевые компетентности как регулятивно-целевая основа компетентного подхода в образовании. – М., 2004. – С.32.

<sup>40</sup> Хомский Н. Аспекты теории синтаксиса // Перевод с английского под редакцией и с предисловием В.А. Звегинцева // Изд-во Московского университета, 1998. – 233 с.

<sup>41</sup> Зеер Э.Ф. Компетентный подход к модернизации профессионального образования / Э.Ф. Зеер, Э. Сыманюк // Высшее образование в России. – 2005. – № 4. – С. 25-28.

<sup>42</sup> Хуторской А. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированного образования // Народное образование. – Москва, 2003. - №2. – С.60-64.

<sup>43</sup> Мусурмонова О. “Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги” модулининг ўқув-услубий мажмуаси. – Т.: БИММ, 2015. – 288 б.

амалий ва оператив қўллаш); 3) кадриятли компонент (кадриятлар ижтимоий контекстда бошқаларни идрок этиш усули ва субъект ҳаётининг ажралмас қисми сифатида, инсон хулқ-атворининг кадриятли-мотивацион асослари)<sup>44</sup>.

Компетентлик психологиясининг асосчиси, инглиз психологи Ж.Равен “компетентлик компетенциялар мажмуидир” деган тушунчадан келиб чиқиб, уларнинг кўп сонли эканлигини таъкидлаган. Ж.Равен компетентлик компонентларини инсонларнинг табиатидан қатъий назар, шахсий ва касбий жиҳатдан муҳим мақсадларга эришишга имкон берадиган хусусиятлари ҳамда қобилиятлари<sup>45</sup> сифатида талқин қилган.

Компетентлик умумлашган тавсифда: таълимдаги ва мустақил касбий, ижтимоий фаолиятда (туғма ва ривожлантирилган эмас – таъкид бизники) муайян компетенцияларни (компетентликнинг асоси, негизи сифатида) индивидуал ўзлаштириш ва ижодий тарзда эгаллаш йўли орқали шахснинг янгидан шаклланган хислати, касб соҳиби бўлган фуқаронинг фазилати. Бу профессионалнинг (касбий етук шахснинг) ҳаётининг тажриба, амалиёт, мустақил таълим орқали индивидуал ўзлаштирилган компетенциялар асосида янги (касбий, ижтимоий) шарт-шароитларда ижодий ёндашиб иш кўриш сифатидир. Ижод, ижодий фикрлаш, уларнинг шаклланганлиги – компетентликнинг муҳим кўрсаткичидир.

Тарбияга компетенциявий ёндашув нуқтаи назаридан компетенциялар мажмуи мутлақлик касб этмайди. “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида” тарбия нуқтаи назаридан компетенцияларни “фазилатлар” сифатида талқин қилинганига гувоҳ бўлиш мумкин<sup>46</sup>. Бизнингча, қачонки, фазилатлар кадриятлар интериоризацияси (ички анланганлик) даражасида намоён бўлса, у ҳолда мазкур жараёнга нисбатан “компетенция” тушунчасини қўллаш мумкин. Аниқроғи, фазилатларнинг мотивацион ва когнитив даражада намоён бўлишини компетенциянинг шаклланганлиги сифатида эътироф этиш ўринли бўлмайди. Ҳаётининг ва касбий аҳамиятга эга компетенциялар ҳамда компетентликлар – касб соҳиби бўлмиш мутахассиснинг муҳим сифатлари мажмуига қарашлар замонавий инсон-касб соҳиби – мамлакат ва дунё фуқаросига умумий давлат-ижтимоий буюртмаси билан; давлат ва жамиятдаги иқтисодий, илмий, ижтимоий ўзгаришлар динамикаси, инсоний салоҳиятлар (интеллектуал, жисмоний, маънавий) билан белгиланади ҳамда компетенциялар ва компетентликлар шу қарашлар доирасида шаклланади.

Турли соҳа вакилларининг маънавий компетентлигини ривожлантириш масаласи уларни глобаллашув жараёнига нисбатан рақобатбардош мутахассис сифатида тайёрлаш вазифасини назарда тутди. Ҳолбуки, шахс манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган замонавий таълим

<sup>44</sup> Байденко В. И. Выявление состава компетенций выпускников вузов как необходимый этап проектирования ГОС ВПО нового поколения: методическое пособие. М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2006. – 72 с.

<sup>45</sup> Равен Дж. Компетентность в современном обществе. Выявление, развитие и реализация. – М., 2002. – 280 с.

<sup>46</sup> Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори 1-илоvasи. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон.



парадигмасида ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини намоён қилишдек долзарб жиҳатга катта эътибор қаратилади<sup>47</sup>. Негаки, таълим мазмуни – тарбиявий асослар билан мувофиқлаштирилган ижтимоий-маданий тажрибанинг сараланган қисми бўлиб, билим бериш жараёни орқали эгалланадиган хулқ, муомала, ҳиссиёт, фикрлаш ва амалий фаолият маданиятини ўзида мужассам этади<sup>48</sup>. Табиийки, бўлғуси мутахассисларнинг касбий сифатларининг ахлоқий-эстетик, маънавий компетенция нуктаи назаридан мазмун-моҳиятини қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи юзага келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мавжуд соҳага оид илмий-педагогик адабиётларда “маънавий компетентлик” атамаси алоҳида қайд этиб ўтилмайди. Бироқ тадқиқот предмети билан боғлиқликда “маънавий компетентлик” тушунчасининг моҳиятини ҳам аниқлаштириш зарур, деган хулосага келинди. Муаммо ечимига жавобни таянч компетенцияларни таҳлил этиш орқали аниқлаш мумкин, деган фараз илгари сурилди.

“Таянч компетенциялар” атамаси илк марта 1992 йилда Европа Кенгашининг “Европада ўрта таълим” лойиҳасида пайдо бўлган. “Европа учун асосий компетенциялар” симпозиуми ҳужжатларида замонавий битирувчиларнинг бешта асосий компетенциялари ажратиб кўрсатилган:

1. Сиёсий ва ижтимоий компетенциялар (масъулиятни ўз зиммасига олиш, биргаликда қарор қабул қилишда қатнашиш ва низоларни зўравонликсиз бартараф этиш қобилиятлари).

2. Кўп маданиятли жамиятдаги ҳаёт билан боғлиқ компетенциялар (фарқларни қабул қилиш, бошқаларга ҳурмат, ўзга маданият, тил, дин кишилари билан биргаликда фаолият юритиш қобилияти).

4. Ахборотлашган жамият билан боғлиқ компетенциялар (янги технологияларга эга бўлиш, уларни қўллаш имкониятларини тушуниш, оммавий ахборот воситалари ва рекламалар орқали тарқатилаётган маълумотларга танқидий муносабат).

5. Касбий тайёрлаш негизида узлуксиз таълим асоси сифатида бутун ҳаёт давомида билим олиш қобилияти<sup>49</sup>.

Таянч (асосий, универсал) компетенцияларни аниқлаш муаммоси таълим мазмунини янгилашнинг марказий масалаларидан биридир.

Э.Ф.Зеер<sup>50</sup>, Н.А.Муслимов<sup>51</sup>, Б.Х.Ходжаев<sup>52</sup> тадқиқот ишларида таянч компетенцияларнинг мазмуни ва вазифалари очиб берилган бўлиб, барча таянч компетенциялар бир қатор ўзига хос белгиларига эга:

-таянч компетенциялар кўп функцияли тавсифга эга. Агар ушбу компетенцияларга эга бўлиш кундалик, касбий ёки ижтимоий ҳаётдаги

<sup>47</sup> Клыкова Л.А. Развитие художественно-эстетической компетенции студентов хореографических специальностей: дисс. ... канд. пед. наук. – Челябинск, 2009. – 212 с.

<sup>48</sup> Бим-Бад Б.М. Педагогическая антропология. – М.: Изд-во УРАО, 1998. – 575 с.

<sup>49</sup> L'UNESCO et les villes partenaires, Publié par l'UNESCO, édition 2008. – 23 p.

<sup>50</sup> Зеер Э.Ф. Модернизация профессионального образования: компетентностный подход / Э.Ф. Зеер, А.М. Павлова, Э.Э. Сыманюк. – М.: МПСИ, 2005. – 180 с.

<sup>51</sup> Муслимов Н.А., Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Тошкент: Fan va technology, 2013. – 160 б.

<sup>52</sup> Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Тошкент, 2016. – 314 б.

муаммоларни ҳал қилишга имкон берса, компетенциялар муҳим ҳисобланади. Улар асосий мақсадларга эришиш ва турли вазиятларда мураккаб муаммоларни ҳал қилиш учун ўзлаштирилиши керак;

-таянч компетенциялар фанга оид ва фанлараро ҳисобланиб, улар турли вазиятларда (нафақат таълим муассасасида, балки ишда, оилада, ижтимоий-сиёсий соҳада ва бошқаларда) қўлланилади.

-таянч компетенциялар етарли даражадаги интеллектуал ривожланишни талаб қилади: абстракт, танқидий фикрлаш, ўз-ўзини намоён қилиш, ўз мавқеини белгилаш, ўз-ўзини баҳолаш, танқидий фикр юритиш ва бошқалар;

-таянч компетенциялар кўп қиррали бўлиб, улар турли хил ақлий жараёнлар ва интеллектуал қобилиятлар (таҳлилий, танқидий ва бошқалар), коммуникатив малакалар, шунингдек, соғлом фикрни ўз ичига олади.

Таянч компетенцияларнинг ўзига хосликлари таҳлили уларнинг асосида компетентликнинг маънавийат билан боғлиқ жиҳати туришини кўрсатди. Маънавийатсиз ҳар қандай компетентлик бетарафлик касб этади, бошқача айтганда, унингсиз компетенциялар буюк фирибгар ёки меҳрибон даҳони шакллантириши мумкин. Ана шу нуқтаи назардан маънавий компетентликни умумий компетентликнинг алоҳида хусусияти сифатида талқин қилиш лозим.

Бизнингча, бошқа компетентликларга қараганда, фуқаролик компетентлиги маънавийликка яқин туради. Мазкур компетентликни унинг таркибий асослари ҳисобланган қатор компетенциялар орқали очиқ бериш мумкин: тадқиқотчилик – мавжуд ижтимоий вазиятни таҳлил этиш ва баҳолаш билан боғлиқ қобилиятлар; ижтимоий танлов – аниқ ижтимоий вазиятда қарор танлаш ва қабул қилишни амалга ошириш кўникмалари билан боғлиқ қобилиятлар; ижтимоий ҳаракат – танлов, қабул қилинган қарорни амалга ошириш билан боғлиқ қобилиятлар; коммуникатив – энг аввало, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда бошқа кишилар (толерантлик ҳам тааллуқли) билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатга қобилиятлилик; ўқув – доимий ўзгарувчан шароитларда таълим олишни узлуксиз давом эттириш зарурияти билан боғлиқ қобилиятлар.

Мазкур компетентликни ривожлантириш тузилмасида ҳар бири фуқаролик тарбияси мазмунини аниқлашга хизмат қилувчи қуйидаги уч блокни ажратиш кўрсатиш мумкин; акисологик, когнитив, фаолиятга доир. Шунинг учун фуқаролик тарбияси воситаси сифатида қуйидаги таянч компетентликларни ривожлантириш мумкин: ўқув-билиш фаолиятига компетентлик; маънавий-ахлоқий компетентлик; ижтимоий-иқтисодий компетентлик.

“Маънавий компетентлик” тушунчаси моҳиятини ёритиш жараёнида биз компетентликнинг асосий вазибалари таҳлиliga эътибор қаратдик. В.Н.Куницинанинг фикрича, компетентликнинг асосий функцияси ижтимоий йўналганлик, мослашув, интеграция ва шахсий тажрибадан иборат. Шунинг учун тадқиқотчи ижтимоий компетентликни тавсифлаш орқали унинг тузилмаси таркибига “коммуникатив ва вербал компетентлик, ижтимоий-

психологик компетентлик (шахслараро муносабатларга йўналганлик), эго-компетентлик (ўзи ҳақидаги билимлар) ва шахсий ижтимоий компетентлик, шу жумладан жараёнли оралик компетентлик”ни киритган<sup>53</sup>. Бироқ мазкур компетенциялар тузилмасида маънавий жиҳат қамраб олинмаган. Аслида ижтимоий компетентлик – маънавий билимлар ҳамда ўз-ўзига, бошқалар ва оламга маънавий-қадриятли муносабатсиз маъно касб этмайдиган мураккаб шахсий сифат. Биз ижтимоий ва маънавий компетентлик ўртасида тўғридан-тўғри умумийлик мавжуд, деб ҳисоблаймиз.

Сўнги вақтларда педагогик-психологик тадқиқотларда коммуникатив компетентлик тушунчаси кўп учрайди. Е.В.Калягинанинг фикрича, ижтимоий компетентликнинг ўзига хос тушунчаси сифатида “коммуникатив компетентлик” қуйидаги компонентларни ўз ичига олади; эмоционал – ҳиссий зийраклик, эмпатия, бошқаларни тушуниш, ҳамдардлик ва раҳмдилликка қобилиятлилик, тенгдошларининг қайғуси ва ҳаракатларига эътиборли бўлиш; когнитив – бошқа қишини англай олиш, бошқа инсоннинг ўрнига ўзини қўя олиш, кишилар ўртасидаги турли муаммоларни самарали ҳал этиш қобилияти; хулқ-атвор – ҳамкорлик, биргаликдаги самарали фаолият, ташаббускорлик, мулоқотга адекватлик, ташкилотчилик қобилиятлари<sup>54</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори билан ўқувчиларининг қуйидаги таянч компетенцияларга эга бўлишлари белгилаб берилган: коммуникатив; ахборот билан ишлаш; шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириш; ижтимоий фаол фуқаролик; умуммаданий компетенция; математик саводхонлик<sup>55</sup>.

Умуман олганда, компетенция ва компетентликнинг хилма-хил турларини давом эттириш мумкин. Яъни айрим компетентликлар қатор бошқа компетенцияларга бўлинади ёки улар субкомпетентлик деб номланади. Компетенциявий ёндашувни ҳар томонлама таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, компетентликни таснифлаш учун асос сифатида инсон фаолияти соҳаси хизмат қилади. Қайсики, инсон маълум бир соҳада компетент бўлиши мумкин, бир пайтнинг ўзида барча соҳаларда компетент бўлиши мумкин эмас. Компетентлик шунчаки, билимлар эмас, уларнинг чуқур ўзлаштирганлиги, кўникмаларнинг ўзи эмас, уларни ривожлантиришга онгли интилиш, шунингдек, малакаларга эга бўлиш эмас, ностандарт вазиятларда уларни қўллаш олиш қобилиятини, янада аниқроқ қилиб айтганда, билим, кўникма ва малакаларни ҳаётий фаолият жараёнида ижодий қўллаш олишни талаб этади. Бизнинг фикримизча, умумий компетентлик

<sup>53</sup> Куницына В.Н. Социальная компетентность и социальный интеллект: структура, функции, взаимоотношение // Теоретические и прикладные вопросы психологии / Под ред. А. А. Крылова. – СПб.: 1995. – С. 48-59.

<sup>54</sup> Калягина Е.А. Особенности отношения к сверстнику у популярных и непопулярных дошкольников: дисс. ... канд. психол. наук. – М., 2008. – 178 с.

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.

шахсий интегротив сифат тарзида намоён бўлади ҳамда ўзининг тузилмасида бир-бирини тўлдирадиган инсоннинг муваффақиятли ҳаётини фаолиятни амалга ошириш қобилиятини таъминлайдиган субкомпетентликни қамраб олади.

Маънавий компетентликнинг компетенциявий ёндашув тизимидаги ўринини аниқлаш мақсадида ўтказилган илмий адабиётлар таҳлили қуйидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатиш имконини берди:

-бир томондан, маънавий компетентлик ижтимоий субкомпетентликни ифода этиши мумкин. Бу эса, негизида ахлоқий меъёрларга доир билим, ахлоқий танловни асослай олиш кўникмаси ҳамда уларни амалга ошириш қобилияти ётадиган шахснинг қадриятли йўналганлигисиз замонавий воқеликларни англаш ва ижтимоий меъёрларни ўзлаштириш мумкин эмаслигини кўрсатади;

-бошқа томондан, оламни инсонпарварлик нуқтаи назардан кўра олиш, маънавий-ахлоқий қадриятлар, дунё билан ўзаро уйғун муносабатларга киришиш, қадрият ва меъёрларнинг турли тизимлари ички бирлигини англаш учун инсоннинг ўз маънавий оламини ривожлантириши ва амалга ошириши каби ўзига хос белгиларга эга қадриятли-дунёқарашга доир субкомпетентлик сифатида талқин қилиш мумкин.

Шунингдек, шахс ижтимоийлашуви нуқтаи назаридан, биз маънавий компетентлик ижтимоийлик билан ҳам бевосита боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки кенг ижтимоий-психологик маънода инсон кўплаб меъерий тизимлар билан боғлиқ экан, маънавият ижтимоий назорат шакли сифатида хизмат қилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазмунан маънавий компетентлик маданий ҳодиса сифатида интегротив тавсифга эга бўлиб, умуминсоний қадриятлар ва замонавий шароитда муҳим ҳисобланган ахлоқий меъёрларни ўзлаштиришнинг муайян даражасини ўзида акс эттиради.

Маънавий компетентлик шахс интегротив хусусияти сифатида ўзида маънавий билимдонлик, маънавий қадриятлар тизимида ўз ўрнини аниқлаш имконияти ва ҳаётини вазиятларнинг кенг кўламида маънавий етукликни намоён қилиш қобилиятини бирлаштиради. Мазкур компетентликнинг асосий функцияларига қуйидагилар киради: аксиологик, йўналтирувчи ва бошқарувга доир.

Маънавий компетентликни ривожлантириш тузилмаси мақсадга мувофиқ равишда қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: таништирув-таҳлилий, қадриятли-йўналтирувчи, рефлексив-фаолиятга доир. Мазкур компонентлар маънавий компетентликнинг ижтимоий тавсифини ҳам ўзида акс эттиради: маънавий мазмунга эга ахборот умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан таҳлил этилиши ва баҳоланиши, шахсий-маънавий қадриятлар билан ижодий жиҳатдан мувофиқ бўлиши, бошқа кишиларни тушуниш учун қулай шаклда ифодаланиши, маънавий қадриятларнинг турли вариантларини ҳисобга олиш учун асосланган далиллар асосида ишлаб чиқилиши, ахлоқий рефлексия ва кенг ҳаётини вазиятлар доирасида тўғри

харакатланишни амалга ошириши учун зарурдир. Ўз навбатида, ушбу компонентлар талабаларда маънавий компетентликни ривожланганлигини ўрганиш кўрсаткичлари сифатида ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, маънавий компетентлик ижтимоий-касбий компетентликнинг қуйидаги жиҳатларини ҳам ўзида акс эттиради: касбий фаолиятга қадриятли муносабат, мазкур фаолиятнинг шахсий маънавий моҳиятининг англанилиги, касбий мулоқотнинг инсонпарвар йўналганлиги ва бошқалар.

Маънавий компетентликни ривожлантириш жараёни учта ўзаро бири-бири билан боғлиқ босқичларни амалга оширишни талаб этади: маънавий соҳага доир билимларни кенгайтириш; маънавий қадриятларга йўналганлик; шахсий маънавий қадриятлар асосида фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш. Мазкур параграф бўйича ишлаб чиқилган хулосалар педагогик-психологик таҳлил предмети сифатида маънавий компетентликни ўрганиш натижаларини акс эттиради ҳамда тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида маънавий компетентликни ривожлантириш мазмуни, шакл ва методларини танлаш учун зарурий шарт-шароитни яратади.

## **1.2-§. Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари**

Мазкур параграфга доир материаллар контекстли ёндашувга устуворлик бериш асосида ёритиб берилди. Шахснинг касбий шаклланишига йўналтирилган олий таълим жараёнига контекстуал ёндашув унинг яққол режалаштирилмаган ёки ёрқин намоён бўлмаган ўқув-тарбиявий самарадорлигини “кенгайтиришга” имкон беради. Контекст атамаси замирида биз барчаси яхлитликда намоён бўладиган воқеликнинг алоҳида жиҳатларини тушунамиз. Бу атама ўрганилаётган ҳодисанинг яхлитлиги ҳамда унинг маълум ва номаълум томонларини тавсифлайди. Моҳиятан “контекст” олий таълим муассасадаги ўқув-тарбия жараёнига бир томонлама қарашдан четга чиқиб, уни турли нуқтаи назардан жумладан, бизнинг тадқиқотимизда талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришни яхлит таҳлил қилишга имкон беради.

Диссертацияда талаба ҳақида сўз бораётгани сабабли, ушбу параграфда уни маънавий компетентликни ривожлантириш субъекти, ўқув-тарбия жараёнининг мазмунга доир ва ташкилий имкониятларини эса, унинг маънавий компетентлигини ривожлантирувчи омил сифатида ҳисобга олиш зарур, деган хулосага келдик.

Олий таълимнинг замонавий педагогик муаммолари ечими таълим олувчининг ўқув-тарбия жараёни субъекти сифатидаги ўзига хосликлари билан боғлиқ. Бу эса, биринчидан, талабанинг ўзи шахсий ва касбий шаклланишда беқиёс аҳамиятга эга эканлиги, иккинчидан, олий таълимда таҳсил олиш жараёнида нафақат жисмоний, ҳуқуқий, психик, балки маънавий жиҳатдан улғайиш тўлиқ тугалланади.

Ўқув-тарбия жараёнида талаба “билиш ва амалиёт, ўз навбатида шахсий ҳаёт маъноси ва аҳамияти, унинг намоён бўлиш шакл ва усулларини такдим этадиган моддий борлиқни яратувчисига хос субъективлик мезонини акс эттиради”<sup>56</sup>. Инсоннинг шахс сифатида ривожланиши нафақат унинг асосий, балки олий (А.Маслоу бўйича турмушга доир) эҳтиёжларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлиб, ҳаёт ва маданиятга доир муҳим кадриятлар ўзлаштирилади, унинг ички оламида ахлоқий меъёрларга айланади ҳамда унинг виждонини уйғотишга хизмат қилади.

Талабанинг маънавий компетентлигини ривожлантириш муаммосини ўрганишда биз А.Г.Асмоловнинг инсонни шахсий тажрибаси, потенциал мотивлари, характери, қобилияти, фаолияти натижаларига фаол муносабатда бўладиган шахс, борлиқ, шу жумладан ўз-ўзини кашф этадиган, такомиллаштирадиган субъект танлови сифатида ўрганилиши зарурлиги ҳақидаги назариясига таяндик<sup>57</sup>.

Мазкур ғоянинг аниқ мазмунини белгилаш орқали биз “талаба учун ўрганилаётган ҳодисанинг мавжудлигини тавсифлайдиган маъно-моҳият”<sup>58</sup>ни аниқлашга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар, хусусан талабалар мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ривожининг салоҳияти, давлатчилик ривожининг захира бойлиги, унинг куч ва қуввати сифатида баҳоланади. Ҳар бир мамлакат ўзининг истиқболдаги гуллаб-яшнашини хусусан, талаба-ёшлар салоҳияти ва ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишисиз тасаввур эта олмайди. Талаба-ёшлар давлатни ҳимоя қилиш, унинг кадрлар захирасини таъминлаш, иқтисодиётни ўстириш, мамлакатни инқирозлардан асраш, унинг илмий-техник ва инновацион тараққиётини таъминлашда асосий бойлик ва куч ҳисобланади. Бинобарин, бутун мамлакат ва жамиятнинг келгуси ривожи ёшларда нечоғлиқ, инновацион онгнинг шаклланганлиги, уларнинг инновацион жараёнларга жалб этилганлигига бевосита боғлиқдир.

Замонавий олий таълим муассасаларининг муҳим мақсадларидан бири сифатида юқори касбий тайёргарликка эга, ҳар томонлама баркамол, бутун ҳаёт давомида ўқиб-ўрганишга интиладиган, ўзининг билимлар соҳасини кенгайтириб боришга қодир рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашни кўзда тутди. Талабалик даврининг бошланиши ўспиринлик даври (16-17 – 20-21 ёш), катта, мустақил ҳаётнинг бошланишини қамраб олади<sup>59</sup>.

Талабалик йиллари ёшлар ҳаётининг энг муҳим, ривожланиш давридир. Бу даврда ёшлар жисмоний ва маънавий-руҳий жиҳатдан камолотга етадилар, ҳаёт маъносини чуқурроқ, англайдилар, жамиятда ўз

<sup>56</sup> Максакова В.И. Педагогическая антропология: Учеб. пособ. для студ.высш. учеб. заведений. – М.: Академия, 2001. – С.61.

<sup>57</sup> Асмолов А.Г. Психология личности: принципы общепсихологического анализа. – М.: Смысл, 2001. – С.346.

<sup>58</sup> Колесникова И.А. Педагогическая реальность: опыт межпарадигмальной рефлексии. Курс лекций по философии педагогики. – СПб.: «ДЕТСТВО-ПРЕСС», 2001. – С.12.

<sup>59</sup> Аксенова П.Ю. Адаптация курсантов образовательных организаций ФСИН России к учебной деятельности. – Москва: Проспект, 2017. – С.39.

ўрнини топиш йўлида излаланадилар. Худди ана шу даврда юксак идеаллар учун фаол курашчининг хусусиятлари шаклланади, тажрибаси ортади. Бинобарин, талабалик даври – орзу ва ишончлар, келажакка интилишлар, бўлажак режаларнинг шаклланиш давридир. Ана шу даврда ёшлар ижтимоий меҳнатни тўғри баҳолай оладиган, мамлакат олдидаги вазифаларни, шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини, жамият бойликларининг қийматини, Давлатимиз белгилаб бераётган вазифаларни тўғри англашга интиладиган баркамол шахсга айланадилар. Шу боисдан ҳам ижтимоий тараққиёт талаба-ёшларнинг ижтимоий фаолиятининг ҳамма соҳаларида фаол бўлишини, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанликни талаб этади.

Бугунги жамият талаблари, илмий-техника ва технология суръатлари ўсиб бориши, талаба-ёшлар бажараётган ижтимоий функцияларни янада мураккаблаштирмоқда. Бу ижтимоий функциялар қуйидагилардан иборатдир: жаҳон халқлари ҳаётини, мамлакатимиз ривожини, тараққиётнинг Ўзбек моделининг моҳиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш; фан-техника ва технологиялар асосларини чуқур эгаллаш; касбга алоқадор бўлган профессионал ва ижтимоий кўникмаларни меҳнат билан, сиёсий ва ахлоқий маданиятни тинмай ўстира бориш йўли билан ҳосил қилиш; ижтимоий-сиёсий фаолиятда ўз меҳнати билан актив қатнашиш; келажакдаги мустақил, ижодий фаолият учун зарур бўлган махсус билимларни эгаллаш, янгича дунёқарашни шакллантириш ва ҳоказолар.

Бу хусусиятлар талаба-ёшларнинг фаол ижодий меҳнатида ўз ифодасини топади. Талаба-ёшлар бу даврда ўз меҳнат фаолияти турини, ўзининг маънавий идеалини белгилаши, муайян турмуш тарзини ҳосил қилиши лозим. Бинобарин, талаба меҳнати ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлган ақлий меҳнат экан, демак бу меҳнат аъло ўқишда, илмий фаолиятда ва фан асосларини ижодий ўзлаштиришда ўз ифодасини топади.

Талабалик йилларида ўқув-билиш фаолиятининг ривожланиши қатор ўзига хосликларига эга. Мазкур даврда ўз-ўзини таҳлил этиш қобилияти ва ўзи ҳақидаги (ўзининг хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғулари, хулқ-атвори, характери) билимларни умумлаштириш, тизимлаштириш эҳтиёжининг ошиб бориши кузатилади. Ўзини маълум бир идеаллар билан қиёслаш юзага чиқади, ўз-ўзини тарбиялаш имконияти фаоллашади. Ўспиринлик давридаги фикрлаш услуби шахсий-эмоционаллик билан ажралиб туради. Дунёқараш ва назарий муаммоларга қатъий нуқтаи назар намоён бўлади (интеллектуал ҳис-туйғулар фаол ривожланади)<sup>60</sup>.

Айнан ижтимоий воқеликка очиқ муносабат, илмий дунёқарашга доир ёндашувларга фундаментал жавоб бера олиш ишонтиришнинг фаол усулларига нисбатан иррационал установакаларни шакллантиришга имкон беради. Таълим жараёни ҳамда ўқув мақсад ва вазифаларини амалга

---

<sup>60</sup> Кулагина И.Ю. Возрастная психология – М.: ТЦ Сфера, Юрайт, 2017. – С.65.

оширишдаги шахс хулқ-атвори индивидуал ўқув услубини ўзида акс эттирувчи барқарор тавсиф ва психологик асосларга эга<sup>61</sup>.

Талабалик – шахснинг касбий шаклланиши ва маънавий компетентлигининг ривожланиши нуқтаи назаридан муҳим ёш даври. Мазкур ёш даври ўзининг алоҳида эҳтиёжлари, шахснинг сифат жиҳатдан ўзгариши, психик ҳаётнинг ўзига хосликларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Биз ўз тадқиқотимизда мазкур ёш даврининг қуйидаги ўзига хосликларига эътиборимизни қаратдик: ёшлар ўзларининг режаларини тузиб, мустақил ҳаёт тарзини белгилаб ва бирор-бир касбни ўзлаштиришга ҳаракат қила бошлайди. Ёшлар нафақат ўзини катта ҳаётга қадам қўяётганлигини тасаввур қилади, балки унда ҳақиқаттан иштирок этади.

Ёшлар учун бўлғуси касбий интилиш (келажакни ҳаёл, тасаввур ва истаклар орқали тасаввур қилиш) ва эмоционал қониқмасликни юзага келтириб чиқарадиган мавжуд ҳолатга қўшила олмаслик хос ҳисобланади<sup>62</sup>.

Ёшлик даврида ахлоқий онгнинг шаклланиши нуқтаи назаридан биз Г.С.Абрамованинг “ечими ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётидаги нозик масала билан боғлиқ – “Мен”и, ички ва ташқи эркинлиги чегарасига доир саволлар”га тааллуқли ҳаётини вазифалар сифатида маънавий ўз-ўзини англаш ҳақидаги ғоясига эътибор қаратдик<sup>63</sup>.

Адолат, бурч, айбдорлик ҳисси, ўлим, масъулият, тақдир, ҳаёт мазмуни каби саволлар ҳар қандай ёш инсонни ташвишга солади. Г.С.Абрамова мазкур масалалар моҳиятини қуйидаги тарзда аниқ ифода этган: “Ёшликда маънавий ўзликни англаш учун барча – абстракт фикрлаш, бошқа кишилар билан алоқадорлик ва улардан алоҳидаликдан қайғуриш, ҳаётини вазифаларни ҳал этиш – яхлит воқелик сифатида ҳаётни тушуниш предмети сифатида хизмат қиладиган мақсад ва воситалар ҳақидаги барча шарт-шароитлар мавжуд”<sup>64</sup>. Олий таълим муассасасида ўқиш жараёнида ёшлар “талаба маънавияти”ни ўзида ифода этади.

Г.С.Абрамова ёшларнинг маънавий ўз-ўзини англаши билан боғлиқ муаммоларни батафсил ўрганиб, мазкур жараённи фаол кечиши ҳақида яққол гувоҳлик берувчи жиҳатларни аниқлаб берган. Авваламбор, бу маънавий ҳамдардлик, яъни бошқа инсонлар билан умумийликни ҳис қилиш ва улардан мустақил бўлиш, бошқаларга (камдан-кам ҳолларда бифарқ бўлиши мумкин), ўзига, дўстликка (ўспирин яқин сирдош излайди), муҳаббатга (инсонга инъом қилинган) нисбатан интилишнинг кучлилиги ва олам билан муносабатга киришиш билан боғлиқдир.

В.И.Слободчиков ва Е.И.Исаев ёшлик даврини индивидуаллаштириш поғонаси сифатида тавсифлаб, ёшларни ахлоққа алоҳида муносабат билдиришига эътибор қаратишган. Улар индивидуаллаштириш даражасини инсон ҳаётининг шахсий дунёқарашни шакллантириш, индивидуал ўзига

<sup>61</sup> Сагиев Р.Р. Индивидуально-стилевые особенности саморегуляции в учебной деятельности студентов: диссертация ... кандидата психологических наук. – Москва, 2013. – С.93.

<sup>62</sup> Парыгин Б.Д. Социальная психология. Проблемы методологии, истории и теории. – СПб: ИГУП, 1999. – С.208.

<sup>63</sup> Абрамова Г.С. Психология только для студентов: Учебное пособие для вузов. – М.: ПЕР СЭ, 2001. – С.167.

<sup>64</sup> Абрамова Г.С. Психология только для студентов: Учебное пособие для вузов. – М.: ПЕР СЭ, 2001. – С.168.



хослик ва бетакрорлик билан боғлиқ асосий босқичлардан иборат деб ҳисоблашган. “Ёшларнинг асосий муаммоси ижтимоий борлик, субмаданият ва замонга индивидуал, ҳақиқий шахсий муносабатларини излаб топишдир”<sup>65</sup>.

Ёшлар учун жамиятда ўз ўрнини топиш, бошқалар билан янги муносабатларни ўрнатиш, ҳаёт мазмуни, ўз тақдири билан боғлиқ бўлган ҳаяжонли, бироқ мавҳум кечинмаларни тушуниш жуда муҳимдир. Бу барча масалалар экзистенциал хусиятга эга бўлиб, худди ана шу асосдан маънавий-ахлоқий муаммолар, ўз-ўзини англаш ва тушунишга қизиқиш келиб чиқади. Ажойиб ички дунё шаклланади, ахлоқий мезонларни қабул қилиш ёки рад этиш юз беради, ахлоқий рефлексия барча жараёнларни диққат билан кузатиб боради.

Ёшларнинг экзистенциал муаммолари нуқтаи назаридан С.Л.Братченконинг индивидуал ҳаётининг танловлар, ўзининг шахсий ўрнини белгилаш, кадриятлар, яъни ҳаёт ва ўлим, эркинлик ва масъулият, ҳаёт мазмуни ва унинг йўқотилиши, мулоқот ва ёлғизлик ҳақидаги ғояси ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Умумий кўринишда бу ҳаётининг кадриятлар экзистенциалдир, ёшлар учун бу кадриятлар ахлоқий танлов учун асос, муайян шароитда, жумладан, касбий вазиятларда шахсий масъулият меъёри сифатида хизмат қилади. Инсон ҳаётининг мазкур ўз-ўзини аниқлаштириш даврида шахснинг ўз-ўзига муносабати (ўзидан кўрқиш, ўзини тан олмаслик, ўз кучидан шубҳаланиш, ўзига ишонч, ҳурматни, яратишга қодирликни намойиш қила олмаслик, муомала муносабатларининг чекланганлиги, шихслараро зиддият, ижтимоий очиқлик ва бошқалар)<sup>66</sup>.

Шахснинг “ҳаёт субъекти”га айланиши осон эмас. Бироқ шахсларнинг ижод соҳасида яратган дурдоналарини таҳлил қилиб С.Л.Рубинштейн хайрат билан, ушбу дурдона ижодкор ҳаётининг чўққиси бўлса-да, у ҳаётнинг маълум бир онидир, ҳаётнинг қолган пайтлари “ҳеч қандай эътиборсиз, паст даражада кечади”<sup>67</sup>- деб ёзади. Демак, ҳаёт, ҳатто инсоният учун идеал бўлган шахслар мисолида ҳам, керакли савияда, керакли маҳсулдорликда ва маънавий даражада кечавермайди, ҳаёт билан идеал ўртасидаги қарама-қаршилиқ инсон учун ҳаётни, яшашни муаммога айлантиради. Инсон “ҳаёт субъекти” бўлиши учун ушбу қарама-қаршилиқни у позитив ҳал этиши, яъни “ҳаётни яратиш ва қуришга” ўтиши лозим. Шахснинг “ҳаёт субъекти”га айланиши, энг аввало, унинг ҳаётининг мақсадида ўз аксини топади.

Ижтимоий-фалсафий ва педагогик-психологик адабиётларда шахс ҳаётини бир-бирига диалектик боғлиқ жараёнлар – болалик (гўдаклик), ёшлиқ, етуқлик ва кексаликка бўлиб ўрганиш кенг тарқалган. Ушбу жараёнларни таҳлил қилган ва уларга хос хусусиятларни аниқлаган Б.Г.Ананьев ҳар бир ҳаётининг босқич маълум бир кадриятларни ҳаётининг мақсад

<sup>65</sup> Слободчиков В.И., Исаев Е.И. Основы психологической антропологии. Психология развития человека: Развитие субъективной реальности в онтогенезе: Учебное пособие для вузов. – М.: Школьная Пресса, 2000. – С.323.

<sup>66</sup> Братченко С.Л. Экзистенциальная психология глубинного общения: уроки Джеймса Бюджентала. – М.: Смысл, 2001. – 197 с.

<sup>67</sup> Абульханова-Славская К.А. Стратегия жизни. – М.: Мысль, 1991. – С.29.

килиб қўйишини таъкидлайди. У ёшларда таълим ва илм олиш, мулоқот асосий кадриятлар сифатида келишини ва улар ҳаётий мақсадини ушбу кадриятлар орқали белгилашини асослайди<sup>68</sup>.

Талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришда ўқув-билиш жараёни ҳамда мазкур ҳолатда субъективликнинг намоён бўлиши ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўқув фаолиятининг муҳим компоненти субъектнинг ўзи билан боғлиқликда содир бўлган ўзгаришларни ўзлаштириш даражасини баҳолашга доир хатти-ҳаракатни ифода этади. Мазкур ҳаракат орқали талаба қўйилган ўқув вазифаси тўғри амалга оширилдими, келгусида кўплаб назарий вазифаларни ҳал этишда қўллаш билан боғлиқ ўқув ҳаракатлари усуллари ўзлаштирган ёки ўзлаштирмаганлигини аниқлай олади<sup>69</sup>. Ўқув фаолияти назарий билимларни ва ўқув-билиш фаолияти усуллари ўзлаштиришга йўналтирилган. Ўқув фаолияти ўзида қуйидаги компонентларни акс эттиради: мақсад қўйиш, ўз-ўзини йўналтириш, ўз-ўзини баҳолаш, режалаштириш, қарор қабул қилиш, назорат, ўз-ўзини назорат қилиш, коррекция, мотивация, ўзлаштириш<sup>70</sup>. Яхлитликда ўқув фаолияти ўзаро биргаликдаги назорат ёки рефлексия ёрдамида амалга оширилади<sup>71</sup>.

Г.П.Щедровицкийнинг концепциясида ижтимоий тажрибани ўзлаштириш жараёни сифатида ўқиш-ўрганиш ва ўқув-билиш фаолияти фарқланади. Ўқиш-ўрганиш – бу тўлиқ англолмаган ўзлаштириш, ўқув-билиш фаолияти – бу ўқув воситаларини қўллаш билан боғлиқ махсус ташкил этилган ўзлаштириш. Ўқув-билиш фаолияти: мазмун, ўқув фаолияти натижаси, фаолиятни ташкил этиш жараёнлари, психик функциялар, қобилиятлар ва ўзлаштириш жараёнларидан ташкил топади<sup>72</sup>.

В.Д.Шадриковнинг таъкидлашича, ўрганиш – бу инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро ҳаракати ва унга лаёқатлилиқ, борликдаги жараёнларни билишга йўналтирилган ижодий жараён эмас, “инсоният томонидан тўланган маданиятни ўзлаштириш, “ўзлаштириш” ёки “қабул қилиш” дир<sup>73</sup>.

С.Ю.Жданованинг таъкидлашича, ўқув-билиш фаолияти фаолиятнинг алоҳида турларида натижа олиш учун эмас, ўз-ўзини ўзлаштиришга йўналтирилган назарий ва амалий фаолият сифатида юзага чиқади ҳамда фаолият компонентлари ҳақидаги билимларни, уларни амалга оширишга доир билим ва кўникмаларни ўзлаштиришда ўзининг натижавийлигига эга<sup>74</sup>.

А.М.Митяева ўқув-билиш фаолияти тузилмаси деганда, хилма-хил ўзлаштириладиган ўқув материаллари, билим, кўникма ва малакалар,

<sup>68</sup> Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: ЛГУ, 1999. – С.154-162.

<sup>69</sup> Компетентностный подход в высшем профессиональном образовании // А. А.Орлова, В.В.Грачева. – М.: ДиректМедиа, 2014. – С.67.

<sup>70</sup> Нижегородцева Н.В. Проблемы системогенеза учебной деятельности. – Ярославль: Изд-во ЯГПУ, 2016. – С.41.

<sup>71</sup> Сагиев Р.Р. Индивидуально-стилевые особенности саморегуляции в учебной деятельности студентов: дисс. ... канд.псих.наук. – Москва, 2013. – С.38.

<sup>72</sup> Системогенез учебной и профессиональной деятельности: сборник научных трудов IV Всероссийской научно-практической конференции, посвящённой 70-летию В.Д.Шадрикова; под науч. ред. Ю.П.Поваренкова. – Ярославль: ЯГПУ, 2009. – С.227.

<sup>73</sup> Шадриков В.Д. Деятельность и способности. – М., 2004. – С.84.

<sup>74</sup> Жданова С. Ю. Стиль учебной деятельности и его развитие: На материале исследования студентов-филологов и математиков: автореферат дис. ... кандидата психологических наук. – Пермь, 1997. – С.94.

интеллектуал фаолият, ўз ўқув фаолиятини ташкил этиш усуллари йиғиндисини тушунади<sup>75</sup>.

Н.А.Киселевская “ўқув-билиш фаолияти” тушунчасини “маълум бир ҳажмдаги билим, кўникма ва малакалар, фаолият турлари ва хулқ-атвор шакллари оғли тарзда ўзлаштириш мақсади бошқариладиган инсон хатти-ҳаракатлари” сифатида талқин этади<sup>76</sup>.

Профессор М.Г.Давлетшин раҳбарлигида бу муаммо янги илмий асосда ўрганилган. М.Г.Давлетшиннинг фикрича, ёшлар ҳар хил соҳалар мазмунига ўзларининг оғли равишда ёндашувлари орқали уларда илм олишга нисбатан тўғри ва оқилона тасаввурлар эртароқ ҳосил бўлади<sup>77</sup>.

Таниқли олим Э.Ф.Ғозиев ўз тадқиқотларида мустақил тафаккурнинг ривожланиши, билим жараёнининг қизиқарли ташкил этилиши талабалар фаолиятида янги муваффақиятларга эришишнинг ижодий манбаи, деб ҳисоблайди<sup>78</sup>. Э.Ғозиев тадқиқотларида талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш хусусиятлари, ўқув фаолиятини режалаштириш, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи баҳолаш, инсон фаолиятини аниқлаш, ўқув фаолиятини режалаштиришни аниқлаш, мақсад қўя олишни аниқлаш, ўзини-ўзи назорат қилишни аниқлаш, бўш вақтни аниқлаш каби тушунчалар ҳақида мулоҳазалар юритилади. Олим мазкур тушунчаларга аниқлик киритиш мақсадида ўқув фаолиятини бошқаришнинг диагностик методини ишлаб чиқиб, психология фанининг кам ўрганилган соҳаларидан бири бўлган ўқиш фаолиятини бошқариш муаммосининг назарий ва амалий томонларини ёритиб беради. Бу тушунчаларни аниқлаш учун олим шу тушунчаларга мос анкеталардан фойдаланди. Ҳар бир анкетада ўндан ортиқ савол бўлиб, баъзан кўшимча саволлар ҳам берилган. Бунда, албатта, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинган. Сухбатларда эса, тушунчаларнинг этимологиясига катта аҳамият берилган. Бундай тадбирлар ўқув фаолиятини бошқаришнинг таркибий қисмлари билан таништиришни осонлаштирган. Яна мазкур тадқиқотларда ўқиш ва ўқитиш жараёни учун тавсиянома ишлаб чиқилган ва ўз-ўзини англаш босқичлари тўғрисида маълумот берилган<sup>79</sup>. Р.И.Суннатова ўз илмий тадқиқотларида талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш жараёнидаги фикрлаш фаолиятларини ўрганади. Олима ўз-ўзини бошқариш жараёнларининг фикрлаш фаолиятига таъсир этиш хусусиятларини қуйидагича изоҳлаган. Бир томондан, талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш жараёнларида қатор ўзгаришлар мавжудлиги кўзга ташланади. Шу билан бирга, талабаларда ўқув фаолиятига нисбатан қизиқишнинг ошиб бориши ҳамда ўз-ўзини бошқариш жараёнида билим олишга нисбатан янги қарашларнинг шаклланиши ҳам кўринади. Шунингдек, талабалар ўз-

<sup>75</sup> Митяева А.М. Развитие индивидуальных стилей учебной деятельности студентов в вузе. – Орел: Каргуш, 2015. – С.94.

<sup>76</sup> Киселевская Н.А. Стили саморегуляции учебной деятельности и их формирование у студентов вуза. – Иркутск: ВСГАО, 2013. – 124 с.

<sup>77</sup> Давлетшин М.Г. Танланган илмий ишлар тўплами. –Т., 2008. – 81 б.

<sup>78</sup> Ғозиев Э. Психология: (Ёш даврлари психологияси). – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 244 б.

<sup>79</sup> Ғозиев Э., Жабборов А. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси: (Университетларнинг психология мутахассислиги учун ўқув қўлланма). – Тошкент, 2003. – 124 б.

ўзини бошқариш жараёнида ўз-ўзларини тарбиялаш ва ўз қобилиятларини такомиллаштиришга ҳаракат қилганликлари ҳам кузатилади<sup>80</sup>.

З.Т.Нишанова талабаларнинг мустақил-ижодий қобилиятларини шакллантириш бўйича машғулотлар мажмуини ишлаб чиққан. Бу машғулотларда асосий диққат тафаккур операцияларини шакллантиришга қаратилган бўлсада, ижодийликнинг тезлиги, аниқлиги, оригиналлиги каби хусусиятларини ривожлантириш масаласи ҳам четда қолмаган<sup>81</sup>.

Яна бир олима Э.З.Усмонованинг илмий тадқиқотларида эса интеллектуал низолар шароитида тафаккурни мотивацион ҳиссий бошқариш муаммолари ўрганилган. Э.З.Усмонованинг таъкидлашича, тафаккурни шакллантириш учун таълимнинг мазмунига, ташкил этилишига, унинг эркин бўлишига ҳамда ижодий топшириқларни ечишнинг турли усулларини ишлатиши ўқувчиларда фаоллик, танқидийлик, самарадорлик ва тафаккур ўткирлигини таъминлайди<sup>82</sup>.

Э.З.Усманова тадқиқотида икки асосий мотивация тоифасининг муносиблигини тушуниш муҳим бўлган: муваффақиятга эришиш мотивациясини олима ташқи мотивацияга киритади, билиш мотивациясини эса ички мотивацияга мансуб, деб ҳисоблаган.

Талабалик йилларида касбий тарбия ва шахснинг муваффақиятли ижтимоийлашувини таъминлайдиган омиллар ўртасида аниқ вазифалар нуқтаи назаридан долзарблик касб этувчи ўқув фанлари, метод, усул ва воситалар муҳим саналади. Педагогик-психологик фанлар нафақат талабаларни бўлғуси касбий фаолиятга тайёрлаш, балки уни шахс сифатида шаклланишини таъминлашда алоҳида ўрин тутаяди. Юқоридаги фикр билан боғлиқликда талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришда педагогик-психологик фанларнинг таъсирини назарий асослаш талаб этилади.

Педагогик-психологик фанлар мазмунини ўзининг моҳиятига кўра инсоннинг ҳаётий мақсад ва мўлжалларни тўғри белгилаш учун муҳим ҳисобланган ахборотлар ташкил этади. Бу ахборотлар ҳаёт мазмуни, инсоннинг ундаги ўрни, инсонпарвар қадриятларни ўзида ифода этади. Бу фанлар талабага яхшилик ва ёмонлик, бурч ва масъулият, яъни маънавий йўналганлик нуқтаи назаридан бошқа кишилар билан муносабатларни тушуниш орқали дунёни кўришга имкон беради.

Умуман олганда, мазкур параграфда тақдим этилган илмий материаллар таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

1. Талабанинг маънавий компетентлигини ривожлантириш барқарор, мустақил ва яхлит ҳодиса сифатида мазкур феномен олий таълим муассасаси ўқув-тарбия, педагогик-психологик фанларни ўрганиш жараёнида қисман акс этганлигини кўрсатади. Бу эса, унга қизиқишнинг мавжуд

<sup>80</sup> Суннатова Р.И. Индивидуально-типологические особенности мыслительной деятельности: Автореф. дис. ... докт. психол. наук. – Ташкент: НУУЗ, 2001. – 41 с.

<sup>81</sup> Нишанова З.Т. Мустақил ижодий фикрлашни шакллантиришнинг психологик асослари: Псих.фан док. ... дис. – Т., 2005. – 391 б.

<sup>82</sup> Усманова Э.З. Мотивационная эмоциональная регуляция мышления в условиях интеллектуального конфликта. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 104 с.

эмаслиги, шунчалик ноаниқлик доирасида уни ўрганишнинг мураккаблиги ҳақида гувоҳлик беради.

2. Мазкур параграфда ёритиб берилган шахснинг маънавий ривожланиш соҳаси доирасида субъект, шахс ва индивидуаллик сифатида талабаларнинг ёш тавсифи бир томондан, унинг маънавий камолотида педагогик-психологик фанларнинг ўрни ва ролини ҳамда талабалик йиллари ўз-ўзини намоён этишда акс этадиган фаол ахлоқий танлов даври эканлигини кўрсатади. Бу эса, қуйидагиларда намоён бўлади: маънавий жиҳатдан ўз-ўзини англаш, ўзининг режаларини фаол тарзда амалга ошириш, ҳаётий мақсадларни белгилаш; яхлитликда ўз “Мен”ини асослаш, бошқа кишилар ва ўз-ўзига нисбатан муносабатини аниқлаштириш; маънавий-ахлоқий муаммоларга қизиқиш, маънавий кадриятларни танлаш, ахлоқий онгнинг ролини кучайтириш, маънавиятнинг ички анланганлиги (интериоризация), шахсий дунёқараш таркиб топтириш; ўз турмуш тарзини белгилаш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини тушуниш, рефлексия, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ижтимоий очиқлик, ташаббускорлик, мустақилликка интилиш.

## **II БОБ. ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

### **2.1-§. Умуммаданий компетенциялар асосида талабаларда маънавий компетентликни ривожлантириш модели**

Жаҳонда халқаро таълим стандарти таснифи (ХТСТ) талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим жараёнида бўлажак мутахассисларда шакллантирилиши лозим бўлган маънавий компетенцияларга (фазилатлар) ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, Япониянинг “Таълим тўғрисидаги фундаментал Қонуни”<sup>83</sup>да таълим муассасаларига тинчлик ва инсонийлик идеалларига амал қилувчи миллатни шакллантириш миссияси юклатилган. Яъни: шахс сифатларини тўлиқ ривожлантириш; тинчликпарвар давлат ва жамият қурувчиларини тарбиялаш, ҳақиқатпарварлик ва адолатпарварлик; шахсий эркинлик; меҳнатсеварлик; масъулиятлилиқ; мустақил фикрга эгалиқ; ўзгалар билан ҳамкорлик, анъанавийлик билан замонавийликни англаш; халқаро ҳамкорликка тайёрлик; кундалиқ турмуш малакаларига эгалиқ; руҳан ва жисмонан кучлилиқ; ўзини бахтли ва бошқалар билан уйғун тасаввур қила олиш фазилатлари шакллантиришга катта эътибор қаратилади.

Таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган “Идеал япон йигит-қизининг фазилатлари” деб номланган ҳужжатда япон ёшларида 16 та фазилатни шакллантириш вазифаси белгилаб берилган. 16 фазилат 4 гуруҳга бўлинган. Булар: 1) шахсий сифатлар: эркинлик, индивидуаллик, мустақиллик, ўз хоҳиш-истакларини бошқариш, пиетет (эҳтиром) туйғусига эгалиқ; 2) оила бошлиғига хос сифатлар: ўз уйини меҳр-муҳаббат, ҳаловат ва тарбия масканига айлантира олиш; 3) ижтимоий сифатлар: ўз ишига садоқат, жамият фаровонлигига ҳисса қўшиш, ижодкорлик, миллий (ижтимоий) қадриятларни ҳурмат қилиш; 4) фуқаролик сифатлари: Ватанга содиқ бўлиш, давлат рамзларини қадрлаш, ижтимоий фаоллик, энг яхши миллий фазилатлар соҳиби бўлиш.

АҚШнинг “Америка–2000: таълимни ривожлантириш стратегияси (1991)” дастурида етук шахсга хос фазилатлар сифатида ростгўйлик, собитқадамлик, тўғрилиқ (холислиқ) ва шахсий масъулиятга устуворлик берилган. Шунингдек, ёш америкаликларда жасурлик, фидойилиқ, барқарорлик, қатъийлик, тиришқоқлик, ҳамдардлик, бағрикенглиқ сингари 60 та асосий фазилат шакллантирилиши кўзда тутилган.

Буюк Британиянинг таълим бўйича Миллий комиссияси (1993) ёшларда ҳақиқатпарварлик, бошқаларга ҳурмат, жамият олдида бурчга содиқлик, инсонларга ғамхўрлик, маданий меросга ҳурматни шакллантириш, демократик эркин жамият фуқаролари бўлиш, бағрикенглиқ фазилатларини

<sup>83</sup> Железняк О.Н. О принятии в Японии нового основного Закона об образовании. – Владивосток: Изд-во [института Дальнего Востока РАН](#), 2009. – 240 с.

сингдириш, ахлоқан ва маънан кучли шахслар этиб етиштириш вазифаларини аниқ белгилаб берган<sup>84</sup>.

Франция таълим вазирлиги кўрсатмаларида<sup>85</sup> масъулиятли, ғурурли, ўзгаларни ҳурмат қилувчи, бошқалар билан ҳамкорликка тайёр, ирқчиликка қарши турувчи, хилма-хил маданиятларни қабул қилувчи, ўзининг Францияга муҳаббатини Озодлик, Тенглик, Қардошлик ғоялари билан уйғун ривожлантирган демократик жамият кишиси фазилатларига эга шахсни тарбиялаш кўзда тутилган.

Америкалик педагоглар тарбиявий ишларнинг асосий вазифалари қаторига мустақил билим олиш кўникмаларини ҳам қўшишади. Шакллантирилган амалий кўникмалар келажакда жамият ҳаёти ва сиёсий жараёнларга самарали ва масъулиятли таъсир ўтказиш учун талаб этилади. Шунинг учун бу кўникмалар таълим олувчи шахси шаклланишининг дастлабки босқичлариданоқ ўргатиб борилиши ва таълимнинг барча босқичларида давом этиши лозим. АҚШ ўқув муассасаларида қабул қилинган тарбиявий иш шакллари суҳбатдошни диққат билан эшитиб, унинг фикр ва ғояларини дўстона ва танқидий тинглаш, низоларни ҳал қилиш, муросага келиб, ўзаро муросага эришишга ўргатади. Бу вазиятда тьюторлар электрон ресурслардан ҳамда ўзларининг шахсий алоқалари орқали ижтимоий сўровлар ўтказиб боришади. Шу тариқа талаба-ёшлар ўз мамлакатларидаги ислохотларда фаол иштирок этишга ўргатиб борилади.

АҚШ таълим-тарбия доктринасида масъулият, ўз-ўзини идора этиш ва ҳар бир инсонни ҳурмат қилиш ҳамма учун мажбурий ҳисобланади. Шу мақсадда талаба-ёшларда ижтимоий фазилатлар – очикқўнгиллик, ўзгаларга ҳурмат, қонунга итоат қилиш, воқеликка танқидий баҳо бериш ва муросалилик шакллантириб борилади.

Австралия таълим муассасаларида тўғрилиқ, оламда ўз ўрнини билиш, тадбиркорлик, ташаббус каби фуқаролик ғоялари асосида юзага келган демократик меросга ҳурмат билан бир қаторда ижтимоий йўналган шахс хос – бағрикенглик, давлатнинг кўпмиллатли меросини сақлаб қолишга интилиш, киришувчанлик, хайрихошлик каби фазилатлар тарбияси устувор саналади.

Буюк Британия тарбиявий доктринасида ҳар бир инсонда индивидуал йўналган шахслик сифатлари бўлиши шарт ҳисобланади. Шу сабабли ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятли бўлиш, ўзи ва ўзгалар истиқболи ҳақида қайғуриш, ўз ҳаракатларининг ўзгаларга қандай таъсир этиши ҳақида ўйлаш, аввал ўйлаб, кейин қарор қабул қилиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш каби сифатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ижтимоий йўналтирилган шахснинг сифатлари – жамият юксалиши ҳақида қайғуриш, низоларни бартараф этишга интилиш, умумий манфаат учун жамоада ишлашга тайёрлик, ўзгалар нуқтаи назарини қабул қила олиш,


<sup>84</sup> Развитие образования в европейских странах в условиях глобализации и интеграционных процессов: Сборник научных трудов. – М.: ФГНУ ИТИП РАО, Издательский Центр ИЭТ, 2013. – 448 с.

<sup>85</sup> Соколовой И.И., Колесникова А.С. Современная зарубежная компаративная педагогика и философия образования. – М.: ФГНУ ИТИП РАО, Издательский Центр ИЭТ, 2013. – 328 с.

Ўз ҳаракатларига масъулият билан ёндошув, ўзи ва ўзгалар ҳақида қайғуриш, ўз хатти-ҳаракатларининг бошқаларга қандай таъсир этишини ўйлаб иш тутиш, ўз хатти-ҳаракатларининг қутилмаган натижалари учун жавоб бера олиш, масъулиятлилик ва бағрикенглик, индивиднинг сиёсий самарадорлиги, умумий муваффақият ва охир-оқибат энг муҳими жамиятнинг маънавий юксалиши учун ўта муҳим<sup>86</sup> ҳисобланади.

“Journal of American Indian Education” журнали тарбиявий фаолият стратегияси ҳақида сўз юритиб, “яхши инсон”ни шакллантириш биринчи навбатда ахборот, маърифат, онгнинг ривожланиши, қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш, танқид, ижодий фаоллик, сиёсий, маданий ва иқтисодий соҳаларда мустақил қарор қабул қила олиш каби кўникмаларни интеграл шакллантириш орқали кечиши лозим<sup>87</sup>лигини таъкидлайди<sup>87</sup>.

Хорижий тажриба таҳлили асосида замонавий шахсга хос маънавий фазилатлар мажмуи аниқлаштирилди (2.1.1-расмга қаранг).



### 2.1.1-расм. Замонавий шахсга хос маънавий фазилатлар мажмуи

Хорижий тажрибалар таҳлили асосида тадқиқотда умуммаданий компетенциялар асосида талабаларда маънавий компетентликни

<sup>86</sup> Фахрутдинова А.В. Общее и особенное в подходах к гражданскому воспитанию в США, Канаде, Австралии и Великобритании / Фахрутдинова А.В. // Образование и саморазвитие. – 2011. – № 4. – С. 215-220.

<sup>87</sup> Tate D.S. Increasing the retention of American Indian students in professional programs in higher education / D.S.Tate, C.L.Schwartz // Journ. of American Indian Education. – 1993. – Vol. 32. – P. 21-31.



ривожлантиришнинг тузилмали моделини ишлаб чиқиш лозим, деган хулосага келинди.

Замонавий жамият ривожининг муҳим эҳтиёжларидан бири инсоният ва ҳар бир инсоннинг тақдири билан бевосита алоқадор маданият ходисасининг мазмуни ҳамда функцияларини инновацион тарзда тушуниш билан боғлиқдир. Айнан ижтимоийлашув жараёнида умуминсоний кадриятлар, хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари, бой маданий меросни ўзлаштириш орқали таълим олувчиларнинг ўзлигини англашига эришилади. Ўз-ўзини ривожлантиришга қодир таълим олувчи шахсини шакллантириш, уни миллий маданият билан таништириш таълим ва тарбия орқали амалга оширилади.

Педагогик луғат ва энциклопедияларда маданият ва шахс тарбиясининг алоқадорлиги алоҳида қайд этиб ўтилган. В.М.Полонский томонидан яратилган “Таълим ва педагогика бўйича луғат”да маданият тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Маданият – жамият ва кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш турлари ва шакллари, инсон фаолиятининг моддий ва маънавий натижалари, дунёқарашда намоён бўладиган салоҳияти ва қобилиятлари, инсоннинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик ривожланиши, унинг бошқа кишилар ва табиат билан мулоқоти усуллари ва шаклларининг ривожланиш даражаси”<sup>88</sup>.

Педагог олима Ойниса Мусурмонованинг таъкидлашича эса, “Маданият жамият тараққиёти даражасини характерловчи, ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида мужассам бўладиган тизим бўлиб, шахснинг ижтимоий ва маънавий мазмунини ташкил этади. Бундан маданият шахс ва унинг фаолияти ўртасидаги ўзаро таъсирга доир қонуниятлар, шу жумладан шахс ва жамиятнинг борлиққа бўлган маданий муносабатларининг пайдо бўлиши, ривожланиши, шахснинг талаби, қизиқиши, хоҳишига мос равишда унинг маданий фаолиятини ташкил қилиш йўллари, маънавий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари тизими, шахснинг маънавий ривожланиши ва маънавий маданиятини шакллантириш қонуниятлари мажмуидан иборат”<sup>89</sup>.

Юқоридаги таърифлардан маълум бўладики, “Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, ҳуқуқ, таълим, тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан бирга ривожланади, жамиятнинг тараққиёт даражасини акс эттиради.

Маданият инсон фаолиятининг ҳам маҳсули, ҳам сифат кўрсаткичидир. Шу билан бирга, инсоннинг ўзи ҳам, пировард натижада маданият маҳсулидир. Ҳатто айтиш мумкинки, маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай тарзда шаклланади”<sup>90</sup>.

<sup>88</sup> Полонский В.М. Словарь по образованию и педагогике. – М., 2004. – С.32.

<sup>89</sup> Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ...дисс. – Т., 1993. – Б.48.

<sup>90</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2000. – Б.104.

Академик Д.С.Лихачевнинг фикрича, “маданиятли инсон – бу кўп нарсани тушунадиган, бинобарин бошқаларга интиладиган, уларнинг маънавий ҳаётини “кашф этувчи” турли давр ва халқларнинг санъат асарларини ўзлаштирган шахс. Маданиятли инсоннинг муҳим фарқли жиҳати шундаки, деб таъкидлайди, Д.С.Лихачев, у тажовузкорликдан, шубҳали ҳаракатлардан, шахсий норасоликлар мажмуидан холи бўлади. Ана шундай инсонни таълим муассасаси шакллантириши зарур<sup>91</sup>.

Ана шу тариқа, “маданият” тушунчаси мазмуни тўғридан тўғри шахслилик сифати билан алоқадор бўлиб, XX аср охири – XXI аср бошларида замонавий тарбия ва педагогик жараёнда мазкур категориянинг роли яна-да, ошганлигини кўриш мумкин. Олий таълим муассасасининг муҳим вазифаси таълим-тарбияга доир меъёрий ҳужжатлар, замонавий педагогик тадқиқотлар ва тарбия концепцияларида аниқ белгилаб қўйилганидек, ўсиб келаётган авлодда умуммаданий компетенцияни шакллантиришдан иборатдир.

“Умуммаданий компетенция”га турли-туман таърифлар берилган. Масалан, Г.К.Селевконинг таъкидлашича, умуммаданий компетенция – индивиднинг ижтимоий ва маданий муҳитга йўналтиришга имкон берувчи билим, малака ва ижтимоий тажриба унсурлари йиғиндисидир<sup>92</sup>. Л.Л.Супрунова умуммаданий компетенцияни “таълим олувчиларда интеллектуал, маданий, ахлоқий ва жисмоний ўз-ўзини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилияти”<sup>93</sup> сифатида талқин қилади. Қўйилган мақсадга эришишдаги қатъийлик, тўпланган тажрибани танқидий мушоҳада қилиш, шунингдек, толерантлик, ижтимоий мослашувга қобилиятлилик, мустақил ва жамоада ишлаш кўникмаси “умуммаданий компетенция”нинг асосий тушунчаларини ташкил этади.

С.Л.Троянская “умуммаданий компетенция” тушунчасини чуқур таҳлил этиш асосида “умуммаданий компетенция маданий муҳитни ўзлаштириш тажрибаси, таълим олганлик даражаси, тарбияланганлик ва ривожланиш, билиш, дунёқарашга оид, ҳаётий, касбий тавсифдаги муаммоларни ҳал этишни баҳолаш мезони сифатида маданий эталонлардан фойдаланишга йўналтирилган шахснинг интегратив қобилияти”<sup>94</sup>, деган хулосага келади.

С.Л.Троянская таълим олувчида умуммаданий компетенцияни ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш билан боғлиқликда унинг қуйидаги компонентларини ажратиб кўрсатади: ўқувчиларнинг маданиятни тушуниши ва ўзлаштириши, инсоннинг муаммони тушуниш ва уни ҳал этиш асосида билимларни эгаллаш қобилиятини амалга оширишни кафолатловчи когнитив компонент; кишилар билан маънавий-ахлоқий ўзаро биргаликдаги ҳаракат жараёнида

<sup>91</sup> Лихачев Б.Т. Педагогика. Курс лекций. – М.: Юрай-Издат, 2003. – С.47.

<sup>92</sup> Селевко Г.К. Компетентности и их классификация. URL: <http://matem.uspu/i/inst/math/subjects>.

<sup>93</sup> Супрунова Л.Л. Компетентностный подход к подготовке выпускников вуза: преимущества и перспективы реализации // Университетские чтения. – Пятигорск, 2008. – С.46-54.

<sup>94</sup> Троянская С.Л. Развитие общекультурной компетентности студентов средствами музейной педагогики: (на примере подготовки будущих педагогов). Автореферат диссертации. – Ижевск, 2004. – С.10-12.

кадриятларни узатиш воситаси сифатида инсоннинг маданият билан мулоқотга киришишини белгилаб берувчи кадриятга йўналтирилганлик компоненти; маданий фаолият, мулоқот кўникмалари ривожланадиган коммуникатив-фаолиятга доир компонент<sup>95</sup>.

Жак Делор таълим бўйича халқаро комиссиянинг “Таълим: сирли марварид” деб номланган маърузасида педагогик йўналишнинг тўрт асосий жихатини ажратиб кўрсатар экан, компетенция “турли-туман кўплаб вазиятлар билан ва гуруҳий ишлаш имкониятини беради”<sup>96</sup>, деган фикрни алоҳида таъкидлаб ўтади.

Юқоридаги фикрлар асосида умуммаданий компетенция билишга кизиқиш, маънавий-ахлоқий эътиқод ва тасаввурлар, воқеликни ўзлаштириш ва қайта яратиш бўйича маданий фаолиятга тайёрликни шакллантиришни талаб этувчи умуминсоний кадриятлар билан бевосита алоқадар эканлиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

Замонавий олий таълимнинг муҳим мақсади ўз мамлакатининг маънавий ва маданий анъаналарини кадрият сифатида қабул қилувчи юксак ахлоқли, компетент, ижодий, ижтимоий-масъулиятли шахсни тарбиялашда акс этади. Замонавий мутахассис нафақат касбий, балки умумий маданиятнинг муайян даражасини эгаллаган бўлиши лозим: маънавий-ахлоқий, эстетик, экологик, сиёсий, иқтисодий ва ҳ.к.

Таълим шахснинг ўзининг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш, турмуш тарзи танлови, етук инсонни шакллантиришнинг муҳим шарти ва воситаси сифатида намоён бўлади.

Педагогика таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти бўлажак мутахассиснинг умуммаданий ва касбий компетенциялар мажмуини эгаллаши зарурлигини кўзда тутди<sup>97</sup>.

Педагогика назариясида умуммаданий компетентлик мустақил билим олиш, ўз-ўзини англаш, мустақил ва маданиятнинг турли соҳаларидаги ходисалар ҳақидаги асосланган фикрлар, бошқа маданият вакиллари билан диалогга киришиш учун етарлича таълим олганлик даражаси сифатида талқин қилинади.

Умуммаданий компетентлик – инсоннинг маданий муҳит, жамиятга нисбатан йўналганлик қобилияти. У ўзида 2.1.2-расмда тасвирланган соҳаларни қамраб олади. Мазкур компетентликнинг ижтимоий-амалий аҳамияти инсоннинг шахсий ривожланиши билан боғлиқ.

---

<sup>95</sup> Троянская С.Л. Общекультурная компетентность: опыт определения и структурирования // Культурно-историческая психология. – М., 2008. – №2. – С.20

<sup>96</sup> Делор Ж. Образование: сокрытое сокровище. – М., 1996. – С.21-22.

<sup>97</sup> 110000 – Педагогика таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти. – Тошкент, 2020. – 29 б.



**2.1.2-расм. Умуммаданий компетентлик соҳалари (А.В.Хуторский бўйича<sup>98</sup>)**

Умуммаданий компетенциялар ижтимоий ва маданий соҳаларга йўналганлик, шахслараро муносабатларни ўрнатиш, маданий мулоқот, муаммоларни ҳал этишда мезонлар сифатида ахлоқий меъёрларни қўллай олиш кўникмаларини ўз ичига олади.

Умуммаданий компетенциялар мазмунида шахсга ўтмишдаги ва янги яратилган маданият намуналарини ўзлаштириш имконини берувчи фаолият усуллари ўз аксини топади. Уларнинг таркибида турли усуллар, ижтимоий-бошқарувга доир жиҳатлар, ижтимоий ва коммуникатив функцияларни бажариш кўникмалари, ахборот алмашинуви ва ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш шакллари қамраб олувчи когнитив-ахборий фаолиятни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантириш учун биз бунга тааллуқли умуммаданий компетенцияларни ажратиб олишимиз зарур. Шу мақсадда биз педагогика таълим соҳасининг Давлат таълим стандартини таҳлил қилдик. Натижада, Давлат таълим стандартида кўрсатилган 29 та малака талабларидан 17 таси умуммаданий компетенцияларга тегишли эканлиги аниқланди.

Маънавий компетентликни асос сифатида қабул қилган ҳолда талабаларнинг ўзлаштириши лозим бўлган умуммаданий компетенциялар орасидан қуйидаги энг муҳимларини ажратиб кўрсатдик:

1) маданий кадриятларни англаш, инсон ҳаётининг фаолиятида маданиятнинг ролини тушуниш (УК-1);

<sup>98</sup> Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы образования / А.В. Хуторской // Народное образование. – 2003. – № 2. – С. 58-64.

2) касбий-педагогик фаолиятнинг таянч кадриятларини англаш, уларнинг мазмуни ва аҳамиятини тушунишни намойиш этиш, касбнинг ҳар қандай таянч кадриятига ўз муносабатини билдириш, инсонга (таълим олувчиларга) кадриятли муносабат ҳақидаги тизимли, яхлит тасаввурларни намойиш этиш (УК-2);

3) турли маданиятларнинг шаклланиш тарихини тушуниш, маданий тажрибани ўзлаштириш ва узатиш усуллари эгаллаш (УК-4);

4) ўз-ўзини англаш, мустақил фаолиятга тайёргарлик, шахсий ва шахслараро муносабатларни уйғунлаштириш омили сифатида маданий бойликни ўзлаштириш (УК-6);

5) ўз-ўзини баҳолаш, ўз ўрнини топиш ва ўз-ўзини ривожлантиришга тайёргарлик (УК-7);

6) ижобий, самимий мулоқотга тайёрлик (УК-8);

7) мафқурани шакллантириш усуллари эгаллаш, таълим олувчиларнинг ўз-ўзини англаш ва шахс шаклланишига ёрдам кўрсатиш (УК-10);

8) коммуникатив ўзаро биргаликдаги ҳаракатни ташкил этишнинг психологик воситалари тизимини ўзлаштириш, бошқа кишилар ва гуруҳларнинг психологик ҳолатини таҳлил этиш ва баҳолаш, шахсга ижобий таъсир кўрсатиш, унинг муносабатини башорат қилиш, мулоқот шароитида ўзининг психологик ҳолатини бошқариш қобилияти (УК-11);

9) экологик хулқ-атворнинг ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларини ўзлаштириш (УК-12);

10) таълим олувчиларнинг шаъни, обрўси ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари эгаллаш (УК-13);

11) олам манзараси, унинг илмий асослари ҳақида яхлит тасаввурларнинг мавжудлиги (УК-14);

12) ижтимоий аҳамиятли муаммолар ва жараёнларни илмий таҳлил этиш қобилияти, касбий-педагогик фаолиятнинг хилма-хил турларида ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар методларидан амалиётда фойдаланиш кўникмаси (УК-15);

13) касбий-педагогик фаолиятда илмий-табиий фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиш қобилияти (УК-17);

14) ҳар хил турдаги мулоҳалар мантиғини амалий таҳлил этишга тайёрлик, оммабоп нутқ кўникмаларини эгаллаш, аргументлаш, мунозара ва баҳсларга киришиш (УК-21);

15) когнитив фаолиятга тайёрлик (УК-24);

16) ижодий жараёнларни (ғояларни излаш, рефлексия, моделлаштириш) эгаллаш (УК-28);

17) эвристик метод ва усуллар тизимини ўзлаштириш (УК-29).

Умуммаданий компетенцияларни шакллантириш жараёни уч асосий компонентни ўз ичига қамраб олади: когнитив, кадриятли-йўналтирилган ва коммуникатив-фаолиятли:

1) когнитив компонент маданият асарларини ўзлаштириш ва тушунишни кўзда тутди. У таълимнинг қуйидаги вазифаларини аниқлаб

беради: маданий-таълимий муҳитни ўзлаштириш муаммосига йўналганлик, маданиятнинг турли соҳаларига доир мавжуд назарий билим ва кўникмаларни тўлдириб бориш;

2) кадриятли-йўналганлик компонент маънавий мулоқот жараёнида уларнинг ҳис-туйғуларини уйғотиш сифатида маданиятга ошно этиш; маданий меросни эмоционал идрок этиш ва кадрият тарзида ўзлаштириш қобилиятини ривожлантириш; маданий кадриятлар билан мулоқотдан эстетик қониқиш ҳосил қилиш кўникмасини ривожлантириш; санъат асарларига муносабатни ифода этиш, уларни баҳолаш қобилиятини ривожлантиришни талаб этади;

3) коммуникатив-фаолиятли компонент жараёнли-хулқ-атворга йўналганликка мувофиқ келади; ўзида маданий кадриятлар билан мулоқот, хулқ-одоб маданияти ва эмоцияларни ифодалай олиш кўникмаларини такомиллаштиришни қамраб олади; турли манбалардан олинган ахборотлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш; шахсий ижодий фаоллигини ошириш.

Шахс ривожининг ўзига хосликларини ҳисобга олиш асосида юқорида келтириб ўтилган умуммаданий компетенцияларни амалга ошириш таълим ташкилоти ва унинг фаолият доирасида инсоннинг маданий ривожланиш даражасини оширишга имкон беради.

Умуммаданий компетенцияларни ўзлаштириш нафақат ижтимоий-маданий билимдонлик, балки маданият ҳақидаги билимларни бойитиш, мазкур билимларни ахлоқий эътиқод, маънавий ҳаёт меъёрлари ва тамойилларига айлантиришга имкон берувчи маданий фаолиятга талабаларни жалб этишни таъминлайди ҳамда шахс ривожланишининг муҳим омили сифатида ижодий фаолият кўникма ва малакаларида ўз аксини топади.

Талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи умуммаданий компетенциялар 2.1.3-расмда ўз аксини топган.

Шунингдек, педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандартини таҳлил этиш асосида 36 та касбий компетенциялардан 5 таси айнан талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришга қаратилганлиги аниқлаштирилди.

Биз кўриб чиқаётган муаммо юзасидан битирувчи куйидаги касбий компетенцияларга эга бўлиши лозим:


1) ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш қобилияти (КК-3);

2) таълим олувчиларда маънавий, ахлоқий кадриятлар ва фуқароликни шакллантиришга доир тарбия технологияларидан фойдаланишга тайёрлик (КК-6);

3) ижтимоий профилактика бўйича тадбирларни ташкил этишга тайёрлик (КК-7);

4) шахс ривожини ташхис этиш ва прогнозлаштиришга тайёрлик (КК-8);

5) ўқувчиларда ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятини шакллантиришга тайёрлик (КК-9).



**2.1.3-расм. Талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи умуммаданий компетенциялар тизими**

Юқорида санаб ўтилган умуммаданий ва касбий компетенциялар асосида таркиб топувчи маънавий компетентлик талабанинг кадриятли йўналишлари, унинг атроф-оламни кўра билиш ва тушуниш қобилияти, ўзининг ўрни ва ролини англаш, ўзининг хатти-ҳаракатлари учун мақсадли ва мазмунга мувофиқ установкаларни танлаш билан боғлиқдир.

Олий таълимда ўқиш йиллари инсон нафақат дастурда кўрсатилган билимларни ўзлаштириши, балки ўзининг ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи маънавий-ахлоқий кадриятларини англаш ва мустаҳкамлаш даври бўлиши лозим: Ватани ва оиласига муҳаббат, катталарга ҳурмат, беморларга меҳрибон, ҳаётга муҳаббат ва бошқалар.

Компетенциявий ёндашув доирасида маънавий компетентлик бизга юксак ахлоқий шахсни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган яхлит жараён сифатида намоён бўлади.

Маънавий-ахлоқий компетентлик умуминсоний ахлоқ меъёрлари, талабаларнинг бутун ҳаётини фаолиятини ташкил этиш жараёнлари яхлитлигида самарали амалга ошади.

Умуммаданий ва касбий компетенциялар мазмунини ҳамда уларнинг маънавий-ахлоқий тарбия муаммоси билан бевосита ўзаро алоқадорлигини таҳлил этиш асосида биз “маънавий-ахлоқий компетентлик” тушунчасини социумда қабул қилинган маънавий-ахлоқий установкалар ва кадриятли-мотивацион тасаввурлар асосида аждоқларнинг маънавий тажрибаси, инсоннинг ижтимоий ва касбий жиҳатдан мақсадга мувофиқ хулқ-атворини таъминлайдиган шахснинг интеграл хусусияти сифатида талқин қилдик.

Умуммаданий ва касбий компетенцияларни таҳлил қилиш асосида биз эътиборимизни улар орасидан айнан талабаларнинг маънавий компетентлигини белгилаб берувчи жиҳатларга қаратдик. Бизнингча, талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий-ахлоқий компетенцияларга қуйидагиларни киритиш мумкин:


- 1) фуқаролик-ватанпарварлик компетенцияси (ФВК);
- 2) оилавий-ижтимоий компетенция (ОИЖ);
- 3) валеологик компетенция (ВК);
- 4) кадриятли-йўналганлик компетенцияси (ҚЙК);
- 5) ижтимоий-маданий компетенция (ИМК);
- 6) ижтимоий-педагогик компетенция (ИПК).

Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандартидаги умуммаданий ва касбий компетенцияларни таҳлил қилиш, назарий-методологик таҳлилларга таянган ҳолда талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришнинг тузилмали модели ишлаб чиқилди (2.1.4-расмга қаранг).

Фуқаролик-ватанпарварлик компетенцияси деганда, шахснинг интегратив сифати тушунилиб, у когнитив, кадриятли, хулқ-атворли ва рефлексив компонентларни ўз ичига олади ҳамда Ватанни севиш, ўз Ватани манфаатларини ҳимоя қилиш, она-табиатни асраш-авайлаш, ўз халқининг маданий урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва авлоддан авлодга



етказиш қобилияти ва бошқа халқларга нисбатан бағрикенглик муносабатини ривожлантиришда намоён бўлади.



**2.1.4-расм. Талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришнинг тузилмали модели**

Оилавий-ижтимоий компетенция талабанинг инсон ҳаётида муҳим ҳисобланган оилавий қадрият ва анъаналарни ривожлантириш, аждодлар томонидан тўпланган ва кейинги авлодга узатиб келинаётган маданий-маънавий эҳтиёжлар, ёшларнинг кейинчалик муваффақиятли ижтимоийлашуви мақсадида оилада, тарбиядаги ахлоқий-аҳамиятли сифатларни сақлаб қолиши ва ривожлантиришга тайёрлик; оила институтининг ахлоқий установакалар, оилада ва жамиятда инсоннинг маданий ва демографик мақсадга мувофиқ хулқ-атвори билан боғлиқ никоҳ қуриш масъулияти ҳақидаги тасаввурларни тушунишни ўзида ифода этади.

Валеологик компетенция аҳолининг жисмоний ва психологик саломатлигини сақлаш, халқимизга хос қадриятларни қайта тиклашга имкон берувчи, ёш авлоднинг ахлоқий ҳимоясини таъминлаш соҳасида жамиятдаги муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқдир.

Қадриятли-йўналганлик компетенциясини биз шахснинг ўзи, бошқа кишилар ва атроф-муҳит билан муносабат меъёрларига доир маълумотларни ўзлаштирганлиги; ахлоқ меъёрлари, тамойиллар, умуминсоний қонунларни тушуниш, уларни бажаришга интилиш; ахлоқий онг, ҳаёт мазмунига тааллуқли ўзининг ахлоқий кадр-қиммат, ўз ўрнини топиш каби тасаввурларини ривожлантириш; шахсий фаолиятнинг қадриятли асосларига онгли ҳаётга йўналишларига доир ички позициясининг шаклланганлигини тушунамиз.

Ижтимоий-маданий компетенция – умумтаълимий, умуммаданий, дунёқарашга доир тасаввурларга эгаллик, фикрлаш қобилиятига эга, билимдон инсонни маълум даражадаги маданий ва интеллектуал даражасининг шаклланганлиги, инсонпарвар салоҳият асосида замонавий социумда унинг ўрнини белгилаб олганлиги, талабанинг маънавий-маданий сифатларини ривожланганлигидир.

Ижтимоий-педагогик компетенция бўлажак мутахассисни жамият, ижтимоий-маданий муҳит билан таништиришнинг зарурий қисми бўлиб, ўтмиш меросга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, воқеликни ижодий идрок этиш ва ўзгартира олиш қобилиятини шакллантиради. У инсоннинг ижтимоий тажрибаси, истиқболда ўз-ўзини ривожлантиришга интилиши, менталлиги билан белгиланиб, дунёқараш ва хатти-ҳаракатларнинг мустаҳкам асосларини ўзида мужассам этади.

Умуман олганда, таклиф этилган моделда асосий таълимий вазифалардан бири ҳисобланган маънавий компетентликни ривожлантиришда умуммаданий ва касбий компетенцияларнинг алоҳида аҳамият касб этиши ҳисобга олинди.

## **2.2-§. Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришда педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятлари**

Глобаллашув жараёнлари тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида бутун жаҳондаги 2 миллиарддан ортиқ ёш авлод вакилларининг инсоният тараққиётида муҳим ўринга эга

бўлаётгани ва ёшлар омилининг алоҳида эътиборни талаб қилаётгани ҳақидаги фикри ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимизнинг ушбу анжумандаги “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ... Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”<sup>1</sup>, деган хулосаси эса БМТга аъзо барча мамлакатлар вакиллариининг диққатини ўзига қаратгани бежиз эмас.

Ана шу заруриятдан келиб чиққан ҳолда мазкур параграфда дастлаб “аксиология”, “қадрият” ва “қадриятлар тизими” тушунчаларининг моҳиятига эътибор қаратилиб, сўнгра, педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятлари ёритиб берилди.

Аксиология – қадриятлар ҳақидаги фан бўлиб, олам ва инсонга қадриятли муносабатни таркиб топтириш йўллариини ўрганади.

Педагогика фанида қадриятларни таълимий-тарбиявий имкониятларини тадқиқ этувчи алоҳида фан соҳаси – педагогик аксиология мавжуд бўлиб, сўнгги йилларда мазкур йўналишда алоҳида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

“Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат”да, “Қадриятлар – жамиятда кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга, аҳамиятга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси”<sup>99</sup>, деган таъриф берилган.

“Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати”да “Қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча” деб талқин этилган<sup>100</sup>.

“Тарбия” энциклопедиясида “Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча”<sup>101</sup>, деб таъриф берилган.

Республикамызда педагогик аксиология фанидан ўқув қўлланма ёзишни бошлаб берган олим Б.Х.Ходжаев педагогик нуқтаи назардан қадрият тушунчасининг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини аниқлаштирган:

“Қадрият тушунчасининг келиб чиқиши шуни кўрсатадики, унда уч асосий белги бирлашади: нарса ва ҳодисаларни баҳолашга доир инсоннинг амалий ҳамда эмоционал муносабатини таърифлаш; инсоннинг психологик тавсифини аниқловчи ахлоқий категорияларни тавсиф этиш; инсонлар орасидаги муносабатларни характерловчи ижтимоий ҳодисаларни таърифлаш. “Қадрият” тушунчасининг ривож шартли равишда қадриятларнинг турли кўриниш(иктисодий, психологик, ахлоқий, эстетик,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи", 2017 йил 20 сентябрь.

<sup>99</sup> Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати. (А. Жалолов ва Қ.Хонназаров умумий таҳририда). – Т.: Шарқ, 1998. — Б.279.

<sup>100</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – Б.707.

<sup>101</sup> Тарбия энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б.509.

билишга оид, ижтимоий)ларини ажратиб кўрсатиш, инсон табиати, унинг билишга интилиш механизмларини англаб етиш, билиш фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлашга имкон беради”<sup>102</sup>.

Фалсафий ва педагогик-психологик адабиётлар таҳлили “қадрият” тушунчасини талқин этишда хилма-хил ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди. Фалсафий нуқтаи назардан қадрият – инсон томонидан баҳоланадиган кенг оммалашган субъектив образ ёки тасаввурлар сифатида идрок этилса; социологик ёндашувда қадрият инсон ҳаётий фаолиятини ташкил этувчи ижтимоий меъёрлар, унинг хулқ-атвори билан мустаҳкам алоқадорликда талқин этилади; психология мазкур тушунчани шахснинг қизиқишлари, эҳтиёжлари билан боғлиқликда ифода этади. Педагогикада қадрият тушунчаси инсоннинг ҳар томонлама уйғун ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал ҳаётий тажрибаси, дунё ҳақидаги билимлари асосида юзага келувчи оламга шахсий муносабатини акс эттиради.

Миллий ва хорижий тажриба таҳлили “қадриятлар тизими” масаласи фалсафий нуқтаи назардан аниқроқ ёритиб берилганлигини кўрсатди. Файласуф олим Қ.Назаров таъкидлаганидек, жамият тараққиётининг муайян даврида унинг ижтимоий тузилиши мутаносибликка эга бўлади ва унинг бу даврига қадриятларнинг ҳам нисбатан барқарор ва ўзаро мутаносиб умумий тизимлари мос келади. Бу барқарорлик ва мутаносиблик қадрият тизимлари ўртасидаги муносабатларга ҳам хос бўлганидан, бир даврда мавжуд бўлган қадрият тизимларидан бошқа даврларда мавжуд бўлган қадриятлар тизимини ажратиш, улар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни ўрганиш мумкин<sup>103</sup>.

Ш.Тайланова ўзининг “Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида қадриятлар тизимини шакллантириш (“Педагогика тарихи” фани мисолида)” деб номланган тадқиқот ишида “Қадриятлар тизими асрлар давомида шаклланган табиат, жамият ва маданиятда акс этган воқеликка онгли муносабат натижасида юзага келувчи қарашлар йиғиндисидир”<sup>104</sup>, деб таъкидлаб ўтган. Мазкур таърифдаги “қарашлар йиғиндиси” тушунчаси, эҳтимол “Педагогика тарихи” фанини ўқитиш билан боғлиқликда тўғри аниқлаштирилган бўлиши мумкин, бироқ қадриятлар тизими қадрият шакллари мажмуини ўзида ифода этиши айни ҳақиқатдир.

И.П.Подласый қадриятларнинг учта асосий тизимини ажратиб кўрсатган: трансцендентал (диний моҳият нуқтаи назаридан қандайдир мутлақликка эга), ижтимоий йўналтирилган – социоцентрик (гуруҳий, умуминсоний, касбий, миллий ва ҳ.к.) ва антропоцентрик (индивидуал)<sup>105</sup>.

М.А.Макаревич қадриятлар тизимини қуйидаги гуруҳларга ажратган: ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи (яхшилик, ёмонлик, бахт, фаровонлик), универсал (ҳаётий (витал), демократик, ижтимоий обрў-эътибор, шахсий ривожланиш, шахслараро муносабат), норасмий (анъанавий, диний ва

<sup>102</sup> Ходжаев Б. Педагогик аксиология. Ўқув қўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012. – Б.28.

<sup>103</sup> Назаров Қ. Аксиология (Қадриятлар фалсафаси). – Т.: Академия, 2011. – Б.256.

<sup>104</sup> Тайланова Ш. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида қадриятлар тизимини шакллантириш (“Педагогика тарихи” фани мисолида): педагогика фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. – Т., 2012. – 23 б. –Б.3.

<sup>105</sup> Подласый И. П. Педагогика: 100 вопросов – 100 ответов. – М.: ВЛАДОС-пресс, 2004. – С. 83.

урбанизацияга оид) ва жамоавий (ўзаро бир-бирига ёрдам бериш ва бирдамлик). Ҳаётӣ (вита́л) қадриятларга деганда инсон ҳаётини муҳофаза қилиш ва узайтиришга йўналтирилган бирламчи ва оддий эҳтиёжлар тушунилади. Ҳаёт мазмунини белгилаб брувчи қадриятлар эса мураккаб тузилишга эга бўлиб, бутун инсон ҳаётини мураккабликлари ва ғаройиботларга бойлигини ифода этади<sup>106</sup>.

П.А.Сорокин қадриятлар тизимининг учта турини ажратиб кўрсатган:

– идеационал қадриятлар тизими. Мазкур тизимга доир қадриятлар ва идуаллар ўзгаришсиз ва доимий, мутлақ тавсифга эга бўлиб, уларни тушуниб етиш жараёнида юзага келадиган тўсиқларни енгиб ўтиш орқали инсонда ҳиссий қониқиш юзага келади;

– ҳиссий қадриятлар тизими. Мазкур тизимга хос қадриятлар мутлақ кўриниш касб этмайди, индивид иштирок этаётган вазият билан боғлиқликда амал қилади;

– идеал қадриятлар тизими. Идеационал ва ҳиссий қадриятларнинг умумлаштириш асосида таркиб топади<sup>107</sup>.

“Қадриятлар тизими” муайян ижтимоий субъектларга (шахс, миллат, жамият ва бошқалар), бирон бир давр, тарихий босқич ёки соҳа билан боғлиқ бўлган қадрият шакллариининг ўзаро алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлигини ифодаладиган тушунчадир. Қадриятлар тизими маданиятнинг асосини ташкил этиб, жамият аъзолариининг маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлари, қизиқишлари, уларнинг ижтимоий ҳаракатлари ва хулқ-атворини бошқаришни ўзида акс эттиради.

Замонавий жамиятда қадриятлар тизимини қайта англаш содир бўлмоқда. Шу билан боғлиқликда асосий аксиологик категория сифатида қадриятлар таснифи ҳақидаги масала кўндаланг қўйилмоқда. Ушбу масала аксиологиянинг муаммоли саволларидан бирини ўзида акс эттиради. Ана шу сабабли тадқиқотнинг асословчи босқичида мазкур муаммони ҳал этишга доир асосий ёндашувлар таҳлилига ҳам эътибор қаратилди.

Қадриятларни шакллантириш жараёни таҳлили шуни тасдиқлайдики, қадриятлар тизими ўзида социумнинг маънавий фаолияти натижалари сифатида қараладиган маълум маданий муҳитни ифода этувчи ижтимоий онгни акс эттиради.

Ҳар бир инсон учун жамиятнинг маънавий маданияти ва инсоннинг маънавий дунёси, ижтимоий ва индивидуал турмуш тарзи ўртасидаги алоқадор бўғин сифатида хизмат қилувчи шахсий қадриятлар иерархиясига эга. Шу билан бирга, жамият ва маълум маданий муҳитни тавсиф этувчи қадриятлар тизими бутун жамият томонидан амалга ошириладиган маънавий фаолиятнинг натижасини ўзида акс эттиради. Жамиятда узлуксиз ва бир-бирига параллел равишда иккита жараён содир бўлади: янги қадриятларни яратиш ҳамда маданий меросни бир авлоддан бошқасига узатиб бориш.

<sup>106</sup> Макаревич М. А. Ценность // Российская социологическая энциклопедия / Под общ. ред. Акад РАН Г.В. Осипова. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1998. – С.609-610.

<sup>107</sup> Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. / Пер. с англ. – М. : Политиздат, 1992. – С. 488-494.

Педагогик таълимни ривожлантиришнинг замонавий босқичида таълим олувчи шахсига йўналганлик, инсонни жамиятда олий кадрият сифатида эътироф этиш ижтимоий соҳанинг энг муҳим ва кенг кўламли йўналишларидан биридир. Таълимни инсонпарварлаштириш ғояси педагогикада аксиологик ёндашувнинг кенг татбиқ этилиши натижасидир.

Юқорида кўриб чиқилган умумий аксиологиянинг категориал аппарати педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги, унинг ижтимоий роли ва шахсни ривожлантиришдаги имкониятларини аниқлаштиришга хизмат қиладиган педагогик аксиологияга эътибор қаратишга имкон беради. Б.Х.Ходжаев таъкидлаб ўтганидек, педагогик аксиология таълимий кадриятлар (уларнинг табиат ва алоқадорлиги) ҳақидаги фан сифатида куйидаги функцияларни бажаради:

мазмун-моҳият билан алоқадор (таълим мазмуни ва ташкилий жиҳатларини бирлаштирганлиги сабабли, интеллектуал ташаббусни рағбатлантиради) – фикрий жараён, объектни актуаллаштириш, аниқ далил ва исботларни белгилаш, ахборотни танқидий мушоҳада этиш, маъно-мазмунини тушуниш, шахсий фикрнинг ўсиши;

баҳоловчи – педагогик жараён иштирокчиларида борлиқ ва маънавий ходисаларни адекват баҳолашни ривожлантиришни акс этиради;

йўналтириш функцияси – “кадриятлар иерархияси”нинг маълум параметрлари асосида шахсий, касбий тавсифнинг муҳим қоидаларини аниқлаш имкониятлари билан боғлиқ;

меъёрий (норматив) – педагог ва тарбиячининг аксиосферасининг таркибий қисмлари, ўзида кадрият тарзини акс этирувчи уларнинг ўзаро муносабатлари тизимини “қонунийлаштиради”;

бошқарувга доир – инсонпарвар мазмунга эга миллий ва умуминсоний кадриятлар оқимидаги тизим субъектлари, таълим тизими ривожланишини йўналтиради, таълим соҳасидаги ўзаро зарурий ҳаракатни ҳосил қилади; назорат – маданий-тарихийлик контекстида кадриятнинг ривожини, шахсда кадриятга йўналганликни шакллантириш имконини беради<sup>108</sup>.

Таълимга аксиологик ёндашувнинг турли талқинлари таҳлили шуни кўрсатдики, педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳияти талабаларнинг реал ҳаётини фаолиятининг хулқий меъёрларини шаклланишидаги имкониятлари (заҳиралари) мажмуи сифатида намоён бўлади.

ОТМда педагогик-психологик таълимни такомиллаштиришга доир турли ёндашувларини ўрганиб шундай хулосага келдикки, талабанинг маънавий компетентлигини ривожлантириш умумий ва махсус (ўқув-аналитик, кадриятга йўналганлик ва рефлексив-фаолиятли) педагогик-психологик фанларнинг оммалашуви, талабалар ўқув фаолияти усулларининг фаоллашуви ва ўқитувчининг бошқарув фаолияти такомиллашуви ҳисобига амалга ошади. Шу билан бирга, педагогик-психологик фанларнинг ушбу

<sup>108</sup> Ходжаев Б. Педагогик аксиология. Ўқув қўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012. – 165 б.

салоҳияти юқорида санаб ўтилган компонентлар бирлигини кўзда тутувчи тизим сифатидагина самарали татбиқ этилиши мумкин. Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи уч йўналишини ажратиб кўрсатишга асосланди. Биринчи йўналиш – педагогик-психологик фанларнинг аксиологик асосларини кенг оммалаштириш; иккинчи – талабалар ўқув фаолиятини маънавий-ахлоқий тавсифдаги маълумотлар билан бойитиш; учинчи – аввалги икки босқични татбиқ этиш бўйича ўқитувчининг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш. Қуйида мазкур йўналишларга тўхталиб ўтамиз.

Педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятини рўёбга чиқаришнинг биринчи йўналиши ушбу курсларнинг қадриятга йўналтирилган таркибий асосларини кенг жорий этиш, яъни оммалаштириш билан боғлиқ. Оммалаштириш деганда, биз ушбу фанларнинг маънавий асосларини талаба томонидан келгуси ҳаётини фаолиятда қўллаш мақсадида ўзлаштирилишини назарда тутамиз, яъни мазкур фанлардаги ўқув материалларининг амалий фаолиятини кучайтиришни тақозо этиб, бу объектив ахлоқий билимларнинг яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган субъектив билимга “айланиши”ни англатади.

Педагогик жараёнларга аксиологик ёндашув ва педагогик-психологик фанларнинг антропоцентрик вазифаларини аниқлашга қаратилган педагогик рефлексияни ёритувчи илмий адабиётларни ўрганиш асосида ушбу соҳа фанларининг аксиологик асосларини танлашнинг қуйидаги тамойилларини аниқлаштирдик: умуминсоний ва маънавий қадриятларга мувофиқлик; замонавий шароитда маънавий билимларнинг аҳамияти; эйдетик редукция (маънавий ҳодисанинг ҳар қандай танқид ва баҳолашдан озод этилиши, унинг шахсий мазмунининг белгиланиши); қадриятли-мазмунли йўналганлик (ҳар бир талабанинг мустақил таълим моҳиятини англаши, маълумотларнинг ҳамма учун очиклиги); феноменологик редукция (муайян қадриятни ажратиб олиш ва унга эътиборни қаратиш, ўқув материални бойитиш учун фойдаланиш мумкин бўлган, ягона талқинга эга бўлмаган, талабанинг ижодкорлигини ривожлантирадиган феноменал далилларни кўшиш).

Педагогик-психологик фанлар, курс, бўлим, мавзуларнинг аксиологик салоҳиятига талабалар эътиборини қаратиш учун биз маънавий тавсифдаги ўқув материалларини ишлаб чиқдик. Булар эса, ҳикматли сўзлар, эртак, афсона, мақоллар, махсус саволлар, педагогик ва бадиий асарлардан парча, тасвир, видео-аудио материаллардан иборат.

Педагогик-психологик фанларни биз қуйидаги гуруҳларга ажратдик: асосий курслар (“Умумий педагогика” ва “Умумий психология”); интеграциялашган курслар (“Тарбия”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Ижтимоий педагогика”, “Ижтимоий психология”); мини-курслар (“Педагогик аксиология”, “Амалий педагогика”, “Мулоқот психологияси”, “Ижод психологияси”).


Бундан ташқари, биз тажриба-синов ишлари жараёнида

тадқиқотчиликка доир шаклларни ҳам кўзда тутдик (аудиодиагностика, индивидуал ва жамоавий маърузалар тайёрлаш, тадқиқот ишлари ҳимояси, “Академик Сиддиқ Ражабов ўқишлари” номли талабаларнинг анъанавий илмий-амалий анжумани, “Маънавият сарчашмалари” тўғарак машғулотларини ўтказиш).

Педагогик-психологик фанларни ўқитиш билан боғлиқ тажриба-синов ишларида таълим-тарбия мазмунини бойитиш икки босқичда амалга оширилди: биринчиси – “горизонтал”, иккинчиси – “вертикал”.

Таълим-тарбия мазмунини бойитишнинг “горизонтал” ва “вертикал” босқичлари умумлашган тарзда 2.2.1-расмда ўз ифодасини топган.

Изоҳ:☀ – талабаларнинг маънавий компетентлигини таъминлайдиган шарт-шароит, метод, усул ва воситалар йиғиндиси.



**2.2.1-расм. Педагогик-психологик фанлар мазмунини педагогик аксиологияга доир bilimlar билан бойитиш блок-чизмаси**



Биринчи босқич – “горизонтал бойитиш” анъанавий ўқув режасини танлов фанлари асосида такомиллаштиришдан иборат бўлди. Бундай курсларнинг турли-туман бўлиши ва ўқув режасидаги танлов фанлари компонентга ажратилган вақт ҳисобидан ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада қуйидаги кўриниш ҳосил бўлди: “Бошланғич таълим”, “Педагогика ва психология”, “Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси” бакалаврият таълим йўналишлари бўйича талабаларни тайёрлашнинг анъанавий йўналишларига диагностика, коррекция ва прогнозлаш (башорат қилиш) функциясини бажарадиган фаолият турларини киритиш кўзда тутилди. Таклиф этилган танлов фанларининг мақсади асосий педагогик-психологик фанларни инкор этмаган ҳолда, талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини оширишдан иборат этиб белгиланди.

Таълим жараёнини “горизонтал бойитиш”нинг кўшимча йўли сифатида мустақил таълим учун ажратилган соатлар ҳисобидан вебинар мини-курслар ташкил этилди. Авваламбор, тадқиқот доирасида мини-курслар лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш, ижодий муҳит яратиш, тадқиқот ишларини ташкил этиш орқали кенгайтирилди. Мини-курслар қисқа машғулотлар (2-6 соат) кўринишида амалга оширилди ва талабаларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантиришнинг асосий муаммоларига бағишланган қуйидаги вебинарларни ўз ичига қамраб олди: “Ахлоқий ўз-ўзини англаш”, “Замонавий шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси”, “Катталарнинг кадриятлари тизими ва болалар дунёси”, “Қиёсий-педагогик аксиология” ва бошқалар. Бизнинг тажриба-синов ишимиз жараёнида мазкур вебинарлар магистрантлар ва докторантлар билан ҳамкорликда амалга оширилди. Мини-курсларнинг вазифаларидан бири – касбий деонтология нуқтаи назаридан талабаларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш ва умуминсоний кадриятларни кенг ўзлаштириш сифатида белгилаб олинди.

Иккинчи босқич – “вертикал бойитиш” бўлиб, у қуйидагилар орқали таълимнинг жадаллигининг таъминланишига хизмат қилди: ўқув материали ва унинг маънавий негизларини чуқурлаштириш; махсус ишлаб чиқилган алгоритм бўйича ўрганиш фаолиятини амалга ошириш; ўрганилаётган мавзунини ахлоқий тавсифдаги реал далиллар билан бойитиш; замонавий ёшларнинг ахлоқий муаммоларини чуқур таҳлил қилишга қаратилган таълим модулини белгилаш; талабаларни интеллектуал ташаббусга йўналтириш; мустақиллик, мустақил таълим; ахборот муҳитини бойитиш – вақт, воситалар, материаллар, турли ўқитиш шаклларида унумли фойдаланиш.

2.2.1-жадвалда педагогик аксиология нуқтаи назаридан педагогик-психологик фанлар мазмунини бойитиш даражалари келтириб ўтилган.

2.2.1-расмда кўрсатилган блок-чизма ва 2.2.1-жадвал тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришда педагогик-психологик фанларнинг ролини янада аниқроқ англаб олиш заруратидан келиб чиқиб профессор-ўқитувчилар учун ишлаб чиқилди. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, кадриятлар тизимининг педагогик-психологик фанлар мазмунини бойитишнинг ҳар бир даражаси билан

уйғунлиги таъминланди ҳамда мустақил таълим ва маънавий ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш билан боғлиқликда талабаларга кадриятларга доир билимларни таркиб топтириш, кадриятли муносабат ва хулқ-авторни шакллантириш, бир сўз билан айтганда шахс ривожининг жараён билан боғлиқ жиҳатини ўзида акс эттирди.

## 2.2.1-жадвал

### Педагогик аксиология нуқтаи назаридан педагогик-психологик фанлар мазмунини бойитиш даражалари тавсифи

№	Мазмунни бойитиш даражалари		Педагогик аксиология элементлари (таълимий кадриятлар тизими)	Маънавий-информацион компетентлик (етақчи кўрсаткич)
	Горизонтал (ўрганилаётган соҳа кўламини кенгайтириш)	Вертикал (ўқув-билиш фаоллигини ошириш)		
1.	Умумқасбий ва интеграллашган курсларга кириш: умумий педагогика, умумий психология, тарбия, тарбиявий ишлар методикаси, ижтимоий педагогика, ижтимоий психология.	Ўқув материалларини бойитиш; ахборий-маънавий бойитилганлик; ўқув-билиш фаолиятини махсус ишлаб чиқилган алгоритм бўйича амалга ошириш; ўқув материаллини танлаш ва баҳолаш; ўқув материалларини реал вазиятлар билан бойитиш; ғояларни баҳолашда танқидийлик ва ўз нуқтаи назарига содиқлик	Етақчи кадриятлар (билим, мулоқот ва билиш фаолиятига доир кадриятлар).  Меъёрга доир кадриятлар (таълим субъектлари фаолиятини белгилаб берувчи маънавий-ахлоқий меъёрлар).  Рағбатлантирувчи кадриятлар (натижаларга эришиш учун зарур шарт-шароитни яратиш учун).	Танишув-таҳлилий, кадриятга йўналтирилган
2.	Мини курсларга кириш: “Ахлоқий ўз-ўзини англаш”, “Замонавий шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфаси”, “Катталарнинг кадриятлари тизими ва болалар дунёси”, “Қиёсий-педагогик аксиология”	Маънавий-ахлоқий муаммоларни чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш	Кўллаб-қувватловчи кадриятлар (билиш сифатини оширишга йўналтирилган – ўрганилаётган нарса ва ходисаларни чуқур тушуниш)	Кадриятга йўналтирилган, рефлексив-фаолиятга доир
3.	Изланишли-тадқиқотчиликка доир иш шакллари: мустақил ўрганиш; маърузалар тайёрлаш; тадқиқот ишларини химоя қилиш	Интеллектуал ташаббус кўрсатишга йўналганлик; мустақилликнинг юқори даражаси; мустақил таълим олишнинг етақчи ўринга эгалиги		Рефлексив-фаолиятга доир
4.	Ижтимоий-психологик муҳит ва муваффақиятга эришишга доир вазиятларни яратиш	Мухитда ахборот алмашинувини яхшилаш; вақтни тўғри тақсимлаш, восита ва материаллардан самарали фойдаланиш; ўқитишнинг турли шаклларида фойдаланиш		Танишув-таҳлилий

Малакавий педагогик амалиёт олди конференциясида педагогик-психологик фанларни ўқиб тугатган 4-курс талабаларига (180 нафар) қатор саволларга жавоб бериш таклиф этилди:

1. Мазкур фанларни ўқиб-ўргангандан сўнг, педагогик-психологик фанларнинг таълимий ва билишга доир аҳамияти ўз кучини сақлаб қоладими? а) шубҳасиз, сақлаб қолади; б) қисман сақлаб қолади; в) деярли сақлаб қолинмайди; г) жавоб беришга қийналаман.

2. Педагогик-психологик фанларни ўрганиш натижалари бўйича ўзингиз учун қандай аниқ хулосалар чиқардингиз: а) умуминсоний кадриятларга асосланган ҳолда ўзининг маънавий-ахлоқий хулқ-атворини онгли бошқариш; б) қизиқарли ишларни бажаришда маънавий-ахлоқий танлов вазиятини бошқариш; в) шахсий ахлоқий меъёрлар устидан назорат ўрнатиш; г) шароитга қараб ҳаракат қилиш.

3. Оламга ва бошқа кишиларга муносабат характериға кўра педагогик-психологик фанлар қандай йўналганликка эга: а) маънавий (ҳаёт мазмунини излаб топишга интилиш); б) интеграл (бошқаларга кадриятли муносабатда бўлиш, яхшилик қилишга интилиш); в) гуруҳий йўналганлик (маълум бир гуруҳга мансубликни ифода этади); г) прагматик (ўзининг фойдасини кўзлаш, наф кўришга ҳаракат қилиш).

4. Сиз ўзингизни қайси гуруҳга мансуб деб ҳисоблайсиз: а) инсонпарвар (инсон фаровонлигига хизмат қилиш, маънавий-ижодий кадриятларга эгалик); б) гуруҳий фаолиятга йўналган (гуруҳнинг эҳтиёжлари, қизиқишларини қондиришга интилиш); в) эгоцентрист (фақат ўзини ўйлаш, ўзи ҳақида қайғуриш); г) жавоб беришга қийналаман.

5. Сизнинг шахсий ривожланишингизни қайси соҳасига педагогик-психологик фанларни ўрганиш катта таъсир кўрсатди: а) англаш, ўз-ўзини англаш (олий кадриятларга йўналганлик – гўзаллик, яхшилик, ҳақиқат); б) хулқ-атвор (ўз хулқ-атворини бошқариш қобилияти, умумаҳамиятли кадриятлар асосида ўз хулқ-атворини бошқариш); в) эмпатик ҳис-туйғулар (эмоционал ҳолатини бошқа кишилар билан ўртоқлашиш); г) жавоб беришга қийналаман.

Мазкур саволларга берилган жавоблар битирувчи курс талабаларининг педагогик-психологик фанларнинг аксиологик аҳамиятини англай олишини кўрсатди, бироқ ҳар бир саволга ўқитувчининг тушунтириши орқали жавоб беришди. Турли вариантлар орасидан танланган жавоблар мазкур фанларнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Умуман олганда саволларга берилган жавоблар битирувчи курс талабаларига хосликни ифода этди. Маънавий кадриятларни улар амалий аҳамиятлилик билан боғлаб изоҳлашди, яъни қуйидаги фикрларни билдиришди: тартиб-интизомга риоя қиладиган одамларни кадрлайдиган ва қабул қиладиган кишилар билан мулоқот қилиш осон; ёрдамга шай турадиган дўстлар кўпаяди; яшаш осонлашади, виждон қийналмайди.

Юқридаги сингари саволлар шундай хулосага келишга имкон бердики, педагогик-психологик фанларни ўрганиш жараёнида талабалар томонидан эгалланган билимлар мазкур курслар мазмуни махсус ташкил этилган шароитда шахсий аҳамият касб этади. Бошқача сўз билан айтганда, профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро боғлиқ, шунингдек, таълим олувчиларнинг атроф-олам ва бошқа кишиларга

ташаббускор, фаол, етакчи, йўналтирувчи шахсий-қадриятга йўналтирилган муносабати тизими сифатида мазкур фанлар мазмуни билан ишлашга мувофиқ келувчи педагогик механизм зарурдир.

Педагогик-психологик фанлар мазмуни билан ишлашнинг дастлабки босқичида уларнинг аксиологик имкониятларини рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан ва юқорида санаб ўтилган функцияларни ҳисобга олиб, ўрганилаётган материалнинг қадрият билан боғлиқ жиҳатларига тизимли равишда эътибор қаратишга имкон берувчи саволлар ишлаб чиқилди. Бу эса, шунингдек, талабаларга ўрганилаётган материалнинг ахлоқий моҳиятини англай олиши ҳамда маънавий-ахлоқий билимларнинг шахсий аҳамият касб этишига ёрдам берувчи аниқ саволлар устида ишлаш заруратини юзага келтирди. Педагогик-психологик фанларнинг турли бўлим (модул) ва мавзуларини маъруза, семинар, амалий машғулотлар жараёнида ўрганиш учун қўлланиладиган универсал саволлар ишлаб чиқилди:

1. Мазкур мавзуни (модул) ўрганиш жараёнида Сиз томонингиздан эгалланган билимлар қандай таълимий ва билишга доир аҳамиятга эга?

2. Мазкур мавзуларни (модул, ўқув саволлари) ўрганганингиздан кейин Сизда инсон ҳақидаги қандай тасаввурлар пайдо бўлди?

3. Ўрганилган мавзу асосида Абдулла Авлонийнинг яхши ва ёмон хулқларга доир фикрларини тушунтириб беринг.

4. Қуйидаги фикрларнинг узлуксиз маънавий тарбияга компетенциявий ёндашув билан қандай алоқадорлиги мавжуд: “Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади”.

5. Мавзуни ўзлаштириш жараёнида Сиз қандай маънавий қадриятлар ҳақида фикр юритдингиз?

6. Мазкур мавзулар мазмуни инсонга ўзининг хулқ-атворини мустақил баҳолаш ва бошқариш эҳтиёжини ҳосил қиладими?

7. Сизнинг фикрингизча, педагог умуминсоний қадриятларни улуғлаши ва ўзининг педагогик фаолиятида “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур” ҳикматли сўзига амал қилиши керакми?

8. Мазкур мавзу мазмуни касбий ёки бирор бир фаолиятнинг инсонпарвар, қадриятли муносабатни шакллантиришга таъсир кўрсатадими?

9. Сизнинг фикрингизча, умуминсоний қадриятлар билан ўзаро уйғун бўлиш учун қандай шахсий эҳтиёжлар (ижтимоий, маънавий) ҳам мавжуд бўлиши зарур?

10. Мазкур мавзулар мазмуни оламга ва инсониятга нисбатан қандай муносабатларни пайдо қилади? а) маънавий (ҳаёт мазмунини излаб топишга интилиш); б) интеграл (бошқаларга қадриятли муносабатда бўлиш, яхшилик қилишга интилиш); в) гуруҳий йўналганлик (маълум бир гуруҳга мансубликни ифода этади).

11. Ўрганилган мавзулар мазмуни Сизга ўқувчилар олдидаги маънавий бурчни англаш имконини берадими?

12. Бўлажак педагог сифатида Сиз ўзингизни қайси гуруҳга мансуб деб

ҳисоблайсиз? а) инсонпарвар (инсон фаровонлигига хизмат қилиш, маънавий-ижодий кадриятларга эгалик); б) гуруҳий фаолиятга йўналган (гуруҳнинг эҳтиёжлари, қизиқишларини қондиришга интилиш); в) эгоцентрист (фақат ўзини ўйлаш, ўзи ҳақида қайғуриш).

13. Сизнинг фикрингизча, фақат ўзи ҳақида ўйлаш, ўзи тўғрисидагина қайғуришни эгоцентризм деб ҳисобламаслик мумкинми?

14. Мазкур мавзунинг қандай мазмун билан алоқадор компонентлари олий кадриятлар – Гўзаллик, Эзгулик, Ҳақиқатни англаш имконини беради?

15. Мазкур мавзуларни ўрганиш жараёнида ўзлаштирилган ахборотлар Сизга ўз хулқ-атворингизни бошқариш, умумаҳамиятга эга кадриятлар асосида хатти-ҳаракатларингизни мустақил тартибга солишга қандайдир таъсир кўрсатадими?

Мазкур саволлардан ўрганилаётган мавзуга мос равишда фойдаланилди. “Педагогик маҳорат” модулининг “Педагогик низолар” мавзусини ўрганиш жараёнида улардан иккитаси танлаб олинди: 1. Бўлажак педагог сифатида Сиз ўзингизни қайси гуруҳга мансуб деб ҳисоблайсиз? а) инсонпарвар (инсон фаровонлигига хизмат қилиш, маънавий-ижодий кадриятларга эгалик); б) гуруҳий фаолиятга йўналган (гуруҳнинг эҳтиёжлари, қизиқишларини қондиришга интилиш); в) эгоцентрист (фақат ўзини ўйлаш, ўзи ҳақида қайғуриш). 2. Мазкур мавзуларни ўзлаштириш жараёнида ўзлаштирилган ахборотлар Сизга ўз хулқ-атворингизни бошқариш, умумаҳамиятга эга кадриятлар асосида хатти-ҳаракатларингизни мустақил тартибга солишга қандайдир таъсир кўрсатадими? Бироқ семинар машғулотлари жараёнида бир нечта саволлар муҳокамасига эътибор қаратилди.

“Тарбиявий ишлар методикаси” фанининг “Тарбия жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш йўллари” мавзуси бўйича маъруза машғулотларида қуйидаги саволлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди:

1. Мавзунини ўзлаштириш жараёнида Сиз қандай маънавий кадриятлар ҳақида фикр юритдингиз?

2. Ўрганилган мавзулар мазмуни Сизга ўқувчилар олдидаги маънавий бурчни англаш имконини берадими?

3. Мазкур мавзулар мазмуни инсонга ўзининг хулқ-атворини мустақил баҳолаш ва бошқариш эҳтиёжини ҳосил қиладими?

Профессор-ўқитувчиларнинг фикрича, биз томонимиздан таклиф этилган универсал саволлардан барча педагогик-психологик фанларни ўрганишда, шу жумладан “Умумий психология” фанининг “Идрок”, “Хотира”, “Тафаккур” каби мураккаб мавзуларини ҳам ўзлаштиришда самарали фойдаланиш мумкин. Жумладан, мазкур мавзуларни ўрганиш жараёнида қуйидаги саволларни муҳокама қилиш таклиф қилинди:

1. Мазкур мавзуларни (модул, ўқув саволлари) ўрганганингиздан кейин Сизда инсон ҳақидаги қандай тасавурлар пайдо бўлди?

2. Мазкур мавзулар мазмуни инсонга ўзининг хулқ-атворини мустақил баҳолаш ва бошқариш эҳтиёжини ҳосил қиладими?

3. Мазкур мавзуларни ўзлаштириш жараёнида ўзлаштирилган

ахборотлар Сизга ўз хулқ-атворингизни бошқариш, умумаҳамиятга эга кадриятлар асосида хатти-ҳаракатларингизни мустақил тартибга солишга қандайдир таъсир кўрсатадими?

Шундан сўнг, педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳиятини махсус алгоритм асосида амалга ошириш бўйича фаолиятни ташкил этиш режалаштирилди, у мазкур фанларнинг аксиологик салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг педагогик механизмини ўзида акс эттирди (2.2.2-жадвалга қаранг).

### 2.2.2-жадвал

#### Педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятларини ҳисобга олиш асосида профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш алгоритми

Фаолият мазмуни	Алгоритмик қадамлар кетма-кетлиги	Маънавий-информацион компетентлик
Бирор-бир мавзу устида ишлаганда билиш предмети моҳиятини тушуниб олинг, умуминсоний кадриятлар нуқтаи назаридан унинг ўзига хосликларини ажратинг	Репрезентатив	Танишув-таҳлилий
Мазкур мавзу мазмунида акс этган маънавий-ахлоқий меъёрлар ва умуминсоний кадриятларни аниқланг	Эвристик	Кадриятли йўналтирилган
Умумқабул қилинган меъёрлар, ўрнатилган қоидалар, ички инон-ихтиёрга асосланган ҳолда у ёки бу ўрганилаётган ҳодиса, хатти-ҳаракат ва хулқ-атворга баҳо беринг	Баҳоловчи	Кадриятга йўналтирилган
Мавзу мазмунида акс этган маънавий-ахлоқий тавсифга эга ахборотнинг ижтимоий ёки касбий нуқтаи назардан қанчалик аҳамиятли эканлигини аниқланг, ўзингизга ҳаммаслақ топинг.	Рефлексив	Рефлексив-фаолиятга доир
Маънавий-ахлоқий жиҳатга эга муаммо пайдо бўлса, уни ҳал этиш, шахсий ва касбий кадриятлар асосида мақсадга эришиш йўлини топинг.	Прогностик	Рефлексив-фаолиятга доир

Педагогик-психологик фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда ушбу алгоритмдан доимий равишда фойдаланиш ижтимоий-маданий ва таълимий, ижтимоий ва шахсий кадриятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни юзага чиқариш имконини берди. Бу алгоритм барча семинар ва амалий машғулотларда қўлланилди ҳамда талабаларга муайян фаннинг биринчи машғулотларида эслатма сифатида таклиф этилди ва дафтарга жадвал кўринишида қайд этиб қўйилди. Бу орқали эса, алгоритмнинг барча босқичи (репрезентатив, эвристик, баҳоловчи, рефлексив, прогностик) турли материал билан ишлаш жараёнида бутун машғулот давомида кетма-кетликда амалга оширилди.

Биз томонимиздан таклиф этилган алгоритм машғулотларда диалог, полилог вазиятларни ташкил этишга имкон берди. Талабалар алоҳида қизиқиш билан ўрганилаётган мавзуларнинг мазмуни, унинг маънавий асослар билан бойитилганлиги устида фикр юритишди. Айрим мавзулар бўйича мазкур алгоритм билан мустақил ишлашнинг турли вариантлари таклиф этилди. Масалан, “Ижтимоий педагогика” фанида боланинг социумда ривожланиши билан боғлиқликда у ёки бу социумга хос қизиқиш ва қадриятларни гуруҳлаштириш таклиф этилди.

Шунингдек, таълимий тажриба-синов ишлари жараёнида ўрганилаётган мавзунинг маънавиятга доир мазмуни уч блок-модулга ажратиб олинди: йўналтирувчи, баҳоловчи ва амалий.

Йўналтирувчи блок талабаларнинг маънавий-касбий эҳтиёжларини фаоллаштиради. Мазкур блокка инсонпарвар қадриятлар нуқтаи назаридан касбий фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ умумий педагогика, ижтимоий педагогика, тарбиявий ишлар методикаси киритилди.

Иккинчи – баҳоловчи блокка онгли маънавий-ахлоқий танлов асосида шахсда қадриятли муносабатни таркиб топтиришга имкон берувчи педагогик-психологик фанлардаги мавзулар киритилди.

Учинчи – амалий блокда субъект фаоллигини оширишга (ўрганилаётган фанлар бўйича мустақил таълимни ташкил этиш) эътибор қаратилди.

Мазкур параграфдаги материалларни умумлаштириш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Педагогик-психологик фанларни ўрганиш жараёнида уларнинг аксиологик имкониятларини рўёбга чиқариш универсал педагогик усул ва воситалардан фойдаланишни талаб этади.

2. Мазкур фанларнинг имкониятини рўёбга чиқаришнинг уч йўналиши аниқлаштирилди:

биринчи: педагогик-психологик фанларнинг аксиологик мазмунини кенгайтириш. Уларнинг аксиологик жиҳатларини аниқлаш учун қуйидаги тамойиллар белгилаб олинди: умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги, замонавий шароитда касбий-маънавий билимларнинг аҳамияти, феноменологик редукция (онгнинг табиий установакалардан холи бўлиши), эйдетик редукция (далиллардан шахсий англаган моҳиятга ўтиш), қадриятга йўналганлик. Педагогик-психологик фанлар мазмунини икки даражали (вертикал ва горизонтал) бойитиш методикаси ўрганилаётган соҳани кенгайтириш, материал ва унинг маънавият билан боғлиқ мазмунини чуқурлаштиришни талаб этди;

иккинчи йўналиш педагогик-психологик фанлар мазмунида акс этган маънавиятга доир ахборотлар устида ишлашга доир талабаларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштириш билан боғлиқ тарзда амалга оширилди. Бунинг учун исталган мавзунини ўзлаштириш, ҳам профессор-ўқитувчи, ҳам талаба томонидан ўрганилаётган материалнинг маънавият билан алоқадор мазмунини англаш имконини берувчи универсал саволлар ишлаб чиқилди. Педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятларини рўёбга

чиқариш бўйича ишни ташкил этиш алгоритми талабаларнинг эътиборини ижтимоий-маданий ва таълимий, ижтимоий ва шахсий кадриятларнинг ўзаро алоқадорлигига жалб этишга тўлиқ имкон берди;

учинчи йўналиш махсус ишлаб чиқилган алгоритм асосида педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятини рўёбга чиқариш бўйича профессор-ўқитувчининг бошқарув фаолиятини такомиллаштиришни кўзда тутди. Ўрганилаётган мавзунинг маънавиятга доир мазмунида уч интеграллашган блок (йўналтирувчи, баҳоловчи, амалий) ажратиб олинди.

### **2.3-§. Талабаларда мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини фаоллаштирувчи вазиятларни яратиш йўллари**

Таълимий тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантириш бўйича натижалар мазкур жараённинг танишув-таҳлилий ва рефлексив-фаолиятга доир кўрсаткичлари нисбатан кам аҳамиятга эгаллигини кўрсатди. Шу билан боғлиқликда ўзини ва бошқа кишиларни идрок этиш ҳамда ахлоқий жиҳатдан баҳолаш нуқтаи назаридан талабаларда мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини фаоллаштирувчи махсус вазиятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур босқични амалга оширишга доир вазифалар сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини фаоллаштиришга доир вазиятларни таснифлаш;

- талабаларда ижтимоий-перцептив мулоқотнинг ривожланганлигини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

- педагогик-психологик фанларни ўрганиш жараёнида талабаларда мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини фаоллаштиришга доир вазиятларни яратишнинг ўзига хосликларини таҳлил этиш.

А.В.Хуторскийнинг вазият “маълум бир шароитни яратувчи шарт-шароитлар ва ҳолатлар уйғунлиги”<sup>109</sup>, И.С.Якиманскаянинг “вазият воқеликлар йиғиндиси”<sup>110</sup>, З.Т.Салиеванинг “вазият воқеалар ривожини ёки натижасини инсонга қизиқиш ҳосил қилувчи аниқ жараённи акс эттирувчи образли, вербал ва аналитик ахборотлар йиғиндисидир”<sup>111</sup> тарзидаги таърифларига таянган ҳолда, биз мулоқот вазиятларини назарий жиҳатдан таҳлил қилдик ва улар орасидан тадқиқот фаразига мувофиқ келадиганларини танлаб олдик. Вазиятларни танлашда биз қуйидаги тамойилларга асосландик: ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, маънавий салоҳиятга эгаллик, витагенлик (хаётий тажрибага асосланиш), креативлик, тизимлилик, структуралаш, қўшимча ахборотлар билан бойитиш.

<sup>109</sup>Хуторской А.В. Практикум по дидактике и современным методикам обучения. – СПб: Питер, 2004. – 541 с.

<sup>110</sup> Якиманская И.С. Личностно-ориентированное обучение в современной школе. – М.: Сентябрь, 2000. – 112 с.

<sup>111</sup> Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизmlарини такомиллаштириш: Фан доктори. дисс. – Т., 2017. – 243 б.



Ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик тамойили вазиятда биргаликдаги – талабалар, талаба ва профессор-ўқитувчи, гуруҳ ва профессор-ўқитувчилар, уларнинг ҳар бирини “ички овози” ўртасидаги талқин этишни йўлга қўйиш орқали энг мақбул ҳодиса самарали шахслараро идрок этиш жараёнларини акс эттириш зарурлигини билдиради. Тизимлилик тамойили маънавий компетентликни ривожланганликнинг даражаси ва кўрсаткичларига мувофиқ вазиятларни йиғиндисини танлашни таъминлайди. Структуралаш тамойили вертикал ва горизонтал тарзда вазиятларни яратиш мантиғига мувофиқ, вазиятларнинг структур бирликларга ажратишни кўзда тутди. Витагенлик тамойили ташқи олам ва талабаларнинг шахсий ҳаётий тажрибасини акс этирувчи вазиятларни танлаш билан боғлиқ. Креативлик ва маънавий салоҳиятга эгалик тамойиллари шахсда креативликнинг намоён бўлиши ва унинг маънавий-ахлоқий сифатлари билан боғлиқликда вазиятларни танлашни таъминлайди. Бундан ташқари маънавий салоҳиятга эгалик ўзаро биргаликдаги аниқ вазиятларда маълум бир хулқ-атвор ҳаракатларини бажариш учун ички имкониятлар ва ахлоқий жиҳатларнинг мобиллигини таъминлаш билан боғлиқдир. Креативлик тамойили талабаларда ижодий салоҳиятнинг намоён бўлишига ёрдам берувчи вазиятларни танлаш имконини берди. Бу эса, инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасида ҳам ижодий, продуктив, ҳам анъанавий, репродуктив тавсифга эга элементлар мавжудлиги, бироқ креатив турдаги вазиятларда инсоннинг маънавий қувватининг туганмас манбаи сифатида шахснинг яратувчанлик имкониятлари ёрқин намоён бўлишини кўрсатади. Қўшимча ахборот билан бойитиш маънавий тавсифга эга ахборотлар алмашинувида эҳтиёжларнинг намоён бўлишини таъминлайдиган вазиятлар билан боғлиқ.

Мазкур тамойиллар бизга таълимий вазиятларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш, яъни восита сифатида вазиятни ажратиб олиш, уни алоҳида, мустақил тарзда кўриб чиқиш, фикрий эксперимент ўтказиш, талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантириш нуқтаи назаридан унинг имкониятларини таҳлил этиш, кейин уларни татбиқ этиш мақсадида ўқув-тарбия жараёнида қўллаш имконини берди. Мазкур йўналишдаги таълимий тажриба-синов ишларининг мақсади ана шундан иборат бўлди.

Тажриба-синов ишлари давомида биз ўқув-тарбия жараёнига табиий йўл билан киритишга имкон берувчи вазиятларни ишлаб чиқиш ва мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини танлашга талабалар учун рағбат уйғотишга интилдик.

Р.Сафарова<sup>112</sup>, М.Қуронов<sup>113</sup>, Н.Авлиякулов<sup>114</sup>, Ж.Йўлдошев<sup>115</sup>, Г.Асмолов<sup>116</sup>, Ю.Кулюткин<sup>117</sup> ва бошқа олимларнинг тадқиқотларига таянган

<sup>112</sup> Сафарова Р., Юсупова Ф. ва б. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини кенгайтиришга йўналтирилган ўқув вазиятларини лойиҳалашнинг назарий-амалий асослари. – Т. Фан ва технология нашриёти, 2012. – 118 б.

<sup>113</sup> Қуронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 152 б.

<sup>114</sup> Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 190 б.

<sup>115</sup> Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 104 б.

<sup>116</sup> Асмолов А.Г. Психология личности: Принципы общепсихологического анализа. – М.: Смысл, 2001. – 416 с.

<sup>117</sup> Игнатова В.В. Педагогические факторы духовно-творческого становления личности в образовательном процессе: Монография. – Красноярск: СибГТУ, 2000. – 272 с.

ҳолда, ички ва ташқи имкониятлар асосида мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини фаоллаштиришга доир вазиятлар иккита гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ вазиятлар аҳамиятига кўра ташқи шароитларга тааллуқли бўлиб, шартли равишда “объектга доир вазиятлар” (шахснинг воқелик сифатида вазиятлар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракати) деб номланди. Мазкур вазиятлар шахснинг маънавий воқеликни идрок этишига ички рағбатни ҳосил қилишга имкон берувчи ўқув-тарбия жараёнида юзага келувчи шарт-шароитларни яратди. Мазкур ҳолатда талабаларда маънавий компетентликни ривожлантириш ташқи вазият-воқеликлар орқали амалга оширилди. Иккинчи гуруҳ – “субъектга доир вазиятлар”ни талабаларнинг ёш билан боғлиқ эҳтиёжларини ҳисобга олиш асосида бевосита маънавий компетентлигини ривожлантириш, ижтимоий перцепция нуқтаи назаридан мулоқотнинг янги, кўпроқ продуктив усулларини танлашга имкон берувчи индивидуал услубни таркиб топтиришга йўналтирилган воқеликлар ташкил этди.

Мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубининг намоён бўлишини аниқ акс эттириш учун унинг кўрсаткичлари ва тавсифи аниқлаштирилди. Ўз-ўзини ва бошқаларни идрок этиш ҳамда баҳолашнинг барқарор усули сифатида ижтимоий-перцептив услуб тушунчасини таърифлаш орқали унинг кўрсаткичлари аниқлаштирилди: мазмунга доир, йўналтирувчи, фаолиятга доир ҳамда талабанинг мустақил равишда ўзининг ижтимоий-перцептив услубини баҳолаш бўйича кичик (мини) диагностик методика ишлаб чиқилди (2.3.1-жадвалга қаранг).

Мулоқотни ижтимоий-перцептив услубининг юқори даражаси шубҳасиз мавжуд шарт-шароитларга боғлиқ равишда инсоннинг ижобий, самимий ва мослашувчан сифатларини ўзида акс эттирди. Ўрта даража – шартли равишда ижобий тавсифга эга бўлиб, талаба ўз-ўзини кашф этишда маълум бир қийинчиликларга дуч келади. Шунинг учун унинг ижтимоий-перцептив услуби етарлича намоён бўлмайди ҳамда талабанинг эркин ва масъулиятли танлови натижасини акс эттиради. Паст даража ўзида салбий жиҳатни ифода этади: инсоннинг мустақил қарор қабул қилмаслиги ва ўз-ўзига ишончнинг пастлиги билан тавсифланади, бундай талаба мулоқотда суст ва масъулиятни ўз зиммасига олмайди.


Талабанинг ижтимоий-перцептив услуби тавсифини аниқлаш натижасида ва юқорида қайд этилган тамойилларга мувофиқ вазиятлар тизимлаштирилди ҳамда гуруҳлаштирилди.

**Талабаларда мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубининг  
ривожланганлигини баҳолаш мезонлари**

Даражалар	Кўрсаткичлар		
	Мазмунга доир	Йўналтирувчи	Фаолиятга доир
Юқори	Бошқа кишиларни идрок этиш ва тушунишда интеллектуал ҳамда интуитив манбаларга таянади; ўзи ва бошқаларнинг ҳис-туйғуси ва кайфиятини тўғри баҳолай олади; мулоқотнинг педагогик-психологик жиҳатлари ва ўзига хосликларини тушунади; ҳамкорликдаги фаолият ва ундаги ўзининг шахсий ҳиссаси бўйича хулқ-атвори ва натижани мунтазам кузатиб, таҳлил қилиб боради.	Инсонни идрок этишда умуминсоний қадриятларга таянади; шахсий танлов учун мажбуриятни ўз зиммасига олади; инсоният ютуқлари, ҳар бир инсоннинг индивидуаллигини ҳурмат қилади, кишиларга ишонч билдиради; ўзининг реал ҳолатини ҳис қилади ва ўзи ҳақида қайғуради.	Оддий алоқа ўрнатишдан чуқур мулоқотга киришишгача турли даражадаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатни муваффақиятли амалга оширади; ўзининг хулқ-атворини моделлаштиради, ҳамкорликдаги фаолиятнинг бошқа иштирокчиларининг нуктаи назарларини инобатга олган ҳолда уни баҳолайди ва тузатишлар киритади
Ўрта	Бошқа кишиларни идрок этиш ва тушунишда ҳамма вақт ҳам интеллектуал ҳамда интуитив манбаларга таянмайди; ўзи ва бошқаларнинг ҳис-туйғуси ва кайфиятини ҳамма вақт тўғри баҳолай олмайди; мулоқотнинг педагогик-психологик жиҳатлари ва ўзига хосликларини тўлиқ тушунмайди; ҳамкорликдаги фаолият ва ундаги ўзининг шахсий ҳиссаси бўйича хулқ-атвори ва натижани мунтазам кузатиб, таҳлил қилиб бормайди	Инсонни идрок этишда умуминсоний қадриятларни етарлича ҳисобга олмайди; шахсий танлов учун мажбуриятни ўз зиммасига қийинчилик билан қабул қилади; инсоният ютуқлари, ҳар бир инсоннинг индивидуаллигини ҳурмат қилади, бироқ кишиларга ишонч билдирмайди; ўзининг реал ҳолатини етарли ҳис қилмайди ва ҳамма вақт ўзи ҳақида қайғурмайди.	Оддий алоқа ўрнатишдан чуқур мулоқотга киришишгача турли даражадаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатни етарлича муваффақиятли амалга оширмайди; ўзининг хулқ-атворини моделлаштирмайди, ҳамкорликдаги фаолиятнинг бошқа иштирокчиларининг нуктаи назарларини инобатга олган ҳолда уни баҳоламайди ва ўз вақтида тузатишлар киритиб бормайди
Паст	Бошқа кишиларни идрок этиш ва тушунишда интеллектуал ҳамда интуитив манбаларга таянмайди; ўзи ва бошқаларнинг ҳис-туйғуси ҳамда кайфиятини тўғри баҳолашда хатоликка йўл қўяди; мулоқотнинг педагогик-психологик жиҳатлари ва ўзига хосликларини тушунмайди; ҳамкорликдаги фаолият ва ундаги ўзининг шахсий ҳиссаси бўйича ҳолати ҳамда натижани мунтазам кузатиб, таҳлил қилиб бормайди	Инсонни идрок этишда эгоистик қадриятларга таянади; шахсий танлов учун мажбуриятни ўз зиммасига олмайди; инсоният ютуқлари, ҳар бир инсоннинг индивидуаллигини ҳурмат қилмайди, кишиларга ишонч билдирмайди; ўзининг реал ҳолатини етарли ҳис қилмайди ва ўзи ҳақида юзаки қайғуради.	Турли даражадаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатга интирмайди; ўзининг хулқ-атворини моделлаштирмайди, ҳамкорликдаги фаолиятнинг бошқа иштирокчиларининг нуктаи назарларини инобатга олган ҳолда уни баҳоламайди ва ўз вақтида тузатишлар киритиб бормайди

Юқорида қайд этилганидек, биз вазиятларни гуруҳларга ажратдик (“объектга” ва “субъектга” доир), энди уларнинг турларга ажратиш лозим. Объект билан боғлиқликда маънавий ҳаётни идрок этиш, тушуниш, фаолият

ва хулқ-атвори таҳлил этишга доир вазиятлар аниқлаштирилди. Субъект билан боғлиқликда ўз-ўзини идрок этиш, ўзининг маънавий камолот даражасини тушуниш, шахсий тажрибасини таҳлил этишга доир вазиятлар тақдим этилди. Мазмунига кўра ҳар бир санаб ўтилган турларга ўзининг шартли номига эга бўлган уч вариантдаги вазиятлар жамланди. Амалга оширилган ишлар натижалари блок-чизма кўринишида акс эттирилган (2.3.1-расмга қаранг).



**2.3.1-расм. Талабаларда мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини таркиб топтиришга доир вазиятлар тизими**

Биз ушбу шахс типларини одатий А ва Б гуруҳларга ажратдик. А гуруҳ фаол алоқа объекти ҳисобланади; мувозанатли, хотиржам, ўзини ирода қилади, у учун муҳим бўлган маълумотни етарли даражада қабул қилади ва кадрлайди, хатти-ҳаракатларини ўзгартиради, ижтимоий-перцептив мулоқот услубини танлаш зарурлигини билади, муайян мулоқот шароитидан қониқиш, ички хотиржамликни намоён қилади, ўзига хослик, ўзи ва бошқаларнинг маънавий жиҳатдан индивидуаллигини англайди, ўтмишдаги тажриба ва ҳозирги долзарб вазият ҳақидаги тасаввурлар орасида сабаб-оқибат алоқаларини ўрнатади.

Б гуруҳга хос шахслар мулоқотнинг нисбатан суст объекти ҳисобланади ёки унинг фаоллиги “рақобат” стратегияси орқали амалга ошади (ҳаддан ташқари эмоционал, сабрсиз, қисқа вақт ичида иложи борича кўпроқ ютуққа эришишга интилади, ҳар қандай қаршилиқни енгиб чиқади, вазиятни ҳар доим ҳам тўғри баҳолай олмайди, мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини танлаш зарурлигини англамайди. Иккала ҳолатда ҳам бу вазиятнинг аҳамияти қайта кўриб чиқилиши, фикрлар, ҳис-туйғулар ва хатти-ҳаракатлар мазмунининг бузилишига (мазмунни англашнинг стереотип усуллари, вазиятдаги хатти-ҳаракатлардан қоникмаслик ҳисси, ички низолар, ноаниқлик, депрессия, тартибсизлик, мотивацион рағбатлар камаяди ҳамда ўзини ва бошқа шахсни ноёб қадрият сифатида қабул қилмаслик) олиб келади.

Тажриба-синов ишлари “объектга доир” вазиятлар таҳлилинини амалга оширишдан бошланди. Идрок этиш вазиятларининг яратилиши бошқа кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳақида тушунчага эга бўлиш, маънавий-ахлоқий сифатларни тўғри талқин қилиш ва кундалик ҳаётда ишонарли муносабатларни ўрнатиш мақсадида кузатиш методларини холисона баҳолаш ҳамда фаоллаштиришга ёрдам берди. Бу гуруҳ вазиятлар бошқа билиш жараёнлари билан кўплаб ўзига хос боғлиқ бўлганлиги сабабли биз тадқиқотимиз доирасида “бошқа кишини англаш”, “ўз-ўзини англаш” атамаларини қўлладик. Бу жараёнлар муайян вазиятда ўз аксини топди. Тадқиқот доирасида “Видеофокус”, “Интервью”, “Келишув” каби идрок этиш вазиятларидан фойдаланилди, уларда ижтимоий-перцептив мулоқот услубининг мазмунга доир, йўналтирувчи ва фаолиятга доир жиҳатлари акс эттирилди ва кузатиб борилди.

Масалан, “Видеофокус” вазиятини таҳлил қилиш учун талабалар дастлаб бошқа инсонни кузатиш учун кичик дастур тайёрлашди. Дастурда кузатиш учун талабалар мулоқотнинг ўзига хосликларини ўрганиш учун саволлар, турли тестлар ва методикаларни киритишди. Машғулот жараёнида турли ҳаётий вазиятларда мулоқотнинг ўзига хосликларини акс эттирувчи видеосюжетлар таклиф этилди. Бу видеосюжетлар талабалар томонидан олий таълим муассасаси, дўкон, бозор, кафе, кўча ва паркларда суратга олинган. Асосийси, бу сюжетлар талабаларнинг ўзлари томонидан суратга олинган. Машғулотларда уларни томоша қилиш орқали талабалар ўзларига “қаҳрамон” танлашди ва улар ҳақида “тасаввурлар картаси”ни тузишди. Картада маънавий-ахлоқий меъёр ва қоидалар нуқтаи назаридан инсоннинг

эмоционал ҳолати ва ҳаракатларини тавсифловчи жисмоний, психик ҳолатлар ҳақидаги тасаввурларни акс эттириш вазифа қилиб берилди.

Масалан, А.Ботиров ёзги кафедра қаҳрамонлари бир йигит ва бир қиз бўлган воқеани суратга олган ва “Ҳордиқ чиқариш учун келдик” деб номлаган. Талабалар ишга тезда киришишди ва “тасаввурлар картаси”ни тузишди. Ҳар бир иштирокчи воқеадаги қаҳрамонлар ҳақида ўзининг тасаввурларига эга бўлди. Воқеани маънавият билан боғлиқликда таҳлил этиш шуни кўрсатдики, кўпчилик талабалар (80 % дан ортиқ) вазият қаҳрамонлари ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишган. Айрим талабалар вазиятни чуқурроқ таҳлил этишга ҳаракат қилишди. Уларга видеони томоша қилиш жараёнида кузатилган ёшларнинг у ёки бу ҳаракатлари сабаблари бўйича вариантлар таклиф этилди. Масалан, А.Мўйдинова қуйидаги вариантни таклиф этди: “қиз эътиборини қаратган йигитга ёқиш учун бир неча марта унги тикилиб қаради. Йигит эса, ўзини тўғри тутди, унинг барча ҳаракатлари қизларга ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлишни ўзида акс эттирди. У ўзини босиқ тутди, дўстона муносабатда бўлди, ҳазил қилди, секин гапиришга ҳаракат қилди”. Кўпчилик талабаларда А.Мўйдинованинг фикрлари маъқул келди. Ўқитувчининг саволи эса, жавобсиз қолди: “Нега қиз йигитга ёқишга ҳаракат қилди?”. Мазкур вазиятни таҳлил қилишда талабалар улар учун кўпроқ аҳамиятга эга бўлган лавҳаларни идрок этишга кўпроқ эътибор қаратишди.

“Интервью” вазиятининг асосий моҳияти талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, муҳбир ролини бажариши ва бошқа факультет талабаларидан кичик интервьюлар олишидан иборат бўлди. Бунинг учун талабаларга қатор маънавият билан боғлиқ мавзулар таклиф этилди: “Муваффақиятга эришишнинг 3 асосий шартлари бор: 1) бошқалардан кўра кўпроқ билиш; 2) бошқалардан кўра кўпроқ ишлаш; 3) бошқалардан кўра камроқ хоҳлаш”, “Бармоғинг билан кўрсатма, ўз юриш туришинг билан кўрсат”, “Ёшлик хато қилиш имконини бериши билан эмас, балки хатоларни тўғрилашга ҳам вақт борлиги билан афзал”, “Имкониятидан ортиқроқ берган саҳийдир, эҳтиёждан камроқ олган мағрурдир”, “Бошингга кулфат тушганда дўстларинг қандай инсон эканини билиб оласан. Дўстларинг бошига кулфат тушганда эса ўзинг қанақа инсон эканингни биласан”, “Ғийбатчилар воқеанинг бевосита гувоҳларидан ҳам кўпроқ нарса биладигандек таассурот уйғотади”, “Баъзи одамлар ғам-андух чоғлари овуниш учун бировнинг бахтсизлигидан хабар топиши керак”. Интервью учун мазкур мавзулар республикамиз талабалари орасида машҳур бўлган “Чўнтакдаги ҳикматлар – 2”<sup>118</sup> китобидан танлаб олинди.

Талабалардан респондент билан ўзаро мулоқотда қоидаларга риоя қилиш ва тўғри муносабатда бўлишга эътибор қаратиш, иложи бўлса техник воситалардан (диктофон, видеокамера) фойдаланиш сўралди. Аудиторияда интервьюларни томоша қилиш ва тинглаш талабаларда унутилмас таассурот

<sup>118</sup> Чўнтакдаги ҳикматлар – 2. // Тузувчилар: П.Эргашев, Б.Мухаммадиев. – Т.: DAVR PRESS, 2016. – 64 б.

колдирди: улар таниш юзларни кўришди, дўстлар, ўқитувчиларнинг овозларини эшитишди, уларнинг жавоблари ва мулоҳаза юритишларидан баъзан ҳайратланишди, қизиқарли фикрларни диққат билан тинглашди, аввалдан таниш кишилар ҳақидаги фикрларини ўзгартириш имкониятига эга бўлишди. Мазкур вазиятлар билан ишлаш ниҳоясида якуний хулосаларга келинди, улар орасидан мулоқотга киришишга қийинчилик сезганлари яна бир марта қайта кўриб чиқилди: носамимий муносабат; имо-ишораларнинг ифодага эга эмаслиги; хайрихоҳ бўлмаслик; ташқи кўринишига қараб инсон ҳақида фикр юритиш; бошқа кишининг ўзига хослигини тушуна олишини намоён эта олмаслик; атрофдагилар билан муносабатининг ёмонлашуви билан боғлиқ тасаввурлар асосида кишиларни баҳолашга интилиш.

“Жамоавий ижодий иш” туридаги вазиятлар турли машғулотларда яратилди, уларнинг асосий моҳияти шундаки, талабалар шахсий имконияти ва қобилиятлари асосида бирор бир топшириқни бажариш учун бирлашишди. Талабаларга 3 ёки ундан кўпроқ кишидан иборат ижодий гуруҳларни ташкил этиш ва маълум бир топшириқни бажариш сўралди. Масалан, “Шахс психологияси” танлов фанида қуйидаги топшириқ берилди: машҳур психологлар ҳақида маълумотлар тўплаш; улардаги асосий ғояларни ажратиш, уларни чизма-тасвирий моделлар (интеллект карта, инфографика) кўринишида тақдим этиш; шахс психологиясига доир асосий ёндашувларга доир психологик ҳикоялар ёзиш. Гуруҳга ижодий ишни яратишга қобилиятли, креатив талабаларнинг қўшилиши таклиф этилди. Талабалар табиий равишда бундай гуруҳларга қийинчилик билан бирлашишди. Бирок иш жараёнида ҳамма учун умумий бўлган мураккаб топшириқни бажариш жараёнида уларнинг қанчалик интеллектуал ва эмоционал қайғуришганига гувоҳ бўлдик. Шу ва шунга ўхшаш вазиятларни яратиш орқали талабаларга бутун гуруҳ иши муваффақиятли якунланиши учун исталган, ҳатто кичик топшириқ ҳам виждонан бажарилиши кераклиги уқтирилди.

Сўнгра психологик ҳолатини ҳисобга олиб, бошқа кишини тушуниш, алоқа ўрнатиш учун зарур нутқий формулаларни эгаллашга доир вазиятлар ташкил этилди: “Инсон ҳақида ўйлар”, “Муқобилларини излаш”, “Бошқа кишини тушуниш учун қулай фурсат”. Масалан, “Инсон ҳақида ўйлар” вазиятида талабаларга фотосуратига қараб, кишининг характери, унинг ахлоқий сифатларини баён этиш таклиф этилди. Бундай вазиятларнинг маъноси оддий – инсонни ташқи қиёфаси орқали тавсиф берилади. Мазкур вазиятларда ролли ўйинлардан ҳам фойдаланиш мумкин: дедектив жосус, машҳур ёзувчи, санъаткор ва бошқалар.

“Муқобилларни излаш” вазиятини амалга ошириш жараёнида талабалардан қачондир уларнинг кўз ўнгида ёки ҳаётида содир бўлган низоли вазиятларни таҳлил этиш ва уни бартараф этишга доир ўзининг вариантини таклиф этиш сўралди. Бундай вазиятларга (икки ёки ундан ортиқ ўзаро инкор этиб бўлмайдиган имкониятлардан бирини танлаш) киришиш учун қуйидаги мисолдан фойдаланилди: икки киши битта олмани олмоқчи бўлишди, ниҳоят улар иккига бўлишга келишишди. Шундан сўнг улардан бири олманинг шарбатини сиқиб олди ва пўстини кераксиз деб ташлаб юборди. Иккинчиси,

аксинча, торт пишириш учун пўстини ажратиб олди. Агар улар бир-бирлари билан қизиқишлари ҳақида суҳбатлашганда эди, улар икки томонлама ютиши мумкин эди. Бу мисол орқали келишувга эришилмаса, натижа икки томон учун ҳам ёмон бўлиши мумкинлиги кўрсатилди. Шунга ўхшаш ўзларининг ҳаётларида юз берган вазиятларга эътибор қаратиб, талабалар низоларни бартараф этиш, бир-бирини айбламаслик, самарасиз баҳсларга киришмаслик, ўзаро бир-бирини тушуниш билан боғлиқ муқобил ечимларни таклиф этишди.

“Бошқа кишини тушуниш учун қулай фурсат” вазиятларининг моҳияти бир томондан талабаларни шундай тажрибасини бойитиш, иккинчи томондан турли даражадаги ахборотларни қабул қилиш, ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, уни таҳлил этиш ва қайта ишлаш, яъни тушуниш малакасини ривожлантириш мақсадида новербал мулоқот воситаларидан фойдаланишга доир ўйинли машқларни ташкил этишдан иборат бўлди.

Талабаларни таҳлил этишга доир вазиятларга жалб этишда уларга бошқа қишиларни яхшироқ тушуниш ёки психик фаолиятнинг ташқидан ички доирасига мулоқотнинг ижтимоий қулай намуналарини кўчириб ўтказишнинг йўллари ва усулларини ишлаб чиқишга йўналтириш таклиф этилди. Мазкур гуруҳга доир қуйидаги вазиятлар тақдим этилди: “Нуктаи назар”, “Воқеликни баён этиш”, “Суҳбатдошни тинглаш”. Таклиф этилган вазиятлар атроф-борлиқ, ташқи оламга хос далиллар билан уларни уйғунлаштириш имконияти ҳисобига талабаларнинг ички ўйлари, қадриятлари, ахлоқий эҳтиёжларини фаоллаштириш ва бойитишга йўналтирилди. Мазкур гуруҳга олий таълим муассасалари ўқув жараёнида кўп қўлланиладиган анъанавий ўқув вазиятлари киритилди. “Нуктаи назар” вазиятида талабалар гуруҳ ичида содир бўлган воқеалар бўйича ўз фикрларини билдиришди, ўз қарашлари, турли вақт оралиғидаги (семестр бошида, охирида, якуний назорат, норасмий мулоқот пайтида ва ҳақозо) профессор-ўқитувчининг хатти-ҳаракатларини қандай тушунишларини намоён этишди. Талабалар гуруҳдаги турли стрессли вазиятлар, ўқитувчининг “қаттиқ ва юмшоқ” талабларига муносабат бўйича катта қизиқиш билан ўз нуктаи назарларини баён этишди. Мазкур вазиятлар бундан ташқари “қайта алоқа” функциясини ҳам бажарди. Ўқитувчиларнинг маънавий қўллаб-қувватлаши, дўқ-пўписаси, талабаларни “хурсанд қилмайдиган” чоралар, “эътибор қилинмаган” ҳақорат, “холис маслаҳатлар”, “гуруҳ ичидаги ғийбатлар”га ўз нуктаи назарларини билдиришди.

“Воқеликни баён этиш” вазиятида талабалар ҳаётида сезиларли из қолдирган, “уларнинг тақдирига таъсир кўрсатадиган” ва ўзига хос йўналиш ёки уларнинг ҳаракатлари, фикрларини йўналтириб турувчи жиҳатни акс эттирган воқеликларга алоҳида эътибор қаратилди. Муҳокама жараёнида талабаларнинг шахсий ҳаётида муҳим ўрин тутган кўплаб қизиқарли ҳолатлар аниқланди, ҳаётий қадриятлари, бошқа кишилар билан муносабатлари, ўзаро биргаликдаги фаолият усулларини қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш имкониятига эга бўлишди.



Воқеликларни баён этиш билан бирга талабалар параллел равишда сабаб-оқибат алоқадорликларни таҳлил этишди, истиқболли йўналишларни қайд этишди, ҳаётидаги аниқ воқеликларнинг аҳамияти ва келгусидаги режалари ўртасидаги боғлиқликни ҳосил қилишди. Албатта, талабалар ҳамма вақт ҳам бундай боғлиқликни ўрнатишга муваффақ бўлишмади, бироқ кўпчилик вазият иштирокчилари уларнинг бошқа кишиларни идрок этиши, тушунишига таъсир кўрсатган ҳолатларни таҳлил этишди.

“Сухбатдошни тинглаш” вазиятлари унга алоҳида эътибор қаратишни талаб этди. Мазкур вазиятлар турли фанларни ўқитиш жараёнида яратилди, шунинг учун талабаларга сухбатдошини тинглаб, мазкур жараённинг ўзига хосликларини қуйидаги параметрлар бўйича қайд этиш таклиф этилди: “Қандай ички ва ташқи омиллар сухбат жараёнида сизни чалғитди?”; “Эшитганларингиз орасидан нима сизни ўзига жалб этди?”; “Орага гап қўшмасликни урдасидан чингдизми?”; “Бирор бир усул билан маълумотга қизиқишни уйғотишга муваффақ бўлдингизми?” Мазкур вазиятни машғулотлар жараёнида амалга ошириш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилди: гуруҳ иккига ажратилди, биринчи қисми ўзи учун қизиқарли бирор бир мавзуда маълумот тайёрлашди, иккинчи гуруҳ эса, маълумотларни тинглашга жалб қилинди (жуфтликларда ишлаш). Кейин улар ролларни алмашинишди. Мазкур вазиятлар ниҳоясида иштирокчиларнинг ҳар бири юқорида қайд этилган кўрсаткичлар бўйича сухбатдошини тинглаш ҳолатига ўз муносабатини билдиришди. Кўпроқ талабалар “Педагогик маҳорат”, “Ижтимоий психология” фанларидаги “Педагогик имиж”, “Педагогик такт”, “Стресс: сабаблари ва оқибатлари” каби мавзуларни танлашди.

Субъектга доир гуруҳ ҳам ўзида ҳар блокка (ўз-ўзини идрок этиш, ўзининг маънавий ривожланиш даражасини тушуниш, шахсий тажрибани таҳлил этиш вазиятлари) 9 та турдаги вазиятларни ўз ичига қамраб олди. Мазкур гуруҳга тааллуқли вазиятлардан ўқитувчиларнинг танловига кўра, у ёки бу машғулотларда фойдаланилди. Ушбу вазиятларнинг моҳияти шундаки, мулоқотнинг ижтимоий-прецептив услуби детерминант (етақчи омил) сифатида талабалар ўз-ўзини, ўзининг имкониятлари, истаклари, хоҳишлари, мавжуд тажрибасини чуқур англашига хизмат қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари субъектга доир вазиятларнинг ҳар бири бир-биридан алоҳида жиҳатга эга. Мазкур вазиятларнинг ўзига хосликларини қуйида баён этиб ўтамыз.

“Мароқли саёҳат” ситуациянинг номланиши ўзида асосий маъно акс этган – ўзаро биргаликдаги ҳаракат, ўз-ўзи билан диалогга киришиш. Мазкур вазият турли шаклларда амалга оширилди. Масалан, “Шахс психологияси” бўйича машғулотларда мустақил ишлар (“Болаликка саёҳат”, “Ўзи ҳақида эртақ”, “Менинг туйғуларим рангларда” каби расмлар тўплами) билан боғлиқ вазиятлар қўлланилди. Жумладан, талабаларга маънавий-ахлоқий эртақ тузиш таклиф этилди. Эртақ мазмунига кўра ҳақиқий ижод намунаси бўлиши ва ўзида мутлақ турмуш қадриятлари – Севги, Ҳақиқат ва Гўзалликни акс эттириши кераклиги тушунтирилди. Эртақларни турли жанрлар, халқона ва янги анъаналар ва ҳатто “модерн” услубда ёзиш таклиф этилди. Бунда

қахрамонларнинг (сеҳрли тимсоллар, бахт куши, доно хонимлар, ишбилармон аёллар) хаёлий образлари (кучли, жасур, кўркмас, мулойим ва меҳрибон) ҳам иштирок этди. Улар ўз йўлида қатор тўсиқларни енгиб ўтиб ёмонликлар, “бутун дунёни сув босиши” билан курашишди, ёввойилар, ёмон рухлар, “галактикани босиб олишга уринганлар”, ўғри-хакерлар устидан ғалаба қозонишди, кишиларга ёруғлик, ишонч, умид, муҳаббат, ҳақиқат ва адолат ҳадея этишди. Табиийки, бу қахрамонларнинг ҳаммаси ҳам талабаларда ўз-ўзида пайдо бўлмади. Талабалар уларнинг шахсий оламини ўрганишди ва унинг ҳолатини эртақда тўлиқ онгли равишда акс эттирди, қаердадир яхшилик ёмонликка қарши курашди, қаердадир қахрамонлик ва сотқинлик бор. Эртақнинг ҳар бир қахрамони ўзининг характери, ютуқ ва камчиликлари аниқ бир инсоннинг шахс сифатидаги хусусиятларини ифода этди.

“Ҳаётдан лавҳалар” вазияти ҳам ижодий тусга эга бўлди: талабаларга ҳаётдаги мавжуд муаммоларни: ёлғизлик, мулоқотнинг чекланганлиги, шахслараро қарама-қаршилик, ижтимоий очиклик, социумга сингиб кетиш, ўзидан кўрқиш, ўзини ўзи қабул қилмаслик, ўзидан хафа бўлиш, айтган гаплари, қилган ишларидан (ёки айтмаган, қилмаган) афсус қилиш, ўзининг кучига ишонмаслик, ўз-ўзига ишончни намоён этиш, ўз-ўзига ҳурмат ва бошқалар. Талабаларнинг вазифаси танишлари орасидан мазкур хусусиятларга мос келадиганларини аниқлаш ва кейин мазкур параметрлар бўйича ўзини таққослаб баён этишдан иборат бўлди. Мазкур вазиятларни амалга оширишда ўқитувчи алоҳида роль ўйнади, қайсики, шахснинг ички олами алоҳида такт ва инсонни шахс ривожининг барча ўзига хосликлари билан қабул қилиш, ишонч муҳитини яратиш ва чуқур мулоқотга киришиш, ҳаракатларнинг аниқлигини талаб этади. Шунинг учун мазкур вазиятлар кўп жиҳатдан педагогика ва психология фанлари ўқитувчиларига мўлжалланган бўлиб, талабанинг ички оламига таъсир кўрсатишнинг фасилитацион усули сифатида фойдаланишди.

“Ўз-ўзини намоён этиш” вазияти хаёлот, образларни қуришда ностандарт усулларни юзага келтириб, ўзаро биргаликдаги ҳаракат жараёнида “шахсий муваффақиятга эришиш”нинг асосий “сирлари” ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиш имконини берди. Унинг моҳияти шундан иборат бўлдики, бутун семестр давомида ўқув иши ташкил этилди (масалан, “Умумий педагогика”, “Умумий психология”, “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Психология назарияси ва тарихи”, “Тарбиявий ишлар методикаси”, “Ижтимоий педагогика” фанлари бўйича амалий машғулотлар ҳар бир талаба ўзини бектакрор қиёфаларда тасаввур қилиш имконига эга бўлди: сиёсий – президент, таълим вазири, депутат; ижтимоий – ота-она, бола, оиланинг яқин дўсти, устоз; касбий – директор, меҳнат ва бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари, ходимлар бўлими бошлиғи, психолог, ижтимоий иш ходими, банк бошқарувчиси ва ҳақозо). Ўз-ўзини намоён этиш “Озодлик майдони”, “Спик-парк”, қонунчилик палатаси мажлисларида нутқ сўзлаш, ишга жойлашиш, интервью бериш каби шаклларда амалга оширилди.

“Ўз-ўзини ташхис этиш” туридаги вазиятлар доирасида куйидаги шкалаларни ўз ичига олган қатор методикалардан фойдаланилди: Фейянинг “Бошқаларни қабул қилиш шкаласи”; Куа-Медлейнинг “Душманлик шкаласи”; Кэмпбеллнинг “Олийжаноблик шкаласи”; Розенбергнинг “Ишонч шкаласи”; Бантнинг “Манипулятив муносабат шкаласи”<sup>119</sup>. Мазкур методикалар куйидаги курсларда фойдаланилди: “Психодиагностика ва экспериментал психология”, “Мулоқот психологияси”, “Шахс психологияси”. Бироқ мазкур методикалардан бошқа педагогик-психологик фанларни ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин. Талабаларнинг мустақил ишларидан сўнг уларнинг талабига биноан маслаҳат ўтказилди. Шунини қайд этиб ўтиш лозимки, талабалар ушбу топшириқни бажаришга катта эътибор қаратишди ҳамда ўз-ўзини ташхис этиш натижалари кенгайтирилган тарзда таҳлил қилинишини илтимос қилишди.

Навбатдаги “Шахсий танлов” вазиятида аввалгиларидан фарқли равишда ўқув ва малакавий педагогик амалиёт жараёнида амалиётчи-талабаларга ўз “ўқувчилари”нинг шахсий муаммоларини тадқиқ этиш мақсадида саволларга (эркин танлов ва жавобгарлик, ҳаёт мазмунини, “Мен кимман?”, “Бу дунёда нима бор?”) жавоб излаш таклиф этилди. Мазкур вазиятлар талабаларга “мулоқотнинг экзистенциал (қандай бўлса, шундай мавжуд) архитектоникасига йўналганлик”ни ўргатиш учун зарур бўлди. Чунки фақат бошқа инсоннинг нозик туйғуларини диққат билан кузатиб ижтимоий-перцептив мулоқотга қобилятлиликни ривожлантириш мумкин. Бунинг учун талабаар амалий машғулотларда экзистенциал тадқиқотларни амалга оширишга имкон берувчи тугалланмаган гаплар тўпланини ишлаб чиқишди.

Кўплаб таклиф қилинган саволлар орасидан муҳокама жараёнида куйидагилар танлаб олинди:

1. Мен эркинликни ҳис қиламан, агар...
2. Жавобгарликни бошқаларга юклайман, агар...
3. Қуйидаги вазиятларда ўзимнинг кучимга ишончсизлик сезаман:
4. Мен миннатдор бўламан, агар бошқа одамлар...
5. Мен кучли оғриқ ва айбдорликни ҳис қиламан, қачонки...
6. Менинг ўйлашимча, ҳаёт...
7. Мен чуқур миннатдорликни ҳис қиламан, агар...
8. Мен ўзимни ноқулай ҳис қиламан, агар...
9. Мен фақат кишиларга ишонаман, қайсики...
10. Мен ҳамма вақт ўзим ҳақимда ўйлайман, ҳам...

Талабалар жуда қизиқарли тадқиқотлар ўтказишди ва уларнинг натижалари тезис сифатида “Академик Сиддиқ Ражабов ўқишлари” анъанавий илмий-амалий анжумани материаллари тўпламида чоп этилди.

“Мавжуд ҳолатни англаш самараси” вазиятларини ташкил этиш учун талабалар ўзларига шерик танлашди ва бир-бири билан суҳбат қуришди.

<sup>119</sup> Лабунская В.А, Менджерцкая Ю.А., Бреус Е.Д. Психология затрудненного общения: Теория. Методы. Диагностика. Коррекция. – М.: Академия, 2001. – 288 с.

Кейин аниқ хатти-ҳаракатларга эътибор қаратиш орқали бошқа одамнинг номидан унинг ҳаётидаги айрим воқеаларни гапириб беришди. Шунинг учун ким ҳақида гап бораётганлигини тинглаётган талаба “ҳикоя қаҳрамони” ўрнини, “ҳикоя қилувчи” уни тасаввур қилган ҳолда унинг ролини эгаллади. Ҳикояда “қаҳрамонлар” учун кизиқарли мавзулар киритилди: уларнинг кизиқишлари, тасаввурлари, оиласи, уй ҳайвонлари кабилар. Талабалар ҳикояларини тугатганларидан сўнг қуйидагилар аниқланди: қачонки, шахсан ўзлари ҳақида юритилса, уларнинг ҳаётида бўлиб ўтган бирор бир воқеа айтмай ўтиб кетилиши ёки аниқ талқин қилинмаслигидан эмоционал зўриқиш, ҳиссий ҳаяжонга тушишади. Бу ҳақида уларнинг юзи, мимикасида акс этган ўзгаришлар, “қўшилиш истаги”, тўлдириш, ҳикояда бошқа кўшимчалар киритиш кабилан гувоҳлик беради. Кўпчилик ўқитувчиларнинг фикрича, мазкур вазиятлардан “Ижтимоий психология”, “Мулоқот психологияси”, “Шахс психологияси” фанларида кенг фойдаланиш мумкин.

Талабаларни шахсий тажрибани таҳлил этиш вазиятларига (“Мен сизни яхши тушунаман”, “Мен: кеча ва бугун”, “Видеотасвир: ишбоп мулоқот”) жалб этиш уларнинг субъект сифатида ҳаётий тажрибасини долзарб ўринга қўйиш имконини берди. “Мен сизни яхши тушунаман” вазияти ўйинли тавсифга эга бўлди. Талабалар жуфтликларга бўлиниб, савол-муаммоларни шакллантиришда ва уни “колл-центр” хизматида тақдим этишди. “Колл-центр” хизматида “фаолият юритаётган” талабалар саволларни умумлаштириб, “жонли эфир” тайёрлашди ёки саволларга тезкор жавоб беришди. “Колл-центр” хизмати давомида ҳам шахсий, ҳам ўқув жараёни билан боғлиқ кўплаб саволлар муҳокама қилинди. Мазкур вазиятларда талабаларнинг бевосита кўз ўнгида гавдаланган реал шахсий муаммолар бўйича жонли мулоқот юзага келди: талаба вақтнинг чегараланганлигига қарамай, ўзининг курсдошининг саволига жавоб берди, бундай мулоқот кейинчалик бошқа кишининг хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш ва тушуниш учун бой материал бўлиб хизмат қилди. Талабалар мазкур монологни етарлича маҳорат билан ижро этишди, улар фалсафа, психология, педагогика, социология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлардан етарлича билимлардан фойдаланишганлигини ҳис қилишди.

“Мен: кеча ва бугун” вазиятларининг бош ғояси талабаларга “Ўзини Бошқа киши сифатида” қабул қилишни амалга оширишга доир турли ёндашувларни аниқлаш ва белгилаш таклиф этилганида ўз ифодасини топди.

Вазиятлар мазмуни: талабалар ўзидаги ўзгаришларни излаш мақсадида уч ҳафта давомида ўзларини университетда машғулотларда, уйда, транспортда, курсдошлари, дўстлари, яқинлари билан мулоқот жараёнида кузатиб боришди. Мазкур вазиятларнинг муҳим элементи ўзини тинглаш, кўриш, ҳис қилиш ҳамда когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор соҳаларидаги ўзгаришларни таҳлил қилишда акс этди. Уларга самарали мулоқотни таъминлайдиган мақбул ички ҳолатга эътибор қаратиш таклиф этилди. Талабалар ўз кузатишларини эркин шаклда махсус ишлаб чиқилган жадвалда қайд этиб боришди. Ана шундай кузатиш варағидан лавҳа 2.3.2-жадвалда келтириб ўтилган.

## Шахсий ривождаги ўзгаришларни кузатиб бориш кундалиги

Сана	Шахс ривож соҳалари			Кузатиш жойи
	Когнитив	Эмоционал	Хулқ-атворга доир	
06.10.2020	Мен бугун умуман маърузани тинглай олмадим, миямда турли фикрлар айланди: ўзимни кулгили одамлар югуриб юрган компьютер экрани сифатида ҳис қилдим; ота-онамнинг ўғитлари ёдимга тушди; қачон ҳаммаси тугашини жуда интиқлик билан кутдим. Мен ўйлаган нарсалар шунчалик муҳимми?!	Кайфиятим ёмон эди: ҳамма нарса кўрқинчли ва чидаб бўлмас эди	Кўзимни юмиб олишни хоҳладим: юмдим, бутун вужудимни энгиллик чулғаб олди	Таълимда ахборот технологиялари фанидан маъруза машғулоти
13.06.2020	Ёш ўғил-қизларнинг телефонга жуда қарам бўлиб қолаётганлиги, бирга ўтириб, умуман бир-бирини тингламаётганлиги, бугун ҳамма “Тугл амакининг болалари” эканлигини англадим	Хафагарчилик, ғазаб, уят ва завқни ҳис қилмадим. Жуда хотиржам бўлдим.	Маза қилиб суҳбатлашиб ўтирдик, кетишни хоҳламадик	Хиёбонда сайр қилиш пайти

Турли фан ўқитувчиларининг фикрича, мазкур вазиятлар “Умумий педагогика” фанида “Маънавий-ахлоқий тарбия” мавзусини, “Мулоқот психологияси” фанида “Хулқ-атворнинг бузғунчи моделлари”, “Ижтимоий психология” фанида “Мен концепцияси шахс ижтимоий ривож натижаси сифатида” мавзуларини ўрганишда кўпроқ яхши самара беради. Чунки мазкур вазиятларни таҳлил этиш воситасида талабаларнинг хулқ-атворнинг конструктив (мулоқотда очиклик, самимийлик, мослашувчанлик) моделини танлаш имкониятини англаши, жавобгарликни ўз зиммасига олиш, нохуш ҳаёл, фикрлардан ўзини тийиш ва ўзидаги ижобий ўзгаришларни кўра олишга имкон яратилади.

Шартли равишда “Видеотасвир: ишбоп мулоқот” деб номланган вазиятлардан ўқув ва аудиториядан ташқари (давра суҳбати, учрашув, конференция, тренинг ва ҳ.к.) барча машғулотларда фойдаланилди. Уларнинг моҳияти талабалар ўз шахсиятига диққатни жамлай олиш, ўз-ўзини кузатиш, ҳаётдаги ўрни, ҳаётий мақсадни такомиллаштиришдан иборат этиб белгиланди. Чунки шахсий моҳиятни англаш орқали талаба ўзининг ҳаёт йўли, келгуси режаларини шакллантиради. Талабалар у ёки бу шахсий ҳаракатлари, ишбоп мулоқот жараёнидаги воқеалар, муносабат, нуқтаи назарларни таҳлил этиши учун бир қанча ўхшаш вазиятлар яратилди. Шунингдек, улар ижтимоий-перцептив тажриба, информацион-маънавий

компетентликни бойитишга имкон бривчи видеотасвирли-вазиятларнинг аҳамияти тўғрисида ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишди.

Талабалар ўзларининг энг яхши маънавий сифатлари (эътиборлилик, ғамхўрлик, масъулият, яхшилик, ишонч, қувонч ва бошқалар) ифода этилган “Ўзликни англаш” номли видеотасвирларни катта қизиқиш билан қабул қилишди. Айрим талабалар ҳайратланишди, бошқалари бир оз тушкун кайфиятга тушишди – ўз-ўзини ёқтирмай кетди, яна ўзгалари ўзини “ҳимоя”лашга ҳаракат қилишди.

Мазкур босқичда ўтказилган таълимий тажриба-синов ишларининг яхлит таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Талабаларда мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини фаоллаштирувчи вазиятларни яратиш билан боғлиқ иккинчи ижтимоий-педагогик шарт-шароит амалга оширилди.

2. Мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини фаоллаштирувчи шартли номдаги объект ва субъектга доир идрок этиш ва ўз-ўзини идрок этиш, тушуниш ҳамда ўзининг маънавий ривожланиш даражасини тушуниш, фаолиятни ва шахсий тажрибани таҳлил этишга доир вазиятлар яратилди. Мазкур ҳолат талабаларнинг вазиятларни таҳлил этиш, баҳолаш, маънавий кадриятлар нуқтаи назаридан ахборотга йўналганлик, ностандарт қарорлар қабул қилиш, маънавий-ахлоқий муаммолар ҳақида фикр юритиш қобилиятларини ривожлантириш имконини берди.

## ХУЛОСА

1. Илмий-педагогик адабиётларда “маънавий компетентлик” атамаси алоҳида қайд этиб ўтилмайди. Бироқ тадқиқот предмети билан боғлиқликда “маънавий компетентлик” тушунчасининг моҳиятини ҳам аниқлаштириш зарур, деган хулосага келинди. Муаммо ечимига жавобни таянч компетенцияларни таҳлил этиш орқали аниқлаш мумкин, деган фараз илгари сурилди ва ўз тасдиғини топди.

2. Маънавий компетентликнинг компетенциявий ёндашув тизимидаги ўрнини аниқлаш мақсадида ўтказилган илмий адабиётлар таҳлили ижтимоий ҳамда маънавий-ахлоқий кадриятлар, дунё билан ўзаро уйғун муносабатларга эришиш, кадрият ва меъёрларнинг турли тизимлари ички бирлигини англаш учун инсоннинг ўз маънавий оламини ривожлантириши ва амалга ошириши каби ўзига хос белгиларга эга кадриятли-дунёкарашга доир субкомпетентлик сифатида талқин қилинди.

3. Маънавий компетентлик шахс интегратив хусусияти сифатида ўзида маънавий билимдонлик, маънавий кадриятлар тизимида ўз ўрнини аниқлаш имконияти ва ҳаётий вазиятларнинг кенг кўламида маънавий етукликни намоён қилиш қобилиятини бирлаштиради. Мазкур компетентликнинг асосий функцияларига қуйидагилар киради: аксиологик, йўналтирувчи ва бошқарувчи. Маънавий компетентликни ривожлантириш тузилмаси мақсадга мувофиқ равишда қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: таништирув-таҳлилий, кадриятли-йўналтирувчи, рефлексив-фаолиятга доир.

4. Маънавий компетентликни ривожлантириш жараёни учта ўзаро бир-бири билан боғлиқ босқичларни амалга оширишни талаб этади: маънавий соҳага доир билимларни кенгайтириш; маънавий кадриятларга йўналганлик; шахсий маънавий кадриятлар асосида фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш.

5. Талабанинг маънавий компетентлигини ривожлантириш барқарор, мустақил ва яхлит ҳодиса сифатида мазкур феномен олий таълим муассасаси ўқув-тарбия, педагогик-психологик фанларни ўрганиш жараёнида қисман акс этганлигини кўрсатади. Бу эса, унга қизиқишнинг мавжуд эмаслиги, шунчалик ноаниқлик доирасида уни ўрганишнинг мураккаблиги ҳақида гувоҳлик беради.

6. Шахснинг маънавий ривожланиш соҳаси доирасида субъект, шахс ва индивидуаллик сифатида талабаларнинг ёш тавсифи бир томондан, унинг маънавий камолотида педагогик-психологик фанларнинг ўрни ва роли ҳамда иккинчи томондан, талабалик йиллари ўз-ўзини намоён этишда акс этадиган фаол ахлоқий танлов даври эканлигини кўрсатди.

7. Замоनावий олий таълимнинг муҳим мақсади ўз мамлакатининг маънавий ва маданий анъаналари кадрият сифатида қабул қилувчи юксак ахлоқли, компетент, ижодий, ижтимоий-масъулиятли шахсни тарбиялашда акс этади. Замоनावий мутахассис нафақат касбий, балки умумий маданиятнинг муайян даражасини эгаллаган бўлиши лозим: маънавий-ахлоқий, эстетик, экологик, сиёсий, иқтисодий ва ҳ.к.

8. Умуммаданий ва касбий компетенциялар мазмунини ёритиб бериш ҳамда уларнинг маънавий-ахлоқий тарбия муаммоси билан бевосита ўзаро алоқадорлигини таҳлил этиш асосида “маънавий компетентлик” тушунчаси социумда қабул қилинган маънавий-ахлоқий установкалар ва кадриятли-мотивацион тасаввурлар асосида аждоқларнинг маънавий тажрибаси, инсоннинг ижтимоий ва касбий жиҳатдан мақсадга мувофиқ хулқ-атворини таъминлайдиган шахснинг интеграл хусусияти сифатида талқин қилинди.

9. Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандартидаги умуммаданий ва касбий компетенцияларни таҳлил қилиш, назарий-методологик таҳлилларга таянган

ҳолда талабаларнинг маънавий компетентлигини ривожлантиришнинг тузилмали модели ишлаб чиқилди.

10. Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи уч йўналишини ажратиб кўрсатишга асосланди. Биринчи йўналиш – педагогик-психологик фанларнинг аксиологик асосларини кенг оммалаштириш; иккинчи – талабалар ўқув фаолиятини маънавий-ахлоқий тавсифдаги маълумотлар билан бойитиш; учинчи – аввалги икки босқични тадбиқ этиш бўйича ўқитувчининг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш.

11. Педагогик-психологик фанларни ўқитиш билан боғлиқ тажриба-синов ишларида таълим-тарбия мазмунини бойитиш икки босқичда амалга оширилди: биринчи– “горизонтал”, иккинчиси – “вертикал”.

12. Биринчи босқич – “горизонтал бойитиш” анъанавий ўқув режасини танлов фанлари асосида такомиллаштиришдан иборат бўлди. Бундай курсларнинг турли-туман бўлиши ва ўқув режасидаги танлов фанлари компонентга ажратилган вақт ҳисобидан ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилди. Таълим жараёнини “горизонтал бойитиш”нинг қўшимча йўли сифатида мустақил таълим учун ажратилган соатлар ҳисобидан вебинар мини-курслар ташкил этилди.

13. Иккинчи босқич – “вертикал бойитиш” бўлиб, у қуйидагилар орқали таълимнинг жадаллигининг таъминланишига хизмат қилди: ўқув материали ва унинг маънавий негизларини чуқурлаштириш; махсус ишлаб чиқилган алгоритм бўйича ўрганиш фаолиятини амалга ошириш; ўрганилаётган мавзунини ахлоқий тавсифдаги реал далиллар билан бойитиш; замонавий ёшларнинг ахлоқий муаммоларини чуқур таҳлил қилишга қаратилган таълим модулини белгилаш; талабаларни интеллектуал ташаббусга йўналтириш; мустақиллик, мустақил таълим; ахборот муҳитини бойитиш – вақт, воситалар, материаллар, турли ўқитиш шаклларида унумли фойдаланиш.

14. Педагогик-психологик фанларнинг аксиологик салоҳиятини махсус алгоритм асосида амалга ошириш бўйича фаолиятни ташкил этиш режалаштирилди, у мазкур фанларнинг аксиологик салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг педагогик механизмини ўзида акс эттирди. Биз томонимиздан таклиф этилган алгоритм машғулотларда диалог, полилог вазиятларни ташкил этишга имкон берди. Талабалар алоҳида қизиқиш билан ўрганилаётган мавзуларнинг мазмуни, унинг маънавий асослар билан бойитилганлиги устида фикр юритишди.

15. Мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубининг намоён бўлишини аниқ акс эттириш учун унинг кўрсаткичлари ва тавсифи аниқлаштирилди. Ўз-ўзини ва бошқаларни идрок этиш ва баҳолашнинг барқарор усули сифатидаги ижтимоий-перцептив услуб тушунчасини аниқлаштириш орқали унинг кўрсаткичлари аниқлаштирилди: мазмунга доир, йўналтирувчи, фаолиятга доир ҳамда талабанинг мустақил равишда ўзининг ижтимоий-перцептив услубини баҳолаш бўйича кичик (мини) диагностик методика ишлаб чиқилди.

16. Талабанинг ижтимоий-перцептив услуби тавсифини аниқлаш натижасида ва қатор тамойилларга мувофиқ вазиятлар тизимлаштирилди (объект ва сусбъетга доир) ҳамда гуруҳлаштирилди (маънавий ҳаётни идрок этиш, тушуниш, фаолият ва хулқ-атворни таҳлил этишга доир вазиятлар; ўз-ўзини идрок этиш, ўзининг маънавий камолот даражасини тушуниш, шахсий тажрибасини таҳлил этишга доир вазиятлар).



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.(23.09.2020) // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020., 03/20/637/1313 – сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 3151– сонли Қарори [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ги 3775 – сон Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.06.2018й., 07/18/3775/1313.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ – 5847 – сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887 – сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ПҚ – 4307 – сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2019 й., 07/19/4307/3079 – сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори 1-илоvasи. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 06/20/6108/1483-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 27 март, № 62 (7842).
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон Қарори. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда.
10. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи // "Халқ сўзи", 2017 йил 20 сентябрь.
11. Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори 1-илоvasи. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.01.2020 й., 09/20/1059/4265-сон.
12. Янги Ўзбекистон: кучли иқтисодиёт ва кучли маънавият. / “Янги

Ўзбекистон” газетаси. № 24 (280), 2021 йил 3 февраль,

13. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б. – Б.81.

14. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б. – Б.19-20.

15. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б. – Б.22-23.

## **II. Диссертация, автореферат, монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

16. Абрамова Г. С. Психология только для студентов: Учебное пособие для вузов. – М.: ПЕР СЭ, 2001. – 271 с.

17. Абрамова Г.С. Психология только для студентов: Учебное пособие для вузов. – М.: ПЕР СЭ, 2001. – 271 с.

18. Абульханова – Славская К.А. Стратегия жизни. – М.:Мысль, 1991. – С.29.

19. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 190 б.

20. Азимова Н.Э. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини маънавий-ахлоқий тарбиялаш технологияси: пед.фан.ном. ... дис. Автореф. – Т., 2012. – 23 б.

21. Аксенова П.Ю. Адаптация курсантов образовательных организаций ФСИН России к учебной деятельности. – Москва: Проспект, 2017. – 160 с.

22. Асмолов А.Г. Психология личности: принципы общепсихологического анализа. – М.: Смысл, 2001. – 416 с.

23. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: ЛГУ, 1999. – С.154-162.

24. Anderson K.R. and R. D. Reese (1999). Spiritual Mentoring: A Guide for Seeking and Giving Direction. Downers Grove, IL, InterVarsity Press.

25. Anthony M. J., Ed. (2006). Perspectives on Children's Spiritual Formation. Nashville, TN, B&H Academic.

26. Ault N. (2005). "Envisioning a System-based Spirituality for Lifelong and Sustainable Christian Education" Colloquium: The Australian and New Zealand Theological Review 37(1): 45-67.

27. Байденко В. И. Выявление состава компетенций выпускников вузов как необходимый этап проектирования ГОС ВПО нового поколения: методическое пособие. М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2006. – 72 с.

28. Беляева В.А. Теория и практика духовно-нравственного становления и развития учителя в советской и православной педагогической культуре: Автореф. дис... дра пед. наук. – М., 1999. – 28 с.

29. Бим-Бад Б.М. Педагогическая антропология: Учеб. пособие./Авт.-сост. Б. М. Бим-Бад. М.: Изд-во УРАО. 1998. – 575 с.

30. Братченко С.Л. Экзистенциальная психология глубинного общения: уроки Джеймса Бюджентала. – М.: Смысл, 2001. – 197 с.

31. Valerie Lesniak. An Integrative Model of Spiritual Formation: A Work Always in Process. // Reflective Practice: Formation and Supervision in Ministry ISSN 2325-2855 © Copyright 2013 Reflective Practice: Formation and Supervision in Ministry All rights reserved.

32. Давлетшин М.Г. Танланган илмий ишлар тўплами. –Т., 2008. – 81 б.

33. Делор Ж. Образование: сокрытое сокровище. – М., 1996. – 116 с.
34. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 90 б.
35. Жалолов А. Ҳаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти. // ж. Мулоқот. – №1997. – 5-сон. – Б.15.
36. Жданова С. Ю. Стиль учебной деятельности и его развитие: На материале исследования студентов-филологов и математиков: автореферат дис. ... кандидата психологических наук. – Пермь, 1997. – 24 с..
37. Железняк О.Н. О принятии в Японии нового основного Закона об образовании. – Владивосток: Изд-во института Дальнего Востока РАН, 2009. – 240 с.
38. Зеер Э.Ф. Компетентностный подход к модернизации профессионального образования / Э.Ф. Зеер, Э. Сыманюк // Высшее образование в России. – 2005. – № 4. – С. 25-28.
39. Зеер Э.Ф. Модернизация профессионального образования: компетентностный подход / Э.Ф. Зеер, А.М. Павлова, Э.Э. Сыманюк. – М.: МПСИ, 2005. – 180 с.
40. Зимняя И.А, Ключевые компетентности как регулятивно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. – М., 2004. – 40 с.
41. Иброҳимов А. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 190 б.
42. Игнатова В.В. Педагогические факторы духовно-творческого становления личности в образовательном процессе: Монография. – Красноярск: СибГТУ, 2000. – 272 с.
43. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 104 б.
44. Калягина Е.А. Особенности отношения к сверстнику у популярных и непопулярных дошкольников: дисс. ... канд. психол. наук. – М., 2008. – 178 с.
45. Киселевская Н.А. Стили саморегуляции учебной деятельности и их формирование у студентов вуза. – Иркутск: ВСГАО, 2013. – 124 с.
46. Клыкова Л.А. Развитие художественно-эстетической компетенции студентов хореографических специальностей: дисс. ... канд. пед. наук. – Челябинск, 2009. – 212 с.
47. Колесникова И.А. Педагогическая реальность: опыт межпарадигмальной рефлексии. Курс лекций по философии педагогики. – СПб.: «ДЕТСТВО -ПРЕСС», 2001. – 288 с.
48. Компетентностный подход в высшем профессиональном образовании // А. А. Орлова, В.В. Грачева. – М.: ДиректМедиа, 2014. – 377 с.
49. Кулагина И.Ю. Возрастная психология – М.: ТЦ Сфера, Юрайт, 2017. – 325 с.
50. Куницына В.Н. Социальная компетентность и социальный интеллект: структура, функции, взаимоотношение // Теоретические и прикладные вопросы психологии / Под ред. А. А. Крылова. – СПб.: 1995. – С. 48-59.
51. Лабунская В.А., Менджеричкая Ю.А., Бреус Е.Д. Психология затрудненного общения: Теория. Методы. Диагностика. Коррекция. – М.: Академия, 2001. – 288 с.
52. L'UNESCO et les villes partenaires, Publié par l'UNESCO, édition 2008. – 23 p.
53. Лихачев Б.Т. Педагогика. Курс лекций. – М.: Юрайт-Издат, 2003. – 607 с.
54. Макаревич М. А. Ценность // Российская социологическая энциклопедия /

Под общ. ред. Акад РАН Г.В. Осипова. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1998. – 672 с.

55. Максакова В.И. Педагогическая антропология: Учеб. пособ. для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Академия, 2001. – 208 с.

56. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳпи луғати. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 760 б.

57. Митяева А.М. Развитие индивидуальных стилей учебной деятельности студентов в вузе. – Орел: Картуш, 2015. – 175 с.

58. Муслимов Н.А., Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2013. – 160 б.

59. Мусурмонова О. “Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги” модулининг ўқув-услугий мажмуаси. – Т.: БИММ, 2015. – 288 б.

60. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ...дисс. – Т., 1993. – 364 б. – Б.48.

61. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2000. – 320 б.

62. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати. (А. Жалолов ва Қ.Хонназаров умумий таҳририда). – Т.: Шарқ, 1998. – 320 б.

63. Назаров Қ. Аксиология (Қадриятлар фалсафаси). – Т.: Академия, 2011. – 280 б.

64. Нижегородцева Н.В. Проблемы системогенеза учебной деятельности. – Ярославль: Изд-во ЯГПУ, 2016. – 420 с.

65. Олимов Ш.Ш. Касб-хунар коллежи ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялаш назарияси ва амалиёти: пед. фан. док. ... дисс. Автореф. – Т., 2012. – 32 б.

66. Отамуротов С. Отамуротов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 243 б.

67. Парыгин Б.Д. Социальная психология. Проблемы методологии, истории и теории. – СПб: ИГУП, 1999. – 592 с.

68. Педагогический энциклопедический словарь. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2003. – 720 с.

69. Подласый И. П. Педагогика: 100 вопросов – 100 ответов. – М.: ВЛАДОС-пресс, 2004. – 368 с.

70. Полонский В.М. Словарь по образованию и педагогике. – М., 2004. – 512 с.

71. 110000 – Педагогика таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти. – Тошкент, 2020. – 29 б.

72. Равен Дж. Компетентность в современном обществе. Выявление, развитие и реализация. – М., 2002. – 280 с.

73. Развитие образования в европейских странах в условиях глобализации и интеграционных процессов: Сборник научных трудов. – М.: ФГНУ ИТИП РАО, Издательский Центр ИЭТ, 2013. – 448 с.

74. Сагиев Р.Р. Индивидуально-стилевые особенности саморегуляции в учебной деятельности студентов: дисс. ... канд. псих. наук. – Москва, 2013. – 177 с.

75. Сагиев Р.Р. Индивидуально-стилевые особенности саморегуляции в учебной деятельности студентов: диссертация ... кандидата психологических наук. – Москва, 2013. – 177 с.

76. Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш:

педагогика фанлари бўйича фан доктори. ...дисс. – Т., 2017. – 243 б.

77. Сафарова Р., Юсупова Ф. ва б. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини кенгайтиришга йўналтирилган ўқув вазиятларини лойиҳалашнинг назарий-амалий асослари. – Т. Фан ва технология нашриёти, 2012. – 118 б.

78. Селиванов В.С. Основы общей педагогики: теория и методика. М.: Академия, 2002. – 420 с.

79. Селевко Г.К. Компетентности и их классификация. URL: <http://matem.uspu/i/inst/math/subjects>.

80. Системогенез учебной и профессиональной деятельности: сборник научных трудов IV Всероссийской научно-практической конференции, посвящённой 70-летию В.Д.Шадрикова; под науч. ред. Ю.П.Поваренкова. – Ярославль: ЯГПУ, 2009. – 317 с.

81. Слободчиков В.И., Исаев Е.И. Основы психологической антропологии. Психология развития человека: Развитие субъективной реальности в онтогенезе: Учебное пособие для вузов. – М.: Школьная Пресса, 2000. – 416 с.

82. Слободчиков, В.И., Исаев, Е.И. Психология человека: Введение в психологию субъективности. – М.: Школа-пресс, 1995. – 383 с.

83. Соколовой И.И., Колесникова А.С. Современная зарубежная компаративная педагогика и философия образования. – М.: ФГНУ ИТИП РАО, Издательский Центр ИЭТ, 2013. – 328 с.

84. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. / Пер. с англ. – М.: Политиздат, 1992. – 542 с.

85. Супрунова Л.Л. Компетентностный подход к подготовке выпускников вуза: преимущества и перспективы реализации // Университетские чтения. – Пятигорск, 2008. – С.46-54.

86. Тайлакова Ш.Н. Ўқувчи – ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекурсувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида): педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори. ...дисс. Автореф. – Т., 2018. – 51 б.

87. Тайланова Ш. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида кадрятлар тизимини шакллантириш (“Педагогика тарихи” фани мисолида): педагогика фанлари номзоди. ... дисс. Автореф. – Т., 2012. – 23 б.

88. Тарбия энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – 360 б.

89. Tate D.S. Increasing the retention of American Indian students in professional programs in higher education / D.S.Tate, C.L.Schwartz // Journ. of American Indian Education. – 1993. – Vol. 32. – P. 21-31.

90. Троянская С.Л. Общекультурная компетентность: опыт определения и структурирования // Культурно-историческая психология. – М., 2008. – №2. – С.19-23.

91. Троянская С.Л. Развитие общекультурной компетентности студентов средствами музейной педагогики: (на примере подготовки будущих педагогов). Автореферат диссертации. – Ижевск, 2004. – 20 с.

92. Утанов У.Қ. Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабалар маънавиятини ривожлантириш технологияси. – Т., 2018. – 44 б.

93. Фахрутдинова А.В. Общее и особенное в подходах к гражданскому воспитанию в США, Канаде, Австралии и Великобритании / Фахрутдинова А.В. // Образование и саморазвитие. – 2011. – № 4. – С. 215-220.

94. Howard, P. (2006). "A Psychospiritual Model of Spiritual Formation: A Review of David Benner's Contribution." *Christian Education Journal Series 3*, 3(2): 230-239.
95. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Тошкент, 2016. – 314 б.
96. Ходжаев Б. Педагогик аксиология. Ўқув қўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012. – 165 б.
97. Ходжаев Б. Педагогик аксиология. Ўқув қўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012. – 165 б.
98. Хомский Н. Аспекты теории синтаксиса // Перевод с английского под редакцией и с предисловием В.А. Звегинцева // Изд-во Московского университета, 1998. – 233 с.
99. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы образования / А.В. Хуторской // Народное образование. – 2003. – № 2. – С. 58-64.
100. Хуторской А. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированного образования // Народное образование. – Москва, 2003. - №2. – С.60-64.
101. Хуторской А.В. Практикум по дидактике и современным методикам обучения. – СПб: Питер, 2004. – 541 с.
102. Чўнтакдаги хикматлар – 2. // Тузувчилар: П.Эргашев, Б.Мухаммадиев. – Т.: DAVR PRESS, 2016. – 64 б.
103. Шадриков В.Д. Деятельность и способности. – М., 2004. – 320 с.
104. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. – 156 б.
105. Якиманская И.С. Личностно-ориентированное обучение в современной школе. – М.: Сентябрь, 2000. – 112 с.
106. Қуронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 152 б.

## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗБОШИ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1-§. Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантириш долзарб педагогик муаммо сифатида.....	5
1.2-§. Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари.....	21
<b>II БОБ. ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ</b>	
2.1-§. Умуммаданий компетенциялар асосида талабаларда маънавий компетентликни ривожлантириш модели.....	30
2.2-§. Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришда педагогик-психологик фанларнинг аксиологик имкониятлари.....	42
2.3-§. Талабаларда мулоқотнинг ижтимоий-перцептив услубини фаоллаштирувчи вазиятларни яратиш йўллари.....	56
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>71</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>74</b>

Сарвиноз НОРБОЕВА

ТАЛАБАЛАРДА МАЪНАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ  
(методик қўлланма)

Масъул муҳаррир: Б.Ходжаев

Мусахҳих: Т.Мустафоев

Техник муҳаррир: А.Бўриев

Компютерда саҳифаловчилар: С.Жўраев

Теришга 10.04.2021 йилда берилди. Босишга 26.04.2021  
йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Ҳажми 5,25 босма  
табоқ. Time New Roman Uz гарнитураси.

**Офсет усулда чоп этилди. 100 нусхада 80 бет**

Термиз давлат университети НММ нашриёти.

Термиз давлат университети НММ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй